

## Ҳайрат Тўракўргоний (1845-1915)

Чоп этилган: 04.04.2013

Умрзоқ Холбой ўғли Ҳайрат (1845—1915) илғор фикрли маърифатпарвар шоир ва нозиктаъб хаттот. У Наманган вилоятининг Тўракўргон туманидаги Ёртепада камбағал дәҳқон оиласида дунёга келди.

У дастлаб қишлоқ мактабида, сўнг Тўракўргон марказидаги Ғойибназар мадрасасида таҳсил қўрди. У таҳсил давридаёқ бадиий ижодга қизиқди, ўзбек ва форс-тожик классиклари асарларини қунт билан мутолаа қилди. Хаттотлик санъатининг кўплаб сирларини ўрганди.

Мадрасани тугатгач, Тўракўргон мингбошисига мирза бўлиб ишлади, кўп вақтини котиблик билан ўтказиб қишлоқ дәҳқонларига ариза, мактуб ва мероснома, китоб кўчириб бериш ҳисобига фақирона ҳаёт кечирган.

Янги усул мактаблари очила бошлагач, бу мактабларда ўқиш учун қишлоқдан талабалар кела бошлади. Дунёвий билимлар ўқитилаётгани учун шоир ўз қишлоғидаги болаларни ўқишга даъват қилади. Ҳайрат дўсти Фурқат ва бошқа маърифат тарқатувчилар сингари илм-маориф, фан ва маданиятни кўплаб шеърларида тарғиб-ташвиқ қилади.

### ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Шукрким, бўлди муюссар васли жонон бу кеча,  
Ғунчай матлаб очилмоқ бирла хандон бу кеча.

Боргоҳи кибриёга арзи ҳожат айладим,  
Ҳосил ўлдиким менга инъоми яздон бу кеча.

Толеим Хизри бўлиб раҳбар мени гумроҳга,  
Зулмати ҳажр ичра тофтим оби ҳайрон бу кеча.

Васл жомин дилбарим соқий бўлиб тутди менга,  
Нўш этиб якбора бўлдим маству ҳайрон бу кеча.

Жону дил бир-бирга берди, муждаи феруз асар,  
Шодлиқдин топди қувват нури имон бу кеча.

Неча муддатдин бери чекдим агарчанди алам,  
Маҳв бўлди, лавҳи дилдин доғи армон бу кеча.

Тифи фурқатдин кўнгул мажруҳ эрди, во ажаб,  
Марҳами қурбат етишди дарда дармон бу кеча.

Ул жафоларким фироқи ёрдин чекмиш эдим,  
Ғам ҳужумин боди васл этди паришон бу кеча.

Андалиби жон ўлуб, маҳбус тан зиндонида,  
Сабр-ором олмайин айларди афғон бу кеча.

Шишаи дил сангни кулфатдин эди доим шикаст,  
Мўмиёи марҳаматдин топди имкон бу кеча.

Дер эдим, бўлмас магар ул дилрабо васли насиб,  
Лутфи ҳақ ёри бўлиб бу мушкул осон бу кеча.

Солди чун боли ҳумо бошимга шафқат соясин,

Маснади васл узра чикдим уйла султон бу кеча.

Жону дилга васл чоғи тушди беҳад изтироб,  
Булбули дил шавқ ила бўлди хуш илҳон бу кеча.-

Мутлақо қолмай ҳушим ўзни фаромуш айладим,  
Мақдамига нақди жоним бўлса қурбон бу кеча.

Дил дуогў, жон ризожў, ақлу ҳушим хайриҳоҳ,  
Жисм аро ҳар устихонимдур саноҳон бу кеча.

Ёрким, мен нотавон афтодага раҳм айлади,  
Ҳақ таоло давлатин қилсун фаровон бу кеча.

Маснади иззатда бўлсин комрони пойдор,  
Етмасун ранжу алам даҳр ичра бир он бу кеча,

Ҳосил ўлсун ҳар муродиким дилида бор эса,  
Бўлса ҳоҳи ошкоро, ҳоҳ пинҳон бу кеча.

Субҳи мақсади баравжидин тулу этсин нишот,  
Кавқаби баҳти бўлиб чун моҳи тобон бу кеча.

Нури тавфиқи саодат шўъласи бирла дили,  
Кўзгуси топсун жило ҳам илму ирфон бу кеча.

Ҳайрато, бордир агар жонинг тан ичра барқарор,  
Айлагил доим дуойи хайри жонон бу кеча.

\* \* \*

Сабо, еткур саломимни нигори гулузоримға,  
Таҳийёти каломимни пари-пайкар нигоримға.

Сабо, арзим баён айлаб, неча элдин ниҳон айлаб,  
Равон ашкимни қон айлаб фироқи ёриғоримға.

Сабо, субҳи малоҳатдин кетур бўйи латофатдин,  
Дамодам атри роҳатдин димоғи мушкборимға.

Сабо, ман санга айтурман, сўзимни ёра айтурсан,  
Юзи гул, орази гулшан малоҳат ошкоримға,

Сабо, сенга сўзум шулдур, дегил: «Бечора бир қулдур»,  
Ажойиб кори мушкулдур, тағофил пеша ёримға.

Сабо, ул яхши дилбардин, жамоли меҳри ховардин,  
Лаби ёқути аҳмардин хабар вер табъи зоримға.

Сабо, бир кун мани холим кўрарсан таври афъолим,  
Етургил арзи аҳволим амири комкоримға.

Сабо, раҳм айла ман зора етур арзимни дилдора,  
Хуморим бора тобора зиёд ўяди хуморимға.

Сабо, девонадур Ҳайрат анинг-чун тортадур кулфат,

Нечуқдур сўрмасиғил ҳолат, етур номамни ёримға.

\* \* \*

Туштим, нигоро, бир турфа ҳола,  
Ҳажру ғамингдин ранжу малола.

Рўзу шабона оҳу фифоним,  
Тўлди фалакка овози нола.

Йўқтур жаҳонда жононлар ичра  
Сиздек парирў ширин мақола.

Афтода қуллар нетсунки келмас,  
Кўз-кўзга тушмай асло хаёла.

Маҳжурлиқда умри кўзимдин,  
Жоридур ашким монанди жола.

Ёлғон тааззур кўрганда айтиб,  
Бермай жавобим қилган савола.

Ёраб, рақиби ношустарўлар  
Юрсин йироқдин доим мўрола.

Ошиклирига ноз ила боқмай,  
Мастура қизлар янглиғ уёла.

Расми жавонлиғ комеҳрибонлиғ,  
Айб этса бўлмас, ҳар хурд сола.

\* \* \*

Фурқатда куйиб бўлдим сўзона тонг отқунча,  
Жисм ичра бўлиб жоним бирёна тонг отқунча.

Васлинг ила шод эрди маҳзун дилим, эй маҳваш,  
Хуснингни чарогига парвона тонг отқунча.

Хуноба тўкуб кўздин, йиғлаб сани ёд этдим,  
Хилватда тутиб узлат пинҳона тонг отқунча.

Дардоки, фалак айлаб бизларни жудо сандин,  
Ҳамхона қилиб қўйди ҳижронга тонг отқунча.

Аҳсан сани кирдору атворингга пинҳони,  
Қилдинг манга шафқатлар шоҳона тонг отқунча.

Лайли каби ёд айлаб бу ошиқи Мажнунинг,  
Этдинг ўзингга ул кун ҳамхона тонг отқунча.

Эй шўхи сухандоним билмай сани қадрингни,  
Суҳбатни еткурмасдин поёна тонг отқунча.

Навмиди висол ўлгач Ҳайратда мани ҳайрон,  
Билмай ўзими бўлдим девона тонг отқунча.

\*\*\*

Найлайин ҳайрона бўлмай, ёри жоним соғиниб,  
Дилбари маҳбублиғда маҳ нишоним соғиниб.

Васлидин уммиди роҳат жону кўнгулда мудом,  
Талх ҳажрида тақи кому забоним соғиниб.

Рахм этиб бир йўл хиром этгайму ул симин узор,,  
Иштиёқидин ҳазин жисмимда жоним соғиниб.

Эй мени, маҳзундин айтинг, ул парига шаҳри роз,,  
Дўстлар, ёдида куйди устихоним соғиниб.

Лаҳза-лаҳза ёдида беҳушликлар рў берур,  
Йўқлиғидин ақлу идроку баёним соғиниб.

Дам-бадам сориг юз ила йўлларида кўз тутиб,  
Интизорида ётурман келмагоним соғиниб.

Йўлида гарчанд кўпдур мен каби афтодалар,  
Жумласиға муқтадоман қадрдоним соғиниб.

Номалар ёздим неча сўзи дилимни шарҳ этиб,  
Ҳайрати девона ўлдим, дебки хоним соғиниб.

\*\*\*

Неши ғам етди жигарга устихонимдин ўтиб,  
Дарбадар қилди, нигоро, балки жонимдин ўтиб.

Отдилар ҳар чанд ағёр аҳли тийри таъналар,  
Тегмади, алҳамдулилло, кетди ёнимдин ўтиб.

Хуни ашкимдур шаробу бағри бирёним кабоб,  
Улфатимдур доғи ҳасрат ину онимдин ўтиб.

Рахти иқболим касод ўлмиш фано бозорида,  
Хор ўлибдур ул мато бу останимдин ўтиб.

Войким, дарду алам кўпдур дилимда доғ-доғ,  
Нола булбул касб этар оху фифонимдин ўтиб.

Сабру орому таҳаммул жумла барбод ўлдилар,  
Сарсари фурқат қазоро гулситонимдин ўтиб.

Нуктаперойлар сухан бобида ҳамрозим эрур,  
Мен нечук сабқат қилурман ҳам инонимдин ўтиб.

Мазҳари фазлу фасоҳат бўлса ҳарким, Ҳайрато,  
Сўзласун ул ёр васфида нишонимдин ўтиб.

\*\*\*

Эй ҳабиби меҳрибоним, мунча ноз этмай келинг,

Хўб билурсиз ҳоли зорим, имтиёз этмай келинг.

Гарчи биздин беадаблик содир ўлди ҳар неча,  
Шафқат ила афв этиб журмим, ароз этмай келинг,

Рашк ўтида ўртаниб ёнсин менингдек ғайр ҳам,  
Сарнигун айлаб ғами-ла сарфароз этмай келинг.

Оташи фурқатда сийнам куйдириб ҳамчун сипанд,  
Ҳам тагофил ўтида бағрим гудоз этмай келинг.

Мумкин эрмас бўлмаса ағёрларнинг таънаси,  
Билмасин аҳли ғараз, ифшои роз этмай келинг.

Айб эмасдур ҳусн шоҳидин гадога марҳамат,  
Жабрингизни кўпу лутфингизни оз этмай келинг.

Йўқ менга сиздин бўлак бир роздони дилнишин,  
Ҳасратимга ўзгаларни аҳли роз этмай келинг.

Хор этиб суйган гирифтордингиза айлаб назар,  
Ижтиноб ила жафо боз узра боз этмай келинг.

Айтаберсам то қиёмат ҳасратим бўлмас адо,  
Қисса кўтаҳ бўлса яхшидур, дароз этмай келинг.

Номингизга бир мувашшаҳ қилди иншо Ҳайратий,  
Кулбаи вайронасига эҳтиroz этмай келинг.

\* \* \*

Кеча охтардим, ўшал сарви равон учрамади.  
Ошкоро демайин, балки ниҳон учрамади.

Кўчаларга сув уруб қонли ёшим бирла, дариф,.  
Бир қадам қўймайин ул сарви равон учрамади.

Телбалардек юрубон ҳар сори кўб тентирадим,  
Келди чиқмоққа яқин оғзима жон учрамади.

Қолмади сабру қарорим они ҳижронида оҳ,  
Мани саргаштаға ул сарви равон учрамади.

Дашти фурқатда адам бўлди вужудим гўё,  
Бошима соя солиб, роҳати жон учрамади.

Бир кўрарға мани зор айлади, жонон на қилай,  
Қасди ўлдурмак экан, бермай амон учрамади.

Қомати тубийи жаннат, лаби чун лаъли Яман,  
Орази шамъи шабистони жаҳон учрамади.

Наргиси мастидин охуий Хўтан хижлат аро,  
Қоши ё киприги чун тийру синон учрамади.

Ҳайратим ошдию ҳар ён югуриб қолмади тоб,

Яна маъюс бўлиб ёндиму жон учрамади.

\* \* \*

Эй пари, бас қилғил истиғнони, жоним қолмади,  
Сенга узр айтурга нутқ ила забоним қолмади.

Сабр қилдим ончунон, бир йўл тараҳҳум этмадинг,  
Чоҳи ҳижрсагда қолиб, чиқмоқ гумоним қолмади.

Ғайриларнинг суҳбатида булбулигўё бўлиб,  
Манга қолганда дединг:— Эмди забоним қолмади.

Раҳм қил минбаъд, нечун бағрим эзди фурқатинг,  
Зоҳир этдим сенга, бир сирри ниҳоним қолмади.

Хор тутма гарчи бўлсан ҳам фақиру нотавон,  
Ҳасратингда ушбу жони нотавоним қолмади.

Айладинг беҳад мани ошуфтаҳол, эй дилрабо!  
Куймаган ҳажр ўтида бир устихоним қолмади.

Назм аро зийнат учун номи ҳуруфингни олиб,  
Йиғламай бу хомаи мискин фишоним қолмади.

Илтифот эт, қолмайин то водии Ҳайрат аро,  
Мухтасар қилдим сухан, алқисса жоним қолмади.

\* \* \*

Бир-бирин деган киши пайванди жон бўлмоқ керак,  
Талх сўзини қўйиб ширин забон бўлмоқ керак.

Дўсту душман ўртасида фарқи шулдур, эй кўнгул,  
Лутфу шафқат бирла доим меҳрибон бўлмоқ керак.

Доимо истаб ризосик хотирини овлабон,  
Айланиб аҳволига ҳам роздон бўлмоқ керак...

Ҳозиру ғойибда айлаб ёд яхши васф ила,  
Зоҳиру ботинга бир жисм ичра жон бўлмоқ керак.

Беғараз улфатчилик айлаб ҳамиша рўзу шаб,  
Бу эмиш шарти мувардат як забон бўлмоқ керак.

Ҳар неча муфсид эли қилса арода васваса,  
Бовар этмай дафъатан бо имтиҳон бўлмоқ керак.

Бу замона ошноси бил ажаб ҳар ранг эрур,  
Яхшига яхши, ёмонларга ёмон бўлмоқ керак.

Тил била сидқу муҳаббат, дилда юз кибру нифоқ,  
Бу тариқа ошнодин бадгумон бўлмоқ керак.

Ҳайрато, даҳр аҳлидин меҳру вафо тутма умид,  
Бўлди лозим бу ародин бенишон бўлмоқ керак.

\* \* \*

Қилай ҳар дам дуойи давлатинг, дилбар саломат бўл,  
Бўлубман мубталойи суратинг, дилбар саломат бўл.

Омон бўлсун ҳамиша сен била ҳар кимки ҳамдамдур,  
Муносиб ҳам келишган улфатинг, дилбар саломат бўл

Русуми дилраболиг, эй пари, сағга мусалламдур,  
Хусусан ўлтуришда суҳбатинг, дилбар саломат бўл.

Юзинг гул ёсамин, лаъли лабинг чун ғунчай гулдур,  
Мисоли навдаи гул қоматинг, дилбар саломат бўл.

Хабардор ўлғил, эй маҳваш гаҳи афтода ҳолимга,  
Бўлибдурман асири фурқатинг, дилбар саломат бўл.

На қилсан қолмади сабри кўриб ҳусни жамолингни,  
Қилур доим дуолар, Ҳайратинг, дилбар саломат бўл.

\* \* \*

Ё илоҳо, мен каби ҳеч кимса ҳайрон ўлмасун,  
Ғурбат ичра кулфат ила банди зиндан ўлмасун.

Йўқ кишиким хаста ҳолимни сўраб шод эткудек,  
Бешууру, беқарору, бенигаҳбон ўлмасун.

Айрилиб ёру диёридин алам ёбонида,  
Зору дур афтодалик бирла жигар қон ўлмасун.

Қадрдонлардин жудою, ношунос аҳлига хор,  
Ибтилиоқда менингдек доғи ҳижрон ўлмасун.

Ҳар замон ножинсу номавзун ила ҳамроз ўлуб,  
Хотири гул баргидек ҳар ён паришон ўлмасун.

Не бир аҳбоби самимий аҳли дарди беғараз,  
Ҳамдами хайли тахаллуфпеша нодон ўлмасун.

Ноз этиб, нозик адой нозанинлар нозики,  
Оқибат ҳажрида онларни пушаймон ўлмасун.

Ҳар ким ёраб, бу фони даҳр аро аҳбобидин,  
Айрилиб девона Ҳайратдек ғазалхон ўлмасун.

\* \* \*

Очма рухсоринг чамандин рангу бў қўзғалмасун,  
Аксидин ойиналар монанди сув қўзғалмасун.

Гулшан ичра кулма токим, ғунча бағри чок ўлиб,  
Лаълинга айлаб ўзини рўбарў қўзғалмасун.

Раҳм этиб муштоқлар сориға гоҳо қўй қадам,

Васлинг истаб мисли Мажнун күбакү құзғалмасун.

Муддатедур дарди ҳижронингга бўлдим мубтало,  
Тандин айлаб кетгали жон жустужү қўзғалмасун,

Ишқ беморига, эй нодон, табиб этма илож,  
Бевафо деб ҳикмат аҳлидин ғулу қўзғалмасун,

Лоладек қат-қат кўнгуллар ҳасратидин доғдур,  
Қўрқарам изхорига деб гуфтугў қўзғалмасун.

Нқа бирла жайбу домоним ғамингнинг панжаси —  
Чок-чок этди, ўзингдин феъли хў қўзғалмасун.

Жону дил муштоқдур, жоно, висолинг жомига  
Ўзгалар саҳбоя пур айлаб, сабу қўзғалмасун.

Айлама ҳар булҳавасни суҳбатингдин баҳравор,  
Токи бу нуқсонига афсонагў қўзғалмасун.

Нозанино, бу жаҳон ичра кўнгулда муддао  
Васлинг уммидидин ўзга орзу қўзғалмасун.

Ҳайрати девона, бирни деб бўлакка боқмаким,  
Чарх давронида ногоҳ саҳв дув қўзғалмасун.

\* \* \*

Бўлмасун, ёраб, киши мендек диёридин жудо,  
Айшу ишрат нўши жоми рўзгоридин жудо.

Тортибон тори насиба ҳар тараф занжир ила,  
Ғурбат ичра зор ўлиб аҳли қаторидин жудо.

Интизори аҳли авлод ўлмасун фурқат аро,  
Ёри мушфиқ зумраи хешу таборидин жудо.

Маскани маълуфу маъво манзили жойи аро,  
Гарчи бўлсун анкабут ул тори коридин жудо.

Булбул ўлмас хуш наво айрилса гулшандан агар,  
Ноласи жонсўз ул фасли баҳоридин жудо.

Тоқат этмаз ҳеч вақти ҳажр аро маҳзун кўнгул,  
Ёраб, аспло бўлмасун ошиқ нигоридин жудо.

Интизорин ваъдаи дийдор дилдор этгуси,  
Халқ аро афсонай ҳам ақлу оридин жудо.

Ҳайратий девонага ҳуббул ватан манзурдур,  
Бўлмасун ул нури чашми рўзгоридин жудо.

\* \* \*

Кўнглумда ғаминг наштаридин доғи алам бор,  
Ким санга асир ўлди анга ушбу надам бор.

Эй шўхи пари чеҳра, сени деб бу жаҳонда,  
На майли чаман, на ҳаваси боғи Эрам бор.

То жоним эрур тан қафаси ичра муқаррар,  
Ишқингда қаландарман, анга шоҳид эгам бор.

Бу телбалиғим боисидур ишқ жунуни,  
Қисматда менга ёзган они лавҳу қалам бор.

Хуноба тўкай тобакай, эй ёр кўзимдин,  
Ҳажрингда агар етса ажал менга на ғам бор.

Ўлдим дедиму, айламадинг лутф ила парво,  
Ҳаргиз демадинг, ишқим аро санда алам бор.

Номингни дурри ҳарфини бу назм узра ёздим,  
Девонаи Ҳайрат дилида ушбу рақам бор.

\* \* \*

Неча кундурким менга ул шўх жонон индамас,  
Ҳар неча қилсан ғами ҳажрида афғон, индамас.

Ул париваш ёр ҳажрида давомат кўзларим,  
Дард бирла ҳар нечаким йиғласун қон, индамас.

Жону дил бирла муҳаббат айладим аммо на суд,  
Билса ҳам ишқида ахволимни чандон, индамас.

Йўқламас гарчанд беморини дарди ҳажридин,  
Қолди на жонимда роҳат, танда дармон, индамас.

Ул париваш ишқида ўлмақдин ўзга чора йўқ,  
Эндилиқда ҳар куни берсамки юз жон, индамас.

Бўлди Фарҳод ила Мажнун қиссаси афсонадек,  
Чунки ёр олдимда, аммо дил паришон, индамас.

Найлайнинг ғайрилар бирла менинг рағмим учун  
Рўбарўда ўлтуриб, ул ёри нодон, индамас.

Ваъдаи васлига мен нодон инониб шод эдим,  
Қайда қолди ул вафойи аҳду паймон, индамас.

Ғунчай табъим насими муждадин очилмагай,  
То кетиб кулбамга ул шўхи сухандон, индамас.

Рост деб бўлмас ишониб бевафолар аҳдига,  
Бўлса ҳамким ваъдаси кўрганда ёлғон индамас.

Тут умид илки била домони матлаб охири,  
Ҳайратий девона сенга, йўқтур- имкон индамас.

## МУҲАММАСЛАР

## НОДИМ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Келгил, эй маҳваш, кўзим муштоқи дийдоринг сенинг,  
Ишқ бозорида жон жазми харидоринг сенинг,  
Ушбу савдога сабаб, бу ҳусну рухсоринг сенинг,  
Умрлардурким кўнгул, жоно, гирифторинг сенинг,  
Орзуманди лаби лаъли шакарборинг сенинг.

Қоматингдан сарв ҳам гул новдаси бебоқдур,  
Лабларинг лаълу, тишиңг дурданаи ноёбдур,  
Маҳрами ҳусн ичра ул ким шўълаи маҳтобдур,  
Базм аро шамъи нишот афрӯз, оламтобдур,  
Эй парилар сарвари, ул икки рухсоринг сенинг.

Бир йўл, эй бераҳм, дил васлинг-ла хурсанд ўлмади,  
Базмларда илтифотинг-ла фараҳманд ўлмади,  
Мен каби ҳеч кимса доми ҳажрингга банд ўлмади,  
Оҳким, ҳаргиз висолингдин баруманд ўлмади,  
Жон бериб юз минг менингдек ошиқи зоринг сенинг.

Мардуми чашминг солиб кўнгулга юз минг шўру шар,  
Холи ҳиндукум занахдонингда кўрдим мустақар,  
Ҳасратида нола қилмоқдур фаним шому сахар,  
Лаъли нобинг иштиёқидин бўлиб хуни жигар,  
Ғунча янглиғ таҳ-батаҳ қондур дилафгоринг сенинг.

Эй малоҳат таҳтида сенсан амири сарфароз,  
Хўбларнинг сарварисан, дилбари ошиқ навоз,  
Ишқ элиниңг кори-боридур ҳама ажзу ниёз,  
Ҳар жафою жабр қилсанг инжимам, эй сарви ноз,  
Ўзгалар лутфидин ортиқ жонга озоринг сенинг.

Чашми хунрезинг ҳамиша қасди жон этмоқ тилар,  
Орзуйи лабларинг бағримни қон этмоқ тилар,  
Шавқи дийдоринг кўзим ёшин равон этмоқ тилар,  
Хоки пойингни нисори нақди жон этмоқ тилар,  
Кеча-кундуз йиғлабон ҳар ерда хушторинг сенинг.

Эй пари, сенсан ҳама маҳваш эли ичра синад,  
Оlam ичра ошиқи дийдоринг эрмиш беадад,  
Ҳайратий девонага исминг аён этмоқ на ҳад,  
Нодим ашъорига музмар ҳарфу ишқинг то абад,  
Ҳирзи жони аҳли ушшоқ ўлди тумморинг сенинг.

## НИСБАТ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Оҳким, бир бўлмадик асло қадрдан иккимиз,  
Этмадук қўл ушлашиб сайри гулистон иккимиз,  
Не бўлур, эй юзлари хуршиди тобон иккимиз,  
Ошнолик бирла бўлсак шоду хандон иккимиз,  
Ўртамизга тушмаса бегона бир он иккимиз.

Доимо кезгум чу булбул гулюзим ёдин қилиб,  
Нанг ила номус, ақлу ҳуш барбодин қилиб,  
Иттифоқо ёрими кўрганда дил шодин қилиб,

Хайфким, ҳар дам фалак кажравлик ижодин қилиб,  
Гар топишсак қўймагай сұхбатга чандон иккимиз.

Иштиёқидин бўлиб жон ила диллар бехузур,  
Етмадим васлига ҳаргиз, кўрмадим айшу сурур,  
Бор эканму билмадим оё бу пешонамда шўр,  
Муддао нақши муҳаббат кўнглимиз лавҳидадур,  
Рамз ила имо этишмоқ эрди, эй жон, иккимиз.

Муддаойи хотирим бўлгаймукин, ёраб, ҳусул,  
Тифи ҳижрон ила захмин кўнглум ўлди пур малул,  
Бўлса ҳоҳи ошно ёким рақиби булғузул,  
Даҳли йўқ ғайри дигар гар топса ўртамизга йўл,  
Маҳзи ҳасратлар била қилгаймиз армон иккимиз.

Ишқ жомин мост ҳар ким нўш этар ҳушёр эмас,  
Кимдур ул бўлсун фаришта ҳамнафас ағёр эмас,  
Волаи мафтун кўнгул деб орзуға ор эмас,  
Хоҳи дўсту ҳоҳи душман бизга ҳеч даркор эмас,  
Жони дилдек бўлсак ар тан ичра пинҳон иккимиз.

Сайр этиб юрсак иков боғлар аро дилхушлашиб,  
Учраса ҳажр ила фурқат жон борича мушлашиб,  
Бодаи гулрангдин нўш айлабон майхушлашиб,  
Орзум шулдур ҳамиша сиз билан қўл ушлашиб,  
Айласак ҳар ён хиромон ила жавлон иккимиз.

Қаҳр этиб гоҳи ситам тифида сийнам тилдириб,  
Ним нигоҳи хандаомиз ила гоҳи кулдириб,  
Ҳайратий девонага маҳбуб эконин билдириб,  
Нисбатийга амр этиб, гоҳи мувашشاҳ қилдириб,  
Номингиз ашъорига бўлсак ғазалхон иккимиз.

## МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ишқ аро ошиқ элин афгор қилмоқ шунчалар,  
Ииғлатиб кўз ёшини хунбор қилмоқ шунчалар,  
Арзи ҳол этса агар инкор қилмоқ шунчалар,  
Зулм ила қаҳру ғазаб изҳор қилмоқ шунчалар,  
Ошиқи бечорага озор қилмоқ шунчалар.

Лутф этиб ағёрига рашқ ўти бирла кўйдуриб,  
Тифи ноз ила неча муштоқларни ўлдуриб,  
Васлидин маҳрум этиб, ҳар ён рақиб ила юриб,  
Гул дебон севган кишининг кўкрагига ниш уриб,  
Хастаю маъюс этиб, афгор қилмоқ шунчалар.

Бир такаллум айламай хушторларнинг базмида,  
Комёб гулдек чу ман беморларнинг базмида,  
Ошиқи содик дили афгорларнинг базмида,  
Тўтии шириңсухан ағёрларнинг базмида,  
Бизга келганда гапурмай, зор қилмоқ шунчалар.

Нозу истиғнолар ила олмайин юздин ниқоб,  
Бир қиё боқмай, яна айлаб неча қаҳру ғазоб,  
Эй шаҳи тахти малоҳат, дилбари олий жаноб,

Сизга ким айди, мұхаббат аҳлини қил әхтисоб,  
Құрқутиб ўз айбига иқрор қилмоқ шунчалар.

Бўлса ҳар қандоғ киши улфат яқоси тугмалик,  
Ҳар касу нокаски, бадтийнат, яқоси тугмалик,  
Хуш тавозе бўлса, серсавлат, яқоси тугмалик,  
Келса олдингизга бой сурат, яқоси тугмалик,  
Иzzat ила шоду миннатдор қилмоқ шунчалар.

Ким кезиб дашти мұхаббат ичрадур зору асир,  
Тут фақирлар илкини бўлса агар равшан замир,  
Қўзга илмай, әхтиroz ила ани айлаб чақир,  
Гарчи келса эски тўн, биздек дуогўйи ҳақир,  
Камбағалнинг хирқасидин оп қилмоқ шунчалар.

Ёр агар зулм этса, Ҳайрат, тоңмагай ҳаргиз Муқим,  
Ҳажр жомин нўш этарда қонмагай, ҳаргиз Муқим,  
Ҳар бир ишким етса, меҳнат сонмагай ҳаргиз Муқим,  
Ҳар балою жабр келса ёнмагай ҳаргиз Муқим,  
Ошиқ аҳлини урубон хор қилмоқ шунчалар.

## РУБОИЙЛАР

\*\*\*

Ёраб, аҳли дард ила ҳамроз қил,  
Мунису ҳамсуҳбату дамсоз қил.  
Қилма ҳар ножинс ила ҳамдам мани,  
Улфати аҳли салоҳи соз қил.

\*\*\*

Соқиё, навбат ила жом кетур,  
Нўш этай дам тутиб тамом, кетур.  
Ғам била хотирим мушаввашдур,  
Тарқ қилмай ани давом кетур.

\*\*\*

Агарчи Ҳайратий девонадурман,  
Биҳамдиллоҳким, фарзонадурман.  
Қўзи кўр аҳлига гўё сомоне,  
Қўзи бийнога чун дурдонадурман.

\*\*\*

Соқиё, полагун шароб кетур,  
Жисми жонимга печу тоб кетур,  
Доми ғамдин даме ҳалос бўлиб,  
Ёзайн ҳасратим, китоб кетур!

\*\*\*

Эшигтан, ўқуғонга Ҳайратийдин аргумондур бу,  
Дилидин, рози ифшодин баён ҳам таржимондур бу.

Ёзилган сафҳаи кўнглумга илҳоми илоҳийдин  
Ки бир нозик адо дилдор васфидин нишондур бу.

## Абдураззоқ Бимий (1850-1926)

Чоп этилган: 04.04.2013

Бимий 1850 йили Андижоннинг қишлоғида замонасининг ўқимишли оиласида туғилди. Ёшлигидан илм-фанга зўр ҳавас қўйган Абдураззоқ ўзбек, форс ва араб тилларини, шунингдек, классик мусиқа, хаттотлик илмини ҳам кунт билан ўрганади.

Бимий ўз ижодини жуда эрта бошлайди. Катта истеъоди ва меҳнати, тинимсиз изланиши туфайли замонасининг истеъодли шоири сифатида танилади. Бимий асарларини тўплаб девон тузган. Аммо бу девоннинг излари топилганича йўқ.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Фарғона адабий ҳаракатчилигига маълум ўринни эгаллаган Абдураззоқ Бимий 1926 йилда вафот этган.

## ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Ишқ ичра у Мажнун ҳам парвона экан мендек,  
Лайлини фироқида афсона экан мендек.

Ғам тоғида қон йиғлаб, Ширин ғамида Фарҳод,  
Ҳасратда ўшал ошиқ ҳайрона экан мендек.

Ўртанди Зулайҳо кўп Юсуфни фироқида,  
Ҳар балдада дилдори бегона экан мендек.

Овораи хижронлар сахрои маломатда,  
Муштоқи висоли ул жонона экан мендек.

Эй маҳваши барнолар, жон кўйдириб ошиқлар,  
Рухсорини шамъиға парвона экан мендек.

Майхоналара келмиш маҳмурда дарег этма,  
Май сун кечалар муҳтож паймона экан мендек.

Узрони ғами бирла Вомиқни дилу кўнгли,  
Ишқ оғатида Бимий вайрона экан мендек.

\* \* \*

Мехри руҳингни даврида зулфинг шикан-шикан,  
Топар димогим анда насими Хўтсан-Хўтан.

Лаъли лабингни даврида холингму ё магар,  
Кавсар лабида қилди қаро қуш ватан-ватан.

Ошуфта қилди кеча тушумда димогими,  
Ўйнаб сабо сунбулинг узра суман-суман.

Мужгон учи қадалди келиб сийна чокима,  
Қилмас руфуъ ғунчани жайбин тикан-тикан.

Бердим кўнгилни ишқида жондин умид йўқ.  
Пироҳанимни ўлсам агар Қил кафан-каfan,

Лаълинг муюссар ўлмаса лабташналаргаким,  
Суннат айлама сихри ҳароратини баман-баман.

Эй кўз асири ўлдинг ўшал гулузорни,  
Боқдинг юзиға эмди чекарсан миҳан-миҳан.

Ўлсам фироқи тифи билан дафн айла мани,  
Қилсун танимни туъмаи чун зоф заған-заған.

Нетсун фигону нолалар этмай гар ўлсам,  
Бу хаста Бимий, бўйниға зулфи расан-расан,

\* \* \*

Бор эрди Абдураззоқ девонахў,  
Ки девона эрмас, нек табъ, нақў.

Бирор топмас айбин атворидин,  
Қилур ҳажв ўз тўну дасторидин.

Бўлуб Хўқанд аниңг маскани,  
Ҳажвгўйликдур шиор этгани.

Бу баҳри тавил туркини қилди рақам,  
Маликзодадин топди ул дам карам.

\* \* \*

Бир кун мен зори беёр ғамхор, сахрова кўрдим бир инсон,  
Ўз ўти бирла ўзи туташгон, гирён, урён, тирноғи ўсгон.

Йиртиб яқосин, тирнаб лиқосин, умри бақосин бермиш фаноға,  
Кўнгли маломат тошида сингон, ишқ оғатидин бағри эзилгон.

Гар дийда эрди, оҳлар бошида сингон ошиёни.  
Сахрони тутгон ўтлиғ фигони, сайдар айлар бесабру сомон.

Бошидин олмиш ким ҳушин они, кетмиш қўлидин ақли инони,  
Оқмиш қўзидин бағрини қони, дарди ниҳони ўлмиш намоён.

Сўрдим бу кимни кўйида расво, йўқ анда ҳаргиз сабру шикебо,  
Кўнглини дунё меҳридин узгон тарки ватандур, чун вокиф ўлон.

Фарёдидин танг бу дашту сахро, туфроғи, ашки, селобидин қон,  
Зоҳирда ўлмиш Мажнуни расво, ботинда Лайли ишқида султон.

Кам қилма, Бимий, ишқини ёраб, куйингда Мажнун саргаштадин то  
Доим сени деб, ишқингда йиғлаб ўлсун макони дашту биёбон.

## МУХАММАС

Мен асири ғамзаи бир гулузор ўлдим яна,  
Мубталои икки зулфи тобдор ўлдим яна,  
Кунжи ғам ичра туну кун интизор ўлдим яна,  
Кўйида қон йиғламай, найлайки, зор ўлдим яна,

Ох, бу ерда туролмай, бекарор ўлдим яна.

Васли умиди била чашмим тўкар чун ошкор,  
Иифлагайман кечалар хижрони бирла зор-зор,  
Қолмади дарди фироқида инону ихтиёр,  
Ҳасратида дилда дардим, қўз ёшимдур шашқатор,  
Мен гирифтори ўшал Шириншиор ўлдим яна.

Ох, бир соат келиб, ҳолинг нечун, деб сўрмади,  
Келса негах, лоакал бир лаҳзае ўлтурмади,  
Кечалар тортган фироқида азобим кўрмади,  
Бошима шафқат ниҳоли соясин солдурмади,  
Найлайнин, бир меҳрсиз ёра дучор ўлдим яна.

Ноз ила гулшанда очти оразин ул сарвиноз,  
Олди хушимни бошимдин, айлади беимтиёз,  
Лол ўлуб қолдим қиломасдин боқиб ифшойи роз,  
Кечти умри мустадоми ҳасратида кишу ёз,  
Бу таманнолар била беихтиёр ўлдим яна.

Нолаю ағонима ерда башар, қўқда малак  
Сабр этолмас, чарх уруб ҳолимға йиглаб нўх фалак,  
Мумкин эрмасдур ғамим шарҳини айтмак як-баяк,  
Мумкин эрмас ҳасрати Бимиини маҳсуб айламак,  
Ғуссау, ғам нақди бирла бешумор ўлдим яна.

## Мұхаммад Юсуф Баённий (1858-1923)

Чоп этилган: 17.12.2013

Баённий (тажаллуси; асл исми Мұхаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли) (1858—Хива — 1923) — Ўзбек шоири, тарихчи, мусиқашунос, ҳаттот ва таржимон. Хивадаги Шергозихон мадрасасида таҳсил қўрган. Сулс, куфий, раҳоний, шикаста ҳатларини яхши билган, танбур чертиш ва ғижжак чалишда моҳир бўлган.

Баённийнинг бир девони, Хоразм тарихига оид икки асари ва таржималари сакланган. У мумтоз шеъриятнинг деярли ҳамма жанрларида ижод қилиб, Навоий, Мунис, Огаҳий анъаналарини давом эттирган. Аваз Ўтар билан ижодий ҳамкорликда бўлган. «Девони Баённий» шеърлар тўпламини тузган. Унга кирган шеърларида дунёвий севгини улуғлаган, табиат гўзалликларини содда ва равон ифодалаган, мазлумлар, илм-фан аҳлиниңг аччиқ тақдирига ачинган.

«Шажараи Хоразмшоҳий» тарихий-мемуар асари билан Мунис ва Огаҳий бошлаган ишни давом эттирган. Бунда Ёфасдан Қўнғирот уруғигача, Абулғозий Баҳодирхондан Асфандиёрхонгача ўтган хонлар ҳукмронлиги даври тарихи ёритилган. «Хоразм тарихи» асари «Шажараи Хоразмшоҳий»даги воқеаларни тўлдирган. Асарнинг аввалги боблари маъно жиҳатдан «Шажараи Хоразмшоҳий»га ўхшаб кетади. Лекин ёзилиш услуби билан ундан фарқ қиласи. Асарда, асосан Асфандиёрхон ҳукмронлиги даври ва ундан кейин рўй берган воқеалар тасвирланган. 16 бобдан иборат бу асарнинг 8 бобигина бизгача етиб келган.

Баённийнинг ҳар икки тарихий асарида ижтимоий-иктисодий ҳаётга оид жуда кўп қимматли материаллар бор. Жумладан, Хива хонлигининг Бухоро ва Қўйкон хонлиги ва хонликка қўшни бўлган бошқа мамлакатлар билан савдо ва дипломатик муносабатлари, меҳнаткашлардан олинадиган ҳар хил солиқлар, Хоразмда яшаган олим ва шоирлар, шаҳарлар ҳаёти, дехқончилик ишлари тўғрисида бой маълумотлар ёзилган.

Баённий арабчадан Дарвеш Аҳмад («Саҳойиф ул-аҳбор», 1901), форсчадан Биноий («Шайбонийнома», 1915), Табарий («Тарихи Табарий») асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Мажмуаи шуарои форсий» тўплами (1900) ва бошқани хусниҳатда кўчирган.

«Шажараи Хоразмшоҳий» (инв. № 9596), «Хоразм тарихи» (инв. № 7421), «Девони Баёний» (инв. №№ 1120, 7106, 6666) асарларининг қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

## ҒАЗАЛЛАР

Жаҳон сув юзида эрур чун хубоб,  
Бас андин нечук бўлгумиз баҳраёб.

Биноси бўлуб тўрт зиддин анинг,  
Эрур ишлари давр аро инқилоб.

Бу зидлар табаддул аён айлабон,  
Фитан жойи бўлмиш жаҳони хароб.

Бирорни чу хушликда кўрди фалак,  
Ҳасад бирла урғуси оташға об.

Етар жаври бирдек гар ўлсун гадо,  
Вар ўлсун шаҳаншоҳи молик риқоб.

Анинг хушлики барқдек тезрав,  
Ғами ҳам ўтар мисли зилли саҳоб.

На иқболидин шод ўлуб ҳуш эли,  
Сурури учун қилдилар фатҳи боб.

На идборидин танглиқ тортибон,  
Ғами ранжидин этдилар изтироб.

Чу ахвол мундоғ эса, соқиё,  
Карам айлабон ол юзингдин никоб.

Дамадам лаболаб қилиб жомни,  
Изин узмайин тут майи лаъли ноб.

Баёний бўлуб маст даврон ғамин  
Унутсин юзунгни кўруб беҳижоб.

\* \* \*

Эй биродар, даҳридин қўнглинг мукаддар бўлмасун,  
Ҳар дам онда оздин кўп шўр ила шар бўлмасун.

Бўлғил оғах ғафлату, бухлу ҳасад, ужбу риё,  
Кийну, ширку, шак бори қўнглингда яксар бўлмасун.

Тушмагил асло қаноат иззатидин, гар десанг  
Юзларим юз навъ зиллат бирла асфар бўлмасун.

Фоқа аҳли бил — фано иқлимиининг султонидур,  
То беногах ул санинг наздингда аҳгар бўлмасун.

Факрдур фахри наби бас чарх ўзин арз этса ҳам,

Күнглунг асло мойили мулки Скандар бўлмасун.

Даҳр айши таркин эт токим қўнгул миръотида,  
Ранги занги жавр даври зулм густар бўлмасун.

Матлабинг дилдордин бўлса таманнойи висол,  
Ёдининг ғайри замиринг ичра музмар бўлмасун.

Бўлмаса дарди фироқ ўтига сабру тоқатинг,  
Ҳеч бу йўлда санга жуз ишқ раҳбар бўлмасун.

Чун Баёнийга берур жилва мароёи жамол,  
Нега матлуби алардин хусни дилбар бўлмасун.

\* \* \*

Чун баҳор айёми келди, тўлди гулдан дашту тоғ,  
Фикрати гулдин кўнгуллар қилди майли гашти боғ.

Даҳри дуннинг ишрати марғуб эмасдур ёрсиз,  
Айшу ишрат ёрсиз даҳр иҷрадур доғ ўзра доғ!

Ул тағофул пешанинг эрса тағофул пешаси,  
Нега бўлмастур жунун рогида синам роғ, роғ.

Бошда меҳр айлаб аён, сўнгра бу не бадмеҳрлик,  
Бош-аёқингга қўёрман, нетди сунсанг бир аёғ.

Гах қилурсан неча найранглар била ўтимни тез,  
Гах тўкарсан нози истиғнодин ул ўтимға ёғ.

Давр жавридур манга бу оҳким бир етмади,  
Бахти нофаржомдин келган меҳанлардин фароғ.

Гўшандадун мунзави бўлмак тиларман кошки,  
Оlam аҳлидин манга жо бўлса андоғ бир қироғ.

Ким замона илкига олса фалак ғарболини,  
Хоки ғаброни элаб ҳам топмагай мендин сўроғ.

Эй Баёний ким вафосизлардин уммиди вафо  
Қиласа ҳаққидур жафо дуди била ёқмақ димоғ.

\* \* \*

Ёзғали қаддингни таърифини, эй зебо санам,  
Лойик улдур қилғаман шоҳи санубардин қалам.

Қоматинг зебо алифдекдурким анинг оллида,  
Шоҳи гулни бори хижлат айлади қаддини ҳам.

Ёки бош чекди латофат боғида бир тоза гул,  
Ким яратди они раҳматдин худойи зулкарам.

Чун сочинг тавсифи таҳририга сурдим хомалар,  
Бўлди ҳар сатри анга бир банд занжири қадам.

Етди чун қошингни икки тифининг авсофиға,  
Васф эта олмай таваққуфсиз қалам бўлди қалам.

Оҳ уйи Чин ноғидин бўлса муносибдур мидод,  
Икки жоду кўзларинг мадхини айларга ракам.

Юзларингдур мисли ойина мусаффиға, чун анга  
Бир назар қилса киши кўнглида қолмас занги ғам.

Чунки тоза-тоза гуллар бирла хуррамдур ҳамон,  
Даҳр аро андин намуна келди гулзори Эрам.

Ким Баёнийдек бўлуб бу ишқнинг савдосиға,  
Тушса ул бўлгуси мажнунликда оламға алам.

\* \* \*

Лабмидур бу ё Хизрнинг чашмаи ҳайвониму  
Сўзму Адан баҳрини ё турлук дуру ғалтониму.

Юздуруми бу, ё равзай фирдавснинг навбар гули,  
Ё осмони хусннинг равшан маҳи тобониму.

Кўнглумни шод этди менинг айлаб висоли ваъдасин,  
Ёким бурунгидек бу ҳам бир ваъдаи ёлғониму.

Фазл ахлидин тўлмиш магар Хоразм мулки сарбасар  
Ё бу мамолик арсаси сўз гавҳарининг кониму.

Ҳар ёндин узмай изини эл келтиурлар қоп-қанор,  
Бу асрда ашъор, ё билмон тариқ самониму.

Турфа бу дурким борчаси бир-биридин марғуброк  
Ислоҳин эткучи ва ё Хоразмнинг хоқониму.

Токи баён айлар анинг мадхин Баёний адл ила  
Ёким бу шаҳ ўз асрининг шоҳи Ануширвониму.

\* \* \*

Қушлардин ўзни гўё айлар шумор қарға,  
Парвоз урага айлаб фавор қарға.

Андин ким ўзга қушлар босмокға ор этарлар,  
Завқу сурур ила ар бенангту ор қарға.

Девор аро хиромон бўлгуси тўъмадин сўнг,  
Мастона наъра тортар девонавор қарға.

Дехқонни мазраида дилтанг этар ҳамиша  
Учгуси бир кесақдин гарчи ҳазор қарға.

Олам элин анга бу атвори этди душман,  
Эл тошиға ҳадафдур шайтон шиор қарға.

Эй кошки йироқлик сен бирла ўртамизда,  
Шарқ ила ғарб бўлса, эй бевиқор қарға.

Қушларни васфига чун тил очти дер Баёний,  
Сархуш бўлурға етмай бўлғай хумор қарға.

## МУРАББАЬ

Масканим хоки мазаллатда таҳайюр домидур,  
Қисматим андуҳи фурқат шиддати оломидур,  
Чунки бу равшан куним хижрон қоронғу шомидур,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Йўлинга менда қадам урмакға қувват қолмади,  
Ҳимматим борича бўлди сарфу ҳиммат қолмади  
Сабр қилмоқ мунча бўлғай эмди тоқат қолмади  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Ишқи хунхор асрү зору, бекарор этмиш мени,  
Ихтиёrimни олиб беихтиёр этмиш мени,  
Чун санинг йўлингда беномусу ор этмиш мени,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Қайси атворим санга марғуб они билмадим,  
Қайси ишни ихтиёр эт дединг они қилмадим,  
Қайси ғам тифидур онинг бирла бағрим тилмадим,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Ишқинг ўти ўртатиб қилди кўнгул мулкин хароб,  
Бўлди ашкимдин равон ҳар ёнға бир дарёйи об  
Ўлди чун ҳушимни шавқинг жонға солди изтироб  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Юз қўюб ҳар ён манга юз қўймади жуз дарду ғам  
Чораи ҳолимни кимдин истадим кўрдим ситам,  
Келдим охир ҳазратингга айлаб уммиди карам,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

Кўр Баёнийнинг наҳофат ичра жисми нолини,  
Ранги рўйидин анинг фаҳм эт бори аҳволини,  
Чунки ўткарди ғаму кулфатда моҳи солини,  
Бир карам қил, эй шаҳи хўбон, карам ҳангомидур.

## ҚИТЪА

Гар хор эса ҳар ким ўз элида,  
Қайғудин ичида тўла қондур,  
Хор эсанг элингда турма зинҳор,  
Магзинг бошинг ичра гар бутундур,  
Ҳар дам чекибон туман мазаллат,  
Кун дема ҳамул кунингни тундур  
Тарқ эт бу ватанини кўргил они,  
Уд ўз ватанида бир ўтундур.

Ёраб, ато айла Баёнийга хуш,  
Бўйла мақолотдин ўлсун хомуш,  
Нечаки аввал ўзи қилсун амал,  
Сўнгра деса элга бўлур бехалал,  
Омил эмас эрса бу сўзга ўзи,  
Элга қачон қилғай асар бу сўзи.

## МУХАММАСЛАР

Бўлуб тоза сабзу ашжорлар,  
Бўлуб лоладин дашту кўхсорлар,  
Курулмишдуур гулга бозорлар,  
Бу мавсим ғаниматдур, эй ёрлар,  
Не азҳорлардур, не азҳорлар.

Тароват топиб ўзга рангда жаҳон,  
Эрур зебу зийнатда рашки жинон,  
Наҳрлар эрур ҳар тарафга равон,  
Ҳамон ҳар бири чашмаи жовидон,  
Не анҳорлардур, не анҳорлар.

Гулистон топиб ўзгача зебу зин,  
Назоҳатда бўлмиш чу хулда барин,  
Чаманда очилмиш гули оташин,  
Раёҳину насрину ҳам ёсумин,  
Не гулзорлардур, не гулзорлар.

Анодил шажарларда дастонсарой,  
Эрур фохта ноласи дилрабой,  
Қилиб кумрилар нолай дилкушой,  
Ани кўрган аҳли ҳолигавой,  
Дилафкорлардур, дилафкорлар.

Кўмунг эмди ғам баҳри гирдобини,  
Ёпинг қайғу анвои абвобини,  
Муҳайё қилинг ишрат асбобини,  
Очинг базми айшу тараф бобини,  
Сазоворлардур, сазоворлар.

Тузуб нағманинг аҳли танбур, руд,  
Дафу, барбату, чанг, қонуну уд,  
Фалакка етишсун фигони суруд,  
Топа олмаганлар бу сухбатда суд,  
Зиёнкорлардур, зиёнкорлар.

Жаҳон ичра бўлманг ғамин зинҳор  
Эрур умр бир неча кун мустаор,  
Тутуб жоми ман соқийи гул узор  
Ичиб дилни хуш айлаган ҳушёр,  
Не хушёрлардур, не хушёрлар.

Паривашлар айлаб чаманга хиром,  
Мени аҳд ила қилдилар шод ком,  
Бориб тутдилар чун чаманда мақом,  
Дедилар хаёлинг эрур асрү хом,

Не айёрлардур, не айёрлар.

Нечун қадлигим — қадди шамшодидин,  
Кўзум ашки чашмини жаллодидин,  
Паришонлигим зулфининг ёдидин,  
Муотаблигим арзим иродидин,  
Дил озорлардур, дил озорлар.

Асири қаду зулфу хол айлаган,  
Кадимни букуб мисли дол айлаган,  
Наҳофатда жисмимни нол айлаган,  
Бу хол узра мажнун мисол айлаган,  
Не хунхорлардур, не хунхорлар.

Эрур дўстлар бок аро сар баланд,  
Бўлуб айшу ишрат била баҳраманд,  
Баёнийни ғам маҳбаси ичра банд,  
Қилиб айламишлар басе мустаманд,  
Ажаб ёрлардур, ажаб ёрлар.

## МУНИС ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Лаълинг ғамидин бўлсам озод агар, они  
Банда хати бермай ҳеч турмоқни йўқ имкони,  
Алҳолки мен кўрдим бу турфа тамошони,  
Жонбахш лабинг узра чикмиш хати райҳони,  
Ким кўрди хизр бирла бир ерда масиҳони.

Ғунчани бори умри эрмасдур икки кунча,  
Лаълинга баробарлик лофини урор мунча,  
Кўрдингму ғурурининг кўрди аламин шунча,  
Даъвоға очиб эрди лаб оғзинг ила ғунча,  
Бу тарки адабдиндур оғзидин оқар қони.

Ишқингни гирифтори девоналиғ истайдур,  
Бу таври била элда афсоналиғ истайдур,  
Даврида неча кундин бегоналиғ истайдур,  
Шамъи руҳинга, жоно, парвоналиғ истайдур,  
Бехуда эмас ойнинг ҳар кечада даврони.

Токим мени зорингға ишқинг йўлидур маслак,  
Орому қарору сабр жисмимдин эрур мунфак,  
Чун бўлди кўзинг қасди ишқ аҳлини қатл этмак,  
Пайваста қошинг ёси мужгонлик отар новак,  
Кўнглум ҳадафи онинг, жоним доғи курбони.

Кўз тегмасун, эй дилбар, бу тоза ниҳолингға,  
Ҳам ҳусну жамол ичра бу навъ камолингға,  
То бир назарим тушмиш бу икки хилолингға,  
Бўлмиш дили тангимда ором хаёлингға.  
Зиндан аро тутғондек манзил маҳи канъони.

Ул қайси кўнгултурким эрмас санга ул мойил  
Кимдурки жаҳон ичра ул мадҳинга очмас тил,  
Ёдингдин агар гоҳо қолса бўлубон ғоғил,  
Жонларға жамолингдин огоҳлиғ ўлур ҳосил,

Хусн ичра санга бўлмиш ойинаи руҳоний.

Сен жонни тилар бўлсанг они санга бермас ким,  
Мақсад гулин авқингдин бу боғ аро термас ким  
Шукрингни Баёнийға мунда тил эвирмас ким,  
Пайваста яролардин шукрким ажаб эрмас ким,  
Гулранги қабо топмиш Мунис тани урёни.

## БАЙТЛАР

Илмдан истасанг, нишон йўқтур,  
Бор бошида қазонча салласи.

\* \* \*

Суҳбатни гулистонда соз айлабон айланг соз,  
Ҳам соқийи гулчехра тутсун майи сахбони.

\* \* \*

Ҳамроуз дўст топилса-ю, жонлар фидосидур,  
Орзу шулдурки: камина кўнгул муддаосидур.  
Хуш суҳбати мажруҳ дилим давосидур,  
Мақдами кўзима айни шифо, хоки посидур.

\* \* \*

Мен вафо шиор айлаб топмадим висоли дўст,  
Ҳамнишину улфатлар бас жафога ўрганган.

\* \* \*

Нодон севар замона, дод илкидин нетай,  
Бошим олиб фифон ила бир томон кетай.

\* \* \*

Сардорлар ўлди бехирадлар,  
Ақл ахли юраги тўлди қона.

\* \* \*

Тарк эт бу ватанни, кургил они,  
Уд ўз ватанида бир ўтундир.

\* \* \*

Эски бузук харобада чуғздек айладим ватан,  
Биртўзук ошиёна йўқ, келмаса-келмасун нетай.

\* \* \*

Бир табассум бирла хушдил қил, мани десанг агар,  
Кўнгли абтар, ранги чун зар, дийдаси тар бўлмасун.

\* \* \*

Кулфат тушуб бошиға, оғу тушуб ошиға,  
Келмай киши қошиға, акронлар.

\* \* \*

Айбни иқрор айламас,  
Ҳеч номус ор айламас,  
Панд этсангиз кор айламас,  
Сўз садқаи увол экан.

\* \* \*

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,  
Кимики сўзлади кўп, билки расвойи жаҳон бўлди.

\* \* \*

Агар иззат тилабсан камнамолиг орзусин қил,  
Қаю ажнос бисёр, суди йўқ, зиён бўлди.

\* \* \*

Феълу хулқу сўзларида ростлиқ эрмас аён,  
Ман мунча ҳайрон, бу не автор экандур, билмадим.  
Килсалар ҳар ваъда шак йўқ мунда ёлғондур бори,  
Мунча ёлғон сўз нега даркор экандур, билмадим.

\* \* \*

Хар дам чекибон минг машаққат,  
Кун дема утган қунингни тундур.

\* \* \*

Сенсиз манга керакмас рубъи маскун,  
Гарчи қарин эса ҳар бир умри жовидона.

## Исҳоқхон Ибрат (1861-1937)

Чоп этилган: 04.04.2013

Ибрат (тажаллуси; асл исм-шарифи Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли) (1861, — Намангандар вилояти Тўракўрғон тумани — 1937, Андижон) — ўзбек маърифатпарвари, шоир. Кўкондаги Мухаммад Сиддиқ Тунқотар мадрасасида ўқиган (1878—86). 1887—92 йилларда Истанбул, София, Афина, Рим, Кобул ва Жидда шаҳарларида бўлган. Хиндистоннинг Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшаган (1892—96). Сафардан қайтгач, Тўракўрғонда янги усул мактабини очган (1907), ўз қишлоғида «Матбааи Исҳоқия» номли литография ташкил қилган (1908). Ибрат янги мактаблар очиш, ўқитувчилар тайёрлаш, аёлларни илм-маърифатли қилиш ишларида фаол қатнашган. Ўз шеърлари («Тарихи чопхона», «Маданият ҳақида маснавий», «Газета хусусида», «Қалам»)да маҳаллий ва чор амалдорлари кирдикорларини фош этган («Илми Ибрат», шеърий тўплам, 1909). Ибрат араб, форс, ҳинд, турк, ўзбек ва рус сўзларидан таркиб топган «Луғат ситта ас-сина» («Олти тилли луғат», Т., 1901) тузган, бу асар ўша давр учун катта аҳамиятга эга бўлган. Ибратнинг ёзувлар тарихига оид «Жомеъ ул-хутут» («Хатлар мажмуи», 1912) асарида лотин, юнон, хитой, ҳинд, араб, Кирилл ёзувининг келиб чиқиши, ривожланиш тарихи ҳақида маълумот берилган, илмий-тарихий асарлари («Тарихи Фарғона», 1916; «Тарихи маданият», 1925; «Мезон уз-замон», 1926) эса Кўқон хонлигининг вужудга келишидан то 20-аср 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олган. Ибрат «Туркистон вилояти газети», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» газеталарига ёзган мақолаларида фан, маърифат ва маданиятни тарғиб этган. 1937 йилда қатағон курбони бўлган. Намангандар вилояти

Тўракўргон туманидаги 14-ўрта мактаб ва Тошкентдаги бир кўчага Ибрат номи берилган.

## ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Ўшал булбул қилас афғон, сахар вақти чаман ичра,  
Кўнар гул деб тикан узра, сахар вақти чаман ичра.

Қилас бағрини булбул қон, тикан узра берай деб жон,  
Бўлур гул завқидин қурбон, сахар вақти чаман ичра.

Ўшал булбул бўлур доғлар, чамани гашт этиб чорлар»,,  
Қизил гулни тилаб йиглар, сахар вақти чаман ичра.

Чикар булбулни афғони, чаман ичра оқиб қони,  
Тасаддиқ гул учун жони, сахар вақти чаман ичра.

Муҳаббат бирла масти эрди, ани йўлида жон берди,  
Қизил гулдин хабар сўрди, сахар вақти чаман ичра.

Муяссар бўлса ул жонон, ато қиласа ўшал субҳон,  
Йўлида жон қилас қурбон, сахар вақти чаман ичра.

Ибрати бехабар бўлма яна ғафлат билан ўлма,  
Гуноҳи беадад қиласа, сахар вақти чаман ичра.

\* \* \*

Бўлма амалга муҳтор озурда жон ўлурсан,  
Бад фикр фитнасидин дил ўтла қон ўлурсан.

Гар тўғри сўз қилурсан, ул фаҳм эгри айлар,  
Анга тушунтурурга дарди даҳон ўлурсан.

Валлот ёки қози кори эрур мاشаққат,  
Ашрорлар сўзидин дарди ниҳон ўлурсан.

Гар ушласанг шариат пос ушламоқ мешаққат,  
Бир қўл низоми давлат токи омон ўлурсан...

Ҳасмини бир-бирини алар этса муқайяд,  
Иккиси санга рожиъ, қайдин омон ўлурсан.

Адлинг бўлурса ақви, изҳор айламас ҳеч,  
Гар зарра зулм қилсанг, халқка аён ўлурсан.

Гар ҳукми жорий қилсанг норози ҳар иккиси,  
Ман судга арза бергум, анда ямон ўлурсан.

Келгай бириси бирдан, ҳар кимни ўғри айлаб,  
Топгунча тарбия сен, сендин гумон ўлурсан.

Бечоралиғдин ўзга иш ихтиёр қиласа,  
Ҳар чанд хўб бўлсанг, бир дам замон ўлурсан.

Күб бўлди адвокатлар ё омидин вакиллар,  
Кўфиядин бўлакни билмас, фифон ўлурсан.

Келгай заифи хайли, санга жадали майли,  
Уқини шаст қилғай, сан бир камон ўлурсан.

Хар касб пеша қилғил, бўлмас амал санга кут,  
Бекасб ўтсанг Ибрат, муҳтожи нон ўлурсан,

\* \* \*

Тириклик заҳматидин ушбу кунлардан қалайсизлар?  
Бу қимматлик йили буғдою унлардан қалайсизлар?

Ҳамани қўймади ўз ҳолиға, ташвишлар солди,  
Мушавваш айлаган бу аҳли дунлардан қалайсизлар?

Жаҳон ҳеч кимга гардуш этмади иқболима таври,  
Замона ҳоли мол кофу нунлардин қалайсизлар?

Босиб ҳалқи жаҳонни айлади торож ўғрилар,  
Саломат ётдигизму, бўйла тунлардан қалайсизлар?

Фасоду олам этти шу каби ҳар ерда инсонни,  
Бу тарзда фитнаю торож бунлардан қалайсизлар?

Ки ҳар бир кимсада минг хил аломоти қиёматлар,  
Машаққат вақтини умри ўринлардан қалайсизлар?

\* \* \*

Ишқинг дилу жона жо бўлубдур,  
Жону дил анга фидо бўлубдур.

Сан айламасанг агар давоси,  
Дардим мани бедаво бўлубдур.

Оҳим тутунила рўзигорим  
Ялдо тунидай қаро бўлубдур.

Тан боғидин андалиби жоним  
Куйингни тилаб жало бўлубдур.

Ишқинг ичра чу мен кими насиби,  
Ёри соридин жафо бўлубдур.

Хусн ичра вафо йўқ эмиш жонон,  
Ки сен каби бевафо бўлубдур.

Васлингта етурға Ибрат асрү,  
Хажр илкига мубтало бўлубдур.

\* \* \*

Минг уч юзу йигирма олтида чопмахона,

Очмоқға бўлди рухсат ва сўз бериб замона.

Мақсад бу ишдин эрди оламға илм қасри, -  
Ҳам қўймоқға асарлар ёд овози жаҳона.

Касбу камол ислом бўлмай тараққиятда,  
Холига тушмасун деб этдук буни баҳона.

Биздин кейингилар қўп илму ҳунар топарлар,  
Хайфоки анда биз йўқ, эътиможона.

Оlamдин ушбу она сонсиз кишилар ўтди,  
Мингдин бири қўюбдур оламға бир нишона.

Мен катта бой эмасдим ким айласам бинойи,  
Даҳлим етишмас эрди рўзғори, чою нона.

Сад хайфким фанилар сарфини билмадилар,  
Еб-ичтилар семуруб сифмай туруб чофона.

Уз асримизда ўтти бир неча агниёлар,  
Қолдурмайин нишона ер остин этти хона.

Бу санга катта Ибрат хушёр бўлки, кетти,  
Эмди санга келурму кетган у ота-она.

## КЎРГОНИ КЕЛДИМ СОҒИНИБ

Гулдек юзингни дилбарим  
Кўргони келдим соғиниб.  
Сан — шоҳи олам, ман — гадо,  
Кўргони келдим соғиниб.

Ишқингда дилбар зор-зор,  
Йиғлаб юрибман, эй нигор.  
Кел эй, буқун кўзи хумор,  
Кўргони келдим соғиниб.

Сиздин бўлак йўқтур кишим,  
Ўзга билан йўқтур ишим.  
Мастона кўзлик маҳвашим,  
Кўргони келдим соғиниб.

Тан ичра жоним сан эдинг,  
Хуш меҳрибоним-сан эдинг,  
Ширин забоним сан эдинг,  
Кўргони келдим соғиниб.

Ман ҳаста дил ҳайрон бўлуб,  
Ишқингда саргардон бўлуб,  
Фарвона янглиғ ўргулуб,  
Кўргони келдим соғиниб.

Дардинг билан дармондаман,  
Топкин илож бемораман,  
Васлинг билан афтодаман,

Кўргони келдим соғиниб.

Эй дилбари нозик бадан,  
Ҳам тишлари дурри Адан,  
Ой юзлари боғу чаман,  
Кўргони келдим соғиниб,

Боғу баҳорим сан мани,  
Кўзи ҳуморим сан мани,  
Ширин забоним сан мани,  
Кўргони келдим соғиниб,

Мандин яширма юзларинг,  
Ёдимға тушти сўзларинг,  
Куйдирди ёрим кўзларинг,  
Кўргони келдим соғиниб,

Кўйингда дилбар зор-зор,  
Шому сабо, лайлу наҳор,  
Йўқ эмди бизда ихтиёр,  
Кўргони келдим соғиниб.

## Каримбек Камий (1865-1922)

Чоп этилган: 17.12.2013

Камий (таяхаллуси; асл исм-шарифи Каримбек Шарифбек ўғли) (1864— Тошкент — 1923) — ўзбек шоири, маърифатпарвар. Тошкентдаги «Бекларбеги» мадрасасида ўқиган (1880 йилдан). 1916 йилгача шу мадрасада мударрис. 1890 йиллардан шоир сифатида танилган, баёзлар тузган.

Сидқий Хондайлиқий, Хислат, Мискин, Тавалло каби кўпгина шоирлар Камийнинг шогирдларидан бўлган. Октябрь тўнтаришидан кейин «Турон» кутубхонасида, саводсизликни тугатиш курсларида ишлаган. Камий мумтоз шеъриятнинг кўпгина жанр ва мавзуларида ижод қилган. Муқимий, Фурқат билан яқин алоқада бўлган, мушоиралар қилган.

Камий ижоди мураккаб, дунёқарashi зиддиятли. Кўпчилик шеърларида халқни маърифатли бўлишга даъват этган («Темир йўл хусусида», «Дилки миллат ғамида қон ўлди...», «Солди беилмлик хатоларға ва б.». 19-аср охири, 20-аср бошларида Тошкентда нашр этилган баёзларнинг деярли ҳаммасида Камий шеърлари учрайди. Ижодидан намуналар «Туркистон вилоятининг газети» ва бошқа вақтли матбуотда эълон қилинган.

## ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Азизи Мисри хўбесан, назокат иззу жоҳингдур,  
Кўнгул бир қатра қон бирлан мурассаъ тахтгоҳингдур.

Нигоҳи чашм ила, эй кўзларим, додингга гар етмас,  
Аёғин остиға тифли сиришкинг ташла, шоҳингдур.

Сочинг, яъни сипоҳи хусн сардори — каманди жон,  
Кўнгул маъмурасин ғоратгари чашми сиёҳингдур.

Латофат осмонининг ҳилоли вусмалик қошинг,  
Сабоҳат буржининг бадри мунири рўйи моҳингдур.

Агар хижрон юкин чекмоқни даъво айласанг, эй дил,  
Анга икки букилғон қоматинг одил гувоҳингдур.

Муанбар хатту зебо қад нигори нозанинимга.  
На нисбат, эй чаман, раънолигинг чўбу гиёҳингдур.

Камий ваҳм этмағил бедардларнинг таънасидинким,  
Харобот аҳли пириң даргахи фаррух паноҳингдур.

\* \* \*

Мани этти бир шўхи дилбар асир,  
Эди дилраболар аро беназир.

Ҳамида хисолу сутуда фиол,  
Пазира афъолу равшан замир.

Мухаммар вафо бирла зоти анинг,  
Ҳаёву адаб сори шуғли касир.

Дамидин Масихо эрур мунфаил,  
Юзидин хижил меҳру моҳи мунир.

Хароби ики чашми фаттониман,  
Ажаб оҳуйеким, эрур шергир.

Узун бўлсун умрию фазли зиёд,  
Илоҳи, анга тангри бўлгай насири.

Ниёз айла узр ила мамдуҳингга  
Ки, бас, эй Камий, мадҳин эттинг қасир.

\* \* \*

Ўртади жонимни ишқинг оташи, эй маҳлиқо,  
Ёна куйдирмак фироқ-андуҳидин эрмас раво.

Оразинг боғида гуллар очти нахли қоматин,  
Кўзларимнинг жўйборидин топиб нашъу намо.

Зоҳир айлаб субҳи васлинг — ҳажр шомини ёрут,  
Умрлардур рўзгорим тийраву баҳтим қаро.

Маҳвашо, минг ҳасрату армон билан кетти дегил,  
Лаъли нобинг шарбатидин топмайин ўтсам даво.

Хоки роҳ ўлдумки, домонингга етгайманму деб,  
Босиб ўт, жоноки, бўлсун токи ҳосил муддао.

Айладим бошимни назру жон нисори муждаси,  
Ёрижоним жонибидин бер хабар сан, эй сабо.

Нозанино, бул Камий кўрди жаҳон маҳвашларин,  
Лек сендек кўрмади хусну адаб ичра расо.

\* \* \*

Қутулмоқ, эй ҳазин жон, истама жавру жафолардин,

Кўнгил узмоқни имкони йўқ эркан дилраболардин.

Асири турраи мискин каманди, эй дил, ўлмишсан,  
Сахар бу хушхабар етти менга боди саболардин.

Суманбар сарви қадлар ишқидин, эй булбулу қумри,  
Дегилким, қолдиму мен чекмаган оҳу наволардин.

Майи лаъли таманноси-ла маҳмур ўлдум, эй соқий,  
Карам-ла бир қадаҳ сунғил лаби етган шифолардин.

Хирому ғамзаси жоним олиб, диним талошурлар,  
Не меҳнатларни чекмишман кўзу қоши қаролардин.

Илоҳи, етмасун боди ҳазон гулзори ҳусн ичра,  
Ижобат айла, ё раб, ишқ эли қилган дуолардин.

Не хуш толеъ эрурким, лутф айлаб ўша хўбоним,  
Камий қулдур, деса, кўйимдаги юрган гадолардин.

\* \* \*

Эй, сенинг ҳуснунг жаҳон ичра солубдур шўрлар,  
Давлати васлингни истар жаннат ичра хурлар.

Сен билан бўлғонда бир базм ичра, эй олижаноб,  
Кош бўлғай эрди анда бодаву танбурлар.

Лаъли нобинг ёд этиб қонлар ютарман, эй пари,  
Аччиғ-аччиғ бода ичмак расмидур маҳмурлар.

Айладинг, жоно, мени мунча йўлингда интизор,  
Раҳм қилким, термулуб кетти кўзумдин нурлар.

Марҳамат, шоҳим, санинг лутфингдин истар бу гадо  
Ким, назр тобса Сулаймондин, ажаб йўқ, мўрлар.

Хору зор ўлдум, басе, чектим машаққатлар, дариғ,  
Бир назар ҳам қилмадилар ҳуснига мағурлар.

Эй нишот аҳли, мани маҳжур деб таън айламанг,  
Сизни ҳам бир кун висолидин фалак маҳжурлар.

Нозанин, васфингда бу матлаъ Камий такрор этар,  
Эй, сенинг ҳуснунг жаҳон ичра солубдур шўрлар.

\* \* \*

Сабрим олғон дилбарим ҳажрида оҳ айлай бу кун  
Эл кўзиға эмди оламни сиёҳ айлай бу кун.

Айлабон майдони ишқингда шижоатпешалиқ,  
Хасми бадҳоҳимни умрини табоҳ айлай бу кун.

Юз ўғурдим сайри гулшандин, юмуб гулдин кўзум,  
Эй юзи гул, кел, жамолингга нигоҳ айлай бу кун.

Бермадинг инсоф, эй аъдоя, золим зулм этиб,  
Даргаҳи ёра қочиб адлин паноҳ айлай бу кун.

Хотиримда бор эмиш ишқингда шаҳлик орзуси,  
Хайли ғам, дарду аламлардин сипоҳ айлай бу кун.

Ўйнатиб чиқғил самандинг ноз ила, эй нозанин,  
Чусту чобук ман ҳам ўзни хоки роҳ айлай бу кун.

Нозу истиғно-ла ёринг кўйидин қувмиш сени,  
Эй Камий, гулхан кулин оромгоҳ айлай бу кун.

## БАЙТЛАР

Ҳар кишида илму санъат бордур,  
Бахту давлат ул кишига ердур.

\* \* \*

Қилмаган илм сари кимса назар,  
Халқ бехуд касб майл айлар.

Қолмади ҳеч қадри илму ҳунар,  
Кўрди беилм қавм неча зарап.

Бўлса гар илму ҳунардин холи ул,  
Эй Камий, оламда билким, хордур.

\* \* \*

Хуш улким, сухбати ножинслардин,  
Қочиб ултургали зиндана яхши.

Ҳаёю шарму одобу тавозеъ,  
Эмас ҳайвонаким, инсона яхши.

Қариндош номувофиқ ошнодин,  
Мувофиқ етти бегона яхши.

Муқаррар дўстеки бўлса нодон,  
Ки андин душмани фарзона яхши.

Мусоғир дили шикаста меҳмоннинг,  
Дилини шод айламоқ меҳмона яхши.

Ҳакими ҳозиқу бодиёнат,  
Жами аҳли bemorona яхши.

## Аҳмад Табибий (1869-1911)

Чоп этилган: 04.04.2013

Аҳмад Табибий (тажаллуси; асл исмшарифи Аҳмад Али Мұхаммад ўғли, 1869—Хива—1911) — шоир, таржимон, табиб. Хива мадрасаларидан бирида ўқиган. Отасидан ва замонасининг машҳур табиби Яхшимуродбекдан табибликни ўрганган, Мұхаммад Раҳимхон II (Феруз) саройида табиблик қилган. Шеъриятда шуҳрат қозонган.

Ўзбек ва форс-тожик тилларида, мумтоз адабиётнинг анъанавий жанрларида ижод қилган. Шеърларидан 5 девон — «Тухфат ус-султон», «Мунис ул-ушшоқ», «Ҳайрат ул-ошиқин» (ўзбек тилида), «Миръот ул-ишқ», «Мазҳар ул-иштиёқ» (форс-тожик тилида) тузган. Уларда реал ҳаётни, соф муҳаббатни улуғлаган («Айладинг», «Озоридур» ва б.).

Табибий ўзбек адабиётида мухаммас жанрини ривожлантирган: Навойй, Саъдий, Жомий, Зебуннисо, Мунис, Огаҳий, Мирзо Ғолиб ва бошқанинг ғазалларига 518 та мухаммас боғлаган. Хоразм шоирлари ҳақида «Мажмуат уш-шуарои пайрави Феруз Шоҳий», «Мажмуаи мухаммасоти аш-шуарои Феруз Шоҳий» (1909) тазкираларини тузган. Иккинчи мажмуаси, асосан 33 шоир мухаммасларидан ташкил топган. Унда даставвал Огаҳий ғазалларига, сўнг Феруз шеърларига болланган мухаммаслар, кейин эса Ферузнинг «Оромижон нигорим, сарви равон нигорим» ғазалига тахмис, мухаммас ва мусаддаслар келтирилган. Хотима қисмида эса шу тўпламга кирган Умидий, Доий ва Ҳаёлийнинг вафоти ҳақида хабар, Баёнийнинг «Мажмуат уш-шуарои пайрави Феруз Шоҳий»га ёзган тақризи берилган.

Табибий «Вомиқ ва Узро» қиссасининг ўзбекча шеърий (маснавий) вариантларини яратган (8100 байт). Фузулийнинг «Ҳафт жом» асарини форстожик тилидан ўзбекчага таржима қилган. «Етти равза» номли асар ҳам ёзган. Асарларининг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

## ҒАЗАЛЛАР

Фалак золики андоқ бордурур бир турпа айёра,  
Ки ҳарким жуфт анга бўлса қилур албатта аввора.

Демай яхши-ёмон токим гадоу шаҳ, чекарда тиф,  
Бу янглиғ кўрмади ҳеч кимса жаллоди ситамкора.

Нечук уммид этарсан меҳрибонлиғ расмин андоқим,  
Назар шаклига қилсанг холидур оқу, юзи қора.

Риёзат бирла еткур нафсинга, ориф эсанг, таъдиб,  
Ки ҳаргиз маърифатга бошламас йўл нафси аммора.

Халойиқ кўнглига аччиғ сўзунг нишин етурмаким,  
Қабули марҳам этмас ҳеч бир важҳ ила бу ёра.

Топилғай бу сифат гулким қилур кўнглунг писанд этмас,  
Очиб ибрат кўзин қилсанг жаҳон боғига наззора.

Аруси даҳр макридин, Табибий, эҳтиёт этким,  
Санинг(дек) нечани қайд ичра чекти ушбу маккора.

\*\*\*  
Бу оламда кишиким пок қалбу соф ботиндур,  
Ҳамиша фақр кунжида қаноат бирла сокиндор.

Бирорким бўлмаса кўнглида они бешу кам фикри,  
Ташовиши ҳаводис ваҳмидин албатта эминдор.

Қочарсан таънадин гар ихтилот этсанг халойиқға,  
Ки олам ҳалқи яксар бир-бири ҳаққида тоиндор.

Нетонг гар кўрмаса роҳат юзини даҳр аро улким,  
Ўзига пеша айлаб кизб атворини хойиндор.

Агар одам эсанг оғритма одам күнглини зинҳор,  
Ки аҳли маърифат наздида каъба қалби мўъминдур.

Илоҳий, гар Табибий ҳамроҳини қилмасанг тавфиқ,  
Анга азм айламоқ роҳи фано сори на мумкиндур.

\* \* \*

Оlamга боқсанг ҳосили бошдин-аёқ, кулфат эрур,  
Бир роҳатнинг кейнида беҳадду сон меҳнат эрур.

Бир ошиқим лаҳзаи топса висоли дилбарин,  
Доим ҳамул бечораға, сўнгра ғами фурқат эрур.

Ҳар кимсаким коми дилин гар топса ондин ҳар нафас,  
Онинг насиби борҳо ҳирмон била ҳасрат эрур.

Йўқдур жаҳонға зътимод ушбу жиҳатдин, эй кўнгул,  
Ким инқилоб этмак анга даврон аро одат эрур.

Ҳаргиз Табибий кўнглинга келтурма фикри бешу кам,  
Ким они севмас даҳр аро ҳар кимиким хушбахт эрур.

\* \* \*

Гар ул ойнинг базми васлида бўлур ағёр жамъ,  
Рашқдин бўлғуси жонимда ғаму озор жамъ.

Эмдида жамъ айлайн хотир, нечукким айламиш  
Ишвау, нозу, адоу, ғанжу, шева ёр жамъ.

Бир кеча, эй шўх, келким мақдаминг осориға.  
Айламишдур дидай гирён дури шаҳвор жамъ.

Йиғнамиш боғингни кўнглум ул сифат шавқ ила ким.  
Ҳирс аҳли айлагайлар дирҳаму динор жамъ.

Бордурур юз фитна чун шарру фасоди боиси,  
Дилда кина қилмагил, оқил эсанг, зинҳор жамъ.

Фазл жамъ эт лекин эл озоридин ғам емаким,  
Тош егай бошға яғоч чун айлади асмор жамъ.

Ҳар бири масъуд бир фарзанди дилбандинг эрур,  
Эй Табибий, айлагил жон борича ашъор жамъ.

\* \* \*

Шўхлар гарчи жаҳонда бордурур асру малиҳ,  
Барчасидин лек эрур ул дилбари гулрӯ малиҳ.

Бошқа дилбар васли ичра шодлиғидин, эй пари,  
Ул париваш ишқида чеккан манга қайғу малиҳ.

То тамошо қилмишам қаддин хиром эгкан чоғи,

Йўқ кўзумга жилваи шамшод ила ножу малиҳ.

Базм аро қайси малоҳат васфини айлайки ёр,  
Нағмаи мутриб малиҳу, бодаи хушбў малиҳ.

Лаълиға ваҳ не сифат кавсар бўлур монандким,  
Оби ҳайвондек қачон бўлғусидур ҳар сув малиҳ.

Чунки топмиш Лайлининг чашмига андак нисбати,  
Кўринур Мажнунга ушбу важҳдин оҳу малиҳ.

Зоҳид истар жаннату, мен ёр куйин борҳо,  
Ул анга ширин эрур, лекин мангодур бу малиҳ.

Тарк ишқин не сифат қилғумки, анда бордурур  
Хусни дилкаш, зулфи сунбул, нутқи хуш, кулгу малиҳ.

Эй Табибий, жаҳд эт бедор ўзинг қил ҳар саҳар,  
Гарчи бордур кўзларингға фафлату уйқу малиҳ.

\* \* \*

Ваҳ не хуш ўлғуси дурур айлаб карам дилдор субҳ,  
Гулшанда ичса сен била гар соғари саршор субҳ.

Чун субҳ уйқуси эрур албатта накбат мужиби,  
Фафлатда ҳаргиз ётмагил оқил эсанг зинҳор субҳ.

Ҳар неча қолсанг дарду ғам ичра паришон бўлмаким,  
Нечунки шоми тийранинг боқсанг сўнгида бор субҳ.

Кўнглингга, эйким, истасанг андоза ишрат туз тараб  
Дилдорнинг илгин тутуб сайр айлагил гулзор субҳ.

Сен ҳам, Табибий, уйқуға майл айламай олам аро,  
Айлаб мусаффо хотиринг қил фикрат-и ашъор субҳ.

\* \* \*

Қўлиға базм аро олғач муғанний ногиҳон ғижжак,  
Берур овози хуш бирла улус жисмиға жон ғижжак.

Не тонг ғам кўҳини бир зарра кўзга илмаса ҳаргиз,  
Кишиким айламиш огушида онинг макон ғижжак.

Ажаб йўқ бандаси бўлса рубобу, барботу, қонун  
Тузулган чоги мутриб илгига бир хушбаён ғижжак.

Магар бир мутриби озодани ишқи асиридур,  
Ки ҳар мажлисда сўз айлар, қилур асрү фифон ғижжак.

Ажам бирла Ҳижоз аҳлини бешак айлагай нола,  
Тараннум қилғай «Ушшоқ», «Ироқ», «Исфаҳон» ғижжак.

Бу янглиғ ноласи таъсир қилмас эрди инсонға,  
Фалак жавру жафосин чекмаса эрди ниҳон ғижжак.

Муғаний, мунтазирдур нағмағағи жакка базм аҳли,  
Тараҳхум айлабон соз айла әмди бир замон ғижжак.

Хуш ул базмини анда түзсалар тасниф нағас ичра,  
Балобону, дафу, танбуру, чангу бастон ғижжак.

Табибий топғусидур, дўстлар, файзи тараб беҳад  
Қўлиға базм аро олғач муғаний ногиҳон ғижжак.

\* \* \*

Макон этгач ўзига гар жинондеқ гулситон булбул,  
Нетонг тинмай чекар субҳу масо оҳу фифон булбул.

Чаманда бор экан не-не сифат файзу сафо доим,  
Халойиқға қилур жонбахш ун бирла баён булбул.

Анингдек қиссаи ишқ ўлди тул аҳбоб андоқим,  
Ўқур ҳар шохида гул узра юз минг достон булбул.

Буким дилкаш наволар чеккуси тинмай чаман ичра,  
Чаман файзини топмишдур магар беҳадду сон булбул.

Нетонг наззорай ҳуснинг манга жонбахш эса, эй шўх,  
Ки гулга боқибон топғуси асрү тоза жон булбул.

Ғанимат англағил булбулни, эй гул, нағмасин тун-кун,  
Ки гулшан ичра сан-сан мезбону меҳмон булбул.

Нетонг жаҳл аҳли бирла тутмаса илм аҳли улфатким,  
Қачон зоғу зағон бирла бўлурлар ҳаммакон булбул.

Мени гўё қилурсан, ай парипайкар, юзунг очиб,  
Ки очилғон гул, очғуси тараннумға забон булбул.

Илоҳий, то баҳор айёми оламда бўлур ҳар йил,  
Илоҳий, токи бўлғусидур анда нағмаҳон булбул...

Табибий даҳри дун андуҳи андоқ ом оламға,  
Ки гул онинг жафосидин не эмин, не амон булбул.

\* \* \*

Тутмағон бўлса манга назм ичра руҳи Жомий жом,  
Не учун суръат била дегум Навоийдек калом.

Ҳофизи Шероздин файзи манга етмас эса,  
Бас недин ашъоридин файзи манга етур мудом.

Саъдийи ширин забондин топмаган бўлсам мадад,  
Ҳузн ила хушнудлиқни тенг нечун кўргум тамом.

Кўрмасам Мирзойи Бедил илтифотин, не учун,  
Вақт аро сўз била назм айлагумдур интизом.

Боқмас эрса ишқ ичра буки мастан шоҳ манга,  
Сўз майдин бўлмас эрдим бу сифат масти мудом.

Руҳи қудсий кимсага ким қилмас эрса тарбият,  
Сўзига таъсир қайдин олгусидур субҳу шом.

Гар масих анфосидин фируза ҳосил қилмаса,  
Қай Табиб ўлгуси ҳозиқ хастага, эй некном.

\* \* \*

Тонг эрмас тўн кийиб ўлсамки йўқ бу қиш манга пўстин,  
Агарчи хотиримда жилвагардур борҳо пўстин.

Демай пўстинниким ўзга либосим ҳам қолин эрмас,  
Илоҳий, қил манга айлаб карам эмди ато пўстин.

Адамдин то келиб қилдим бу қишлоқ хонани маскан,  
Киярга топмадим умрим ўтуб ман бенаво пўстин.

Не бахти шумдиндурким, манго етмас бириси ҳам,  
Агарчи беҳисобу ҳад эрур олам аро пўстин.

Совуқдин гаҳ қочиб кирсам ичига қолтираб, қақшаб,  
Танимға парвариш қилғай эди мисли ано пўстин.

Агар пўстин совуқда пўстдин эрмас эса, аҳбоб,  
Недин қишда талаб айлар фақиру ағниё пўстин.

Қишичка иккимизга борҳо мақсад эрур буким,  
Отамға орзу чакман, мангандур муддао пўстин.

Бу қишичка тараҳҳум айлабон мискин Табибийнинг  
Тани урёниға бергай худо чакман ва ё пўстин.

\* \* \*

Не хушдур фасли гул боғ ичра бир зебо санам бўлса,  
Анинг ёнида нўш айларга гулгун жоми жам бўлса.

Тутуб гулчехра соқийлар бу базм ичра паё-пай жом,  
Алардин ҳам нишоти айш ҳосил дамбадам бўлса.

Ўқуб яхши ғазаллар неча хуш овоз ҳофизлар,  
Муғанний ҳам бу сухбат ичра машғули нағам бўлса.

Париваш дилраболардин олиб бирдам канору бўс,  
Апарнинг ҳам иши ушшоқ хайлиға карам бўлса.

Гаҳи бўйнига солиб қўл, гаҳи лаълин қилиб бўса,  
Анингдек лутфидин ишқ аҳлига рафъи алам бўлса.

Муяссар бўлса туз сухбат бу навъ аҳбоб ила доим,  
Ки мундоқ базм маҳв айлар кўнгул ичра не ғам бўлса.

Агарчи мажлис ичра ҳам ўтурсам ёр ила, лекин

Менинг мақсатым улдурким рақиби муттаҳам бўлса.

Бу сўзлардин манга не суд ҳосил, эй кўнгулким, ул  
Бўлур ҳосил ангаким кисаси мамлу дирам бўлса.

Табибий, ишқ аро ҳар кимки содик бўлса тонг эрмас,  
Бу янглиғ базмни топиб азизу муҳтарам бўлса.

\* \* \*

Муждаким келди туман назҳат била фасли баҳор,  
Жаннат осо ер юзининг файзин этти бешумор.

Хулддек бўлди сафода ҳар гулистони чаман,  
Очилиб гуллар тароватлар била лайлу наҳор.

Боғ саҳни ичра бўлғоч жилва оро сарвлар,  
Қумрилар жону дилидин олди орому қарор.

Ҳар гули хушранг, бир маҳбуб янглиғ жилвасоз,  
Булбул анвои ишини қилғоли фарёду зор.

Ҳар шажар бошида яфроғлар зумуррадгун ўлуб,  
Кўрган одамлар кўзини қилди равшан ҳар не бор.

Боғ атрофиға неча наҳрлар жадвал бўлуб,  
Жори ўлмиш анда доим оби софи хушгувор.

Ҳавзларға борҳо лабрез ўлуб ширин зулол,  
Ичкан одам кўнглига еткурди тафриҳу мадор.

Жўйлар атрофиға сабза била райхон тутуб,  
Дилкушо келмиш дурур андоқки хатти лаъли бор.

Ҳар дарахт узра намоён ўлди ширин минг самар,  
Ким анинг ҳар бирисида минг азубат ошқор.

Бу жиҳатдин нозанинлар сайри гулзор этдилар,  
Олгали ушшоқдин бил-кул инону ихтиёр.

Шўхлар ноз ила сайр этгач чаман шоҳидлари,  
Бош эгиб, таъзим айлаб бўлдилар фармон гузор.

Гулшан ичра ҳар тараф эсти насими жон физо,  
Жисмларға тоза жон бермамни қилмоқға шиор.

Алғараз бўлмиш аён бу лаҳза аҳли даҳрға,  
Оқил эрсанг, фикр қилсанг қудрати парвардигор.

Айш этарга ушбу мавсумни ғанимат англабон,  
Сен даги кел мен била тузмакка ишрат, эй нигор.

Эй Табибий, хисрови одил дуосин вирд қил,  
То баҳор осо топиб хуррамлиғ ўлғунг комгор.

## МУСАДДАС

Умринг ўткарма тамошои гулу гулшан ила,  
Тут баробар ониким оқил эсанг гулхан ила,  
Чекибон ранжу бало борини жону тан ила,  
Борҳо улфат этиб соҳиби илму фан ила,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Эй жаҳон ичра ўзин қилғон асири савдо,  
Ком мақсад эса гар роҳати жовид санго,  
Халқнинг яхши, ёмонига маош эт пайдо,  
Нечаким кўргузуб ҳар лаҳза санго жавру жафо,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Кимки аҳбобинг эса қил анга лутф ила назар,  
Душманингга дағи бад сўз дегали айла ҳазар,  
Яъни тил учи била кўнглини шод эт яксар,  
Оқибат ҳосил этар даҳр аро бу икки хунар,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Оз эрур мингдин агар кўп эса аҳбобинг,  
Душманинг бир эса кўп бўлғуси панжо то минг,  
Бас қулоқ тут бу сўзимга тузубон одобинг,  
Айлаб омода маош айлагали асбобинг,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Даҳр элидин санга гар етса туман меҳнатлар,  
Ҳар нафас тушса ғами бошинг уза кулфатлар,  
Ғам емаким сўнгида бўлғусидур ишратлар,  
Эмди пеша қилибон сабр била тоқатлар,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

Эй Табибий, нафасе айламайин нодонлиғ,  
Қил мани бекас ила эмди такаллумронлиғ,  
То санго сўз дегаман барча дури уммонлиғ,  
Ки тилар бўлсанг агар мушкилинга осонлиғ,  
Душман ар қилмаса оламда мадоро сен ила,  
Сен мадоро қилакўр жаҳд этибон душман ила.

## РУБОЙЛАР

Токай ўтадур умр паришонлиғда,  
Дилдор жамоли сари ҳайронлиғда,  
Ҳижрон ғами ранжи била гирёнлиғда,  
Маҳзуну, ғамгину ҳам бағир қонлиғда.

\* \* \*

Токай юрайин ҳажр аро фарёд айлаб,  
Кел кулбама эмди хотирим шод айлаб,

Тутғил манга ўз илкинг ила бир соғар,  
Күнглумни алам қайдидин озод айлаб.

\* \* \*

Юз үйил агар ўт ичра бўлур маҳл манга,  
Ҳар навъ ёқар ўтдаги саҳл манга,  
Қўйғил бу сифат ўтни ки дўзахдин ҳам,  
Бўлғуси батар сухбати ноаҳл манга.

\* \* \*

То бўлди манга сухан чоғи жонон каж,  
Айланди мани комим ила даврон каж,  
Ёлғон эрур оллида менинг рост сўзим,  
Чиндур деса гар муддаийи нодон каж.

\* \* \*

Ғам биткали олсам қўлима гар коғаз,  
Кўз ёшим оқиб бўлғусидур тар коғаз,  
Эмди ани жон сафҳалиғ ёргутадур,  
Ким лойиқ эмас анинг учун ҳар коғаз.

\* \* \*

Бу олам ароки ҳеч киши хуррам эмас,  
Яъники ҳама аҳли жаҳон беғам эмас,  
Ҳар кимсаки авдуҳ анинг кўнглида йўқ,  
Таҳқиқ бил ани яхшиким, одам эмас.

\* \* \*

Сўз лаззатини одами нодон билмас,  
Нечунки асал лаззатин ҳайвон билмас,  
Андоқки марази мушкил ўлур дарди ишқ.  
Ким они иложин асло Луқмон билмас.

\* \* \*

Афсуски олам ичра бир ҳамдам йўқ,  
Ғамхўру, вафодор рафиқим ҳам йўқ,  
Зинҳор вафо истама одамлардин,  
Ким расми вафода устувор одам йўқ.

\* \* \*

То кажлиқ ила бўйла мадор этти фалак,  
Фазл аҳлини асрุ хоксор этти фалак,  
Васл ичра мани бир нафас этмай хуррам,  
Хижронда баси зору назор этти фалак.

\* \* \*

Зоҳидки қилур нуфур кўргач бода,  
Гар кўрса эди ичар эди ул бода,

Күрган чоғи ҳам айласа гар ох андин,  
Онинг каби аҳмақ йўқ эрур дунёда.

\* \* \*

Фарёдки, эл жафоси зор этти мени,  
Бешу кам даҳр бемадор этти мени,  
Асбоби ҳудус беқарор этти мени,  
Яъники тамаъ одати хор этти мени.

\* \* \*

Қилди жигаримни рўза қон, эй соқий,  
Ҳам жону таннмни нотавон, эй соқий,  
Тутмоқни бас этма бода, иншоолло,  
Ким келгуси иили рамазон, эй соқий.

### "ВОМИҚ ВА УЗРО" ДАН

*Шоҳ Вомиқ бир кеча Азрони тушида кўриб тозадин ошифталигда ягона бўлғони ва Азронинг ҳама аҳволин сўруб юз шавқу завқ била йўлга равона бўлғони.*

Хуш улким бахтни бедор топғай,  
Агар уйқуда васли ёр топғай.

Ҳамул ким ишқ илмида мударрис,  
Эди ҳам нуқта фанниға муҳандис.

Бу янглиғ қилди бу ерда ҳикоят,  
Ки Вомиқ уйқуда қилғач фароғат.

Тушида кўрдиким маҳбуби Азро.  
Ҳамул кече доғи чодирда, аммо—

Ўтирмиш ўзи бирла суҳбат айлаб,  
Такаллум беҳаду бегоят айлаб.

Боқиб чун кўрди ул ишқи жаҳонгир,  
Эрур Азро аёқи узра занжир,

Бало зинданнода маҳбус бўлмиш,  
Қўзи ҳам қонлиғ ашки бирла тўлмиш.

Кўруб Азрони ул шоҳи вафокеш,  
Оёқда қайд ила ғамгин дили реш.

Қилиб ҳайратни бермас ҳечгаҳ ёд,  
Ки топғай банд пойи сарв озод.

Магар ошиқ эрур занжири авбош,  
Ки зулфидек оёқиға қўяр бош.

Қилиб бу важҳдин зулфин паришон,  
Ки ўпгай соқини занжири печон.

Кўруб Вомиқ, бу янглиғ можарони,  
Чекиб афсус ила оҳу навони.

Деди: «Кей ҳалқаи зулфинг гириҳгир,  
Сани ким қилди мундоқ пой занжир?

Нединдур тавқ банди сийм соқинг,  
Бу зиндан не учун бўлди висоқинг?

Қафасда расм эрур банд ўлса булбул,  
Киши ҳаргиз қафасда күрмамиш гул.

Бу дам күрдүм ажаб расми дигаргун,  
Ки Лайли бастаи занжири Мажнун.

Сен ўлмишсен чу занжир ила баста,  
Анга лоюқ мени мажнуни хаста.

Сени қилғунча бу занжир дилгир  
Менинг бўйнимға тушгай эрди занжир».

Деди Азро бўлуб хун ашк афшон:  
«Ки, эй меҳру вафо шаҳрида султон.

Ҳам ул тунким бўлуб шавқим зиёда  
Қўлингға бермишам бир жом бода.

Бўлуб андин пари ранжу анолиғ,  
Топиб ишқинг ғамиға мубталолиғ.

Манга тушди бу икки банд мушкил,  
Оёқ занжир топтию, гириҳ дил.

Етушди беҳаду сон ишқ доғи,  
Бало базмида ичдим давр аёғи.

Вале сен салтанатда шод бўлғил,  
Хилофат тахтида обод бўлғил.

Буни бил лекким ғамхонаи ишқ,  
На ғамхона, буюк кошонаи ишқ.

Эмас ғаммоздин бир лаҳза холи,  
Гар ошиқ дун эрур, йўқ эрса олий.

Эрур пайдо жину инс ичра ҳосид,  
Қилурға ўртада радди мақосид,

Бу важҳ ила манга ҳам бир жамоат,  
Ҳасад айлаб аён беҳадду ғоят.

Етурдилар қилиб кўнглумни ғамлиғ,  
Отам наздида асрุ куттаҳамлиғ.

Бўл эмди воқиф, эй шоҳи ягона,  
Эшитсанг бор узун мунда фасона.

Мени ишқ айлади бу навъ побаст,  
Балоу, дарду, андуҳ ила ҳамдаст.

Сенинг ишқ ичра аҳволинг нечуқдур  
Де, ўтган моҳ ила солинг нечуқдур?

Менинг ҳижронда дарду меҳнатим кўп.  
Машаққат бирла дого ҳасратим кўп.

Сенинг ҳолинг нечуқдур дарду ғамдин  
Фироқ ичра ниҳоятсиз аламдин?

Мени қилди сипоҳи дард помол,  
Санга ҳижрон ғамидин недур аҳвол?

Агарчи мен эрурман ғамда побанд,  
Бўлуб сен салтанат тахтида хурсанд.

Майи ишратни доим айлагил нүш,  
Мени ҳам қилма ёдингдин фаромуш.

Рахми меҳри вафо таркини тутма,  
Мени бечорани дөғи унутма».

Чу Вомиқ дилбари ҳолини билди,  
Түкүб ашкын басе фарёд қилди.

Дебон беҳадду сон ва ҳасратолар,  
Хузун айлаб, чекиб оху наволар.

Дариғо, бу нечук бордур аломат,  
Аломат дема, бал рўзи қиёмат,

Ки андоқ нозанини моҳ сиймо,  
Юзи гул, қомати сарви дил оро,

Менингдек бир гадони шоматидин,  
Жудо бўлса бу янглиғ роҳатидин,

Ало эй дилбари яктои даврон,  
Жамолинг нашъя бахши соғари жон.

Ғами ишқинг эрур дардим давоси,  
Танимға жон берур кўйинг ҳавоси.

Рахи ишқингда зору бекас эрдим,  
Фироқнинг оташи ичра хас эрдим.

Сени кўрдум бу ҳолат бирла маҳзун.,  
Ғаму дарду малолим бўлди афзун.

Бор эрдим дарди ҳажрингда фитода,  
Бу дардим барчадин бўлди зиёда.

Не янглиғ айлагум бу ишга чора,  
Ўлай ё худ қилай ўзимни пора.

Фидо бўлсун йўлингда жисму жоним,  
Санга бўлсун тасаддуқ хонумоним.

Эрур ишқинг манга ўлгунча пеша,  
Сенинг ёдингда бўлғумдур ҳамиша.

Қилиб лутфу муруватлар ҳувайдо,  
Деди Вомиққа ушбу лаҳза Азро:

«Ки, эй меҳру вафо шаҳриға султон,  
Хилофат маснади узра Сулаймон.

Бани одам аросидин мани зор,  
Сенингдек кўрмадум ёри вафодор.

Неча кўрсанг дөғи ранжу машаққат,,  
Ўзингта айламишсен сабр одат.

Вафо йўлидин ўлмай инҳирофинг,  
Сўзингда бўлмади асло хилофинг.

Ҳамул кунким муаббад сориға сан,  
Ўқур эрдинг бориб илм ила фан.

Очиб мен ишқ жангидин варақлар,  
Олур эрдим вафодин кўп сабақлар.

Эди меҳрингға жо күнглум ҳарими,  
Бўлуб жоним аро ҳажрингни бийми.

Манга ул кунки ишқ ўлди мураббий.,  
Ўқур эрдинг сен ул кунда «алифбе».

Муаббад бир эмастур устодинг,  
Менинг хаттим била чиқди саводинг.

Ҳамул важҳ ила мен ўз суратимни.  
Қилиб тасвир шаклу ҳайъатимни.

Санга қилмиш эдим мен они ирсол,  
Сени то ошиқ этгай деб бу тимсол.

Яна ўзни қилиб бир дилкаш оҳу,  
Чиқиб ул дам сенинг қошингға ўтру.

Жудо сендин қилиб лашкарларингни,  
Паришон айлабон аскарларингни,

Олиб чиқдим сени мен ул ародин,  
Санга бўлмай хабар бу можародин.

Сени ул тунги базмимга чақирдим,  
Ўз илгим бирла бир соғарни бердим.

Ҳамул лаҳза манга қилдинг назора,  
Ғамим тифи юрагинг қилди пора.

Бу миннат узрини мен то қиёмат,  
Қила олмон адo, эй моҳ талъат.

Бўлуб ишқинг била мен ҳам аламлиғ,  
Отам ёнида топдим муттаҳамлиғ.

Эрур кўнглум ғаминг қайди билан банд,  
Бўлуб дардингда жоним неча парканд.

Умидим эмди сендин бор эрур бу.  
Ки жаҳд эт мен сари келмакка ўтру.

Нечунким келмасанг мен сориға гар,  
Етушгуси манга кулфат муқаррар».

Деди Вомиқ чекиб аффону фарёд:  
«Ки, эй ширин лиқо ёри паризод,

Сенинг не навъ етгум хизматингға,  
Мушарраф не навъ ўлғум суҳбатингға.

Била олмон сенинг ному нишонинг,  
Не ерда эрканин жойу маконинг.

Агар билсам сенинг манзилгаҳингни,  
Қилурман бош била хоки роҳингни».

Деди Азро анга: «Эй. марди комил,  
Мақомим топмоқингдур асру мушкил.

Агар машриқ сори бўлсанг шитобон,  
Бўлурсен восили хуршиди тобон».

Эшитгач ушбу сўзни шоҳ Вомиқ,  
Бўлуб қон кўнгли андоқим шақойиқ.

Ҳануз этмай савол онинг диёрин,  
Доғи мажмууын сирри кору борин.

Кўзи уйқудин аниңг бўлди бедор,  
Кўзидин сочиб ашкини матар бор.

Қилиб юз навъ ташвир ошкоро,  
Деди: «Ё лайта мутут қабла ҳозо».

Миниб отиға ул Шоҳи ягона,  
Раҳи машриқ сори бўлди равона.

Тонг отғунча йўл узра азм қилди,  
Машомиға насими субҳ келди.

Замири ғарқ ўлуб файзу сафоға,  
Деди диққат била боди сабоға:

«Ало, ё эй насими субҳи равшан,  
Шамимим атрабахши файзи гулшан.

Бўлуб шаб зинда дору дашт паймо,  
Саҳар ишқ аҳлиға сен қилғунг иймо.

Бўлуб ҳар субҳидам доим саҳархез,  
Эрурсен гулистонлар ичра гулрез.

Мақомингдур гаҳи оғуши ғунча,  
Гаҳи гул узра урғунг кож мунча.

Гаҳи қилғунг эсиб ороиши гул,  
Бўлуб машшотаи гисуи сунбул.

Уруб гаҳ базмнинг шамъини барҳам,  
Урарсен гул юзиға гоҳи шабнам.

Ҳаводоринг гулу сарви гулистон,  
Санохонинг бори насрину райхон.

Эрур саҳни гулистон сайдроҳинг,  
Бўлуб райхону насрин фарши роҳинг

Шамиминг атри бирла тавъамондур,  
Баҳори боғ аро ҳукминг равондур.

Эшит бу мултамас мен нотавондин,  
Балойи ишқ ила озурда жондин.

Ки ногаҳ сайд этиб ҳар дашту водий,  
Гузаргоҳ айласанг машриқ саводи,

Кезиб сайд айлагил машриқ диёрин,  
Тамошо айла боғу қўҳсорин.

Сўроғ айлаб, қилиб ҳар ён таку пў,  
Тажассус бирла қилғил жаҳд асру.

Топиб ул ҳур пайкарнинг маконин,  
Етишгач мендин ўпкил остонин.

Адаб бирла топиб ондин ижозат,  
Бажо келтургил одоби таҳият.

Агар топсанг ҳузурини баякбор,  
Дуо бирла салом эт мендин изҳор.

Дегил: «Эй офтоби за~ррапарвар,  
Малоҳат гулшани ичра гули тар.

Бор эркандур санга мажнуни ғамнок,  
Ғами ишқинг била афтодаи хок.

Забун ўлмиш йўлингда ҳолизори,  
Бўлуб афсурда жисми хоксори.

Эрур зикри тилида гуфтугўйинг,  
Жабини саждагоҳи хоки кўйинг,

Сени деб тахти тожидин кечибдур.  
Шароби шавқ ёдингда ичибдур.

Келур пўя уруб афтону хезон,  
Қаён борурни билмай асрү ҳайрон.

Вале билмас сенинг манзил-маконинг,  
Киши топмас кито сўрғай нишонинг.

Узинг гар қилмасанг лутфу ҳидоят,  
Анинг аҳволи қаттиғдур бағоят».

Сабоға бу тарийқа шоҳ Вомик,  
Юруп эрди дебон сўз сўйи машриқ.

Баногаҳ ўлди мундоғ амри воқе—  
Ки, бўлди шарқдин хуршид толеъ.

Тушуб кун партавиға шоҳ кўзи,  
Бўлуб зоҳир тилида ушбу сўзи,

Деди: «Кей муҳташам султони ховар,  
Фалак майдониға сурган таковар,

Санга зебанда келди қаҳрамонлиғ,  
Мусалламдур санга гетистонлиғ.

Сенингдек ким кўрубдур қаҳрамонни,—  
Ки, бир кун ичра олмишдур жаҳонни.

Камина чокаринг Баҳрому Биржис,  
Надими хилватинг Исойи ўрис.

Жаҳон очмоқ учун бўлсанг сувора,  
Сипоҳинг бўлғуси моҳу ситора.

Сен ўлмай тарбият бирла муовин,  
Эмас комил набототу маодин.

Сенинг нуринг била равшандур офоқ  
Қилурсен партавингдин ой юзин оқ.

Ёрутмассен агар кўкни ҳисорин,  
Қаро қилғунг жаҳонни рўзгорин.

Чу сен тарбият айлаб ошкоро,  
Бўлур тарбиятингдин лаъл хоро.

Эшитгил, эй шаҳаншоҳи жаҳонгир,  
Санга арз айларам ҳолимни бир-бир,

Менинг кўнглумда бор ул борадин ғам  
Ки ишқидур манга бу дам мусаллам.

Юзи гул, оғзи гунча, қадди шамшод,  
Риёзи жаннат ичра сарви озод.

Жамоли оразингдин олам афрүз,  
Фуруғи сендек айлар шомни рўз,  
Санга ул юздин ўлдим меҳрпайванд—  
Ки, бор рухсори рухсорингға монанд.

*Шоҳ Вомиқнинг бекарорлиг важҳидин Азроға нома ёзғони*  
Ало, ё эй насими субҳоҳи,  
Этурсан субҳи содиқнинг гувоҳи.

Етургунг ҳар саҳар, эй файзи довар,  
Паёми субҳ то хуршиди ховар.

Етур Азроға ҳам пайғоми Вомиқ,  
Ки ул хуршид эрур мен субҳи содиқ.

Етур арзим қилиб кўнглумни масрур,  
Бўлай чун субҳи содиқ матлаи нур.

Дегил, кей Зуҳра чеҳра, Муштарий рўй,  
Ҳилол абрў, қамар талъат, суман бўй,

Санга пайваста кўнглум эрди муштоқ,  
Фироқнинг тоқатимни айлади тоқ.

Қилиб меҳри руҳинг шавқинг ўтин тез,  
Вужудим зарра янглиғ бўлди ноҷиз.

Кўнгул абрўйинга муштоқ доим,  
Ҳилоли ийд учун андоқки сойим.

Қуёшинг толеъ эт, эй маҳжабиним,  
Ки то юз меҳр бўлсун хўшачиним,

Бўлурму мунча ҳижрон шоми жовид,  
Тулуъ этмасму ҳаргиз субҳи уммид.

Қачонға тегру бўлғум зору маҳзун,  
Қилиб ишқинг манга чун насрар афсун,

Манга жоду қўзунгдур сеҳр пайванд  
Ки, солмай насрар сеҳри ул қадар банд.

Мени афсуни зулфинг қилди бад ҳол,  
Агарчи насрар сеҳрин қилдим ибтол.

Эрур кўнглум ғаминг тиғидин афкор.  
Фироқнинг етқуурор жонимға озор.

Ғамингдин, эй нигори сийм ғабғаб,  
Қачон фарқ айлагумдур рўз ила шаб..

Чекиб андуҳи кулфат субҳ ила шом,  
«Манга не хоби роҳатдур, не ором.

Фироқнинг ўт солиб жонимға асрару,  
Чекарман ул жиҳатдин ҳазну қайғу.

Чекарман ҳар нафас фарёду аффон,  
Бўлуб бағрим ғаминг бирла тўла қон.

Күнгүлда дарду оломим фузундур,  
Күзүм ашки мудомо лолагундур.

Тиларман борчо васлингға етмак,  
Майи васлингдин ўзни маст этмак,

Қачонким эсгуси боди саҳаргоҳ,  
Чекарман тинмай асрү нолау оҳ.

Қаро бўлмиш жаҳон сенсиз кўзимга,  
Такаллумлар қилурман ўз-ўзимга.

Ки, эй баргашта толеъ, баҳти вожун,  
Бўлурсен тобакай бу навъ маҳзун.

Қилиб ишқ ичра баҳтинг раҳнамолиғ,.  
Қачон комингға етгуси раволиғ.

Агарчи ишқ аро событ қадамсен,  
Вале ҳижронда побости аламсен.

Агарчи ўзни тутғунг марди комил,  
Вале ёринг санга йўқ лаҳза мойил.

Нишоти айшдин бегонадурсен,  
Жаҳон ичра басе афсонадурсен.

Агар кўрса нигоринг бу маошинг,  
Сариф юз узра оқғон қонлу ёшинг.

Сўрар эрдй тараҳхум бирла ҳолинг,  
Кўруб фурқатда ўтган моҳу солинг.

Вале на судким эрмас хабардор,  
Санга бир лаҳза эрмас дилбаринг ёр.

Ғараз айлаб бу янглиғ сўз намоён,  
Чекарман ҳар кеча фарёду афғон.

Санга айлаб бу лаҳза шарҳи аҳвол,  
Салому номани қилғумдир ирсол.

Салом, эй қоши ёу кирпиги ўқ,  
Сенинг ҳажрингға эмди тоқатим йўқ.

Салом, эй нозанини шўхи танноз,  
Бўлубдур меҳнатим кўп, роҳатим оз.

Салом, эй лаблари кони ҳаловат,  
Манга йўқ сенсизин хоби фароғат.

Салом, эй нозпарвар нозиппийро,  
Нечук топғум висолинг базмин оё.

Салом, эй кўзлари шаҳлоу фаттон,  
Ани ўпмакни истаб чеккум афғон.

Салом, эй жабҳаси хуршиди ховар.  
Қачон шомимни қилғунгдур мунаvvар.

Салом, эй маҳвashi сарви гуландом,  
Қачон илгингдин ичкумдур тўла жом.

Салом, эй инсу жинс ичра ягона,  
Менинг сори қачон бўлғунг равона.

Салом, эй лутфи дардимнинг давоси,  
Ёрутғай кўзларим ҳуснин зиёси.

Салом, эй меҳрибоним, роздорим,  
Қачон оллингда бўлғуси қарорим.

Салом, эй ҳурваш, Исо сифотим,  
Бўлур оё қачон ғамдин нажотим.

Салом, эй васлинга жоним фидодур,  
Ғаминг тифи била кўксум яродур.

Салом, эй лаъл кони қанду шаккар,  
Қачон бўлғумдур ондин баҳра парвар.

Салом, эй ноз фанни ичра моҳир.  
Висолинг бирла қил хушнуд хотир.

Салом, эй фикри ороми замирим,  
Қолибмен ҳажр аро бўл. дастгирим.

Салом, эй талъатинг тобанда хуршид,  
Қилурман кўрмак они доим уммид.

Салом, эй коми жону роҳати дил,  
Манга лутф ила бўл бир лаҳза мойил.

Лабингдин айру ичсам бодаи боб,  
Топар ондин мазоҳим таъми хуноб.

Юзинг ҳижронида ўтдур манга гул,  
Сочинг фикридадур ўт дуди сунбул.

Тузар базм ичра мутриб зер ила бам,  
Қулоқимға келур фарёди мотам.

Агар партав солур устимга маҳтоб,  
Қатон янглиғ мени ўртар ўшул тоб.

Кўрунур кўзума гул шакли ахгар,  
Урар гул решаси жонимға ништар.

Насими жонфизо етса мутайяб,  
Самум осо етургай жонима таб.

Кўрунса кўзума мийнойи гулранг,  
Топар ул лаҳза кўнглум шишаси занг,

Етибдур жонға бас андуҳи ғамдин,  
Юзум коҳи эрур дарду аламдин.

Қилиб лутфу қарам, эй шўхи дилкаш,  
Мени чеккил ўзингга қаҳрабоваш,

Иложи васл учун айлаб чу тадбир,  
Манга қилдинг ишорат азми тасхир,

Қилиб лутфу иноят ҳайи яздон,  
Тамоми мушкил ишлар бўлди осон.

Вале бордур бу мушкил узра мушкил,  
Ки кўрмасмен қилиб кўйингда манзил.

Кечакундуз бўлиб кўйунгда зойир,  
Замоне бўлмадим ҳуснингға нозир,

Қилурмен жон била, эй ғайрати ҳұр,  
Яна бўлсам не янглиғ ишга маъмур,

Чу Вомиқ номаси Азроға етди,  
Ўқуб сирридин ўзни огаҳ этди.

Олиб илгига Азро ҳам қаламни,  
Жавобиға бу навъ этти рақамни.

*Азронинг шоҳ Вомиқ номасига жавоб ёзиб Баҳром била Бежоданинг ҳам сиёсат била қатлаға  
етмагин илтимос қилгени*  
Не ҳуш фархунда соатдур бу айём,  
Ки етди ёрдин жонбахш пайғом.

Саҳарким айлабон иқбол таъйид,  
Етушмай субҳға пайғоми хуршид.

Ҳануз огоҳ бўлмай шоҳи ховар,  
Ки вақт ўлдики қўйғай бошға афсар.

Етурди бас насими субҳи содик,  
Ҳазин Азро учун пайғоми Вомиқ.

Бўлуб бу бахти хоб олуда бедор,  
Манга ногаҳ етушди ваъдаи ёр.

Эрур ул номаи дилдори гулчеҳр,  
Муҳаббат бар муҳаббат, меҳр бар меҳр.

Етиб ул нома қилди хотирим шод,  
Ки ғам илгидин эрди хатти озод.

Оритди хотиримдин гарди кулфат,  
Ҳазин кўнглумга еткурди масаррат.

Очиб кўргач саводин ошикора,  
Нишоти ишратим бўлди ду бора.

Хатидин топди афзориши нишотим,  
Румузи қилди афзун инбисотим.

Манга ҳосил бўлуб бахту саодат,  
Жаҳон андар, жаҳон коми муродат.

Ало, эй хисрави хуршид афоар.  
Сарафрози салотин банда парвар.

Кўруб номанғни бўлди тоза жоним,  
Балолардин эрур охир замоним.

Демишсанким ғами ҳижрон қилур шўр  
Балоу дарди фурқат келтуур зўр.

Нечук мен келтурай бу сўзга тоқат,  
Ки менда йўқдур асло омну роҳат.

Баҳар сурат санга етсун паёмим,  
Сабо бирла етушган чоғ саломим.

Салом, эй қомати сарву санубар,  
Санга бормен канизи зору камтар.

Салом, эй ҳусни меҳри олам аро,  
Анинг ҳажрида шомим тийра аммо.

Салом, эй мардлар фарзона марди,  
Раҳи ишқ ичра ушшоқ аҳли фарди.

Салом, эй хотирим ичра нишотим,  
Хаёлинг бирла бордур инбисотим.

Салом, эй ишқнинг мулкида султон,  
Салом, эй зубдаи оли Сулаймон.

Салом, эй зойири даргоҳи тақдис,  
Келиб сен нисбати аҳфоди Билқис.

Салом, эй нисбати покиза гавҳар,  
Қачон васлинг манга бўлғай мұяссар.

Салом, эй ишқ аҳлин покбози,  
Жамиийи покларнинг сарфарози.

Салом, эй қомати сарви равоним,  
Замирим қуввати, жисм ичра жоним.

Салом, эй қуввати жисми низорим,  
Ҳабибим, меҳрибоним, роздорим.

Салом, эй фазлу ҳикмат ичра якто,  
Санга йўқдур жину инсонда ҳамто.

Салом, эй маҳжабини шаҳд гуфтор,  
Эшитмакка каломинг бўлмишам зор.

Салом, эй ишқ ичра собит ақдом,  
Висолингдин манга йўқ ўзга бир ком.

Салом, эй лутф пеша меҳр бунёд,  
Мусаллам дер санга ишқ ичра Фарҳод.

Салом, эй соҳиби меҳру муҳаббат,  
Эрур ошиқлиғинг ҳар кимга мусбат.

Мени сендин фузундур иштиёқим,  
Туташқон сарбасар ўтдур висоқим.

Менинг илгимда бўлса чораи кор,  
Бўлур эрдимму мунча хастаи зор.

Сенинг бирла бўлуб пайваста ҳамбар,  
Ҳамоғуш ўлмағай эрдимму яксар.

Қилур эрдим бу ишда саъй ила жаҳд,  
Лабим лаълингдин ўлғай эрди пур шаҳд.

Қилиб жон жавҳарин ҳар дам нисоринг,  
Қўзумга тўтиё айлаб ғуборинг.

Қилиб сарвинг била сарвимни ҳамдўш,  
Ниҳолинг бирла шамшодим ҳам оғўш.

Гулу булбул каби бўлсақ, чаманда,  
Масаратдин бўлуб лабриз ҳанда.

Тарабгоҳ ўлса вуслат гулистони,  
Нишимин бўлса вуслат ошиёни.

Топиб ваҳдат майидин ком пайваст,  
Гар ўлсақ ғайбати базмида сармаст.

Висол ўлса аро ерда агар ком,  
Үзинг саъй айласанг топғай саранжом.

Бу дам бўл васл ишиға чора пардоз,  
Висол оҳангин эмди айлагил соз.

Бу дам элга сенинг ҳукминг равондур,  
Буюрмоқлиғ ҳамон бутмак ҳамондур.

Сенинг фармонингга элдур мусаххар,  
Нега вуслат ишин қўйғунг муаххар.

Яна қилғум бир иш сендин таваққуъ,  
Хусулидин басе қилғум тазарруъ,

Ки ул Бежодау Баҳроми наммол,  
Ки қилдилар мени ишқингда бадном.

Алардин чекмишам доим тааллум,  
Алам андоғ етурмас мору қаждум.

Басе очдилар абвоби хусумат,  
Адоват нишидин еткурди заҳмат.

Чекиб тифи забону ханжари таън,  
Ҳаволат айладилар дашнаи лаън.

Қилиб бўхтон, уруб жонимға юз ниш  
Маломат бирла кўнглум қилдилар реш.

Анингдек қилдилар шонимда бўхтон,  
Ки қатлимға алардин бўлди фармон.

Манга ахтар олардин бўлди манҳус,  
Ки мен бўлдум бало сажнида маҳбус.

Бу ҳолатда мени гар кўрса гардун,  
Қотиғ ҳолим учун йиғлар эди хун.

Сен эмди қил манга лутғу иноят,  
Аларни қил сазовори сиёsat.

Алар кирдориға лойиқ жазо бер,  
Сазовор ўлса қайси иш сазо бер.

Агар сен қилмасанг бу ишни мафқуд,  
Висолимдин етушмас бўйи беҳбуд».

Чу нома шоҳ Вомиқ сори етти,  
Бу ҳолатға басе афсус этди.

Таассуф айлабон беҳад аён ул,  
Бу янглиғ нуқталар қилди баён ул:

«Ки ул муддатки айлаб нўш бода,  
Мақомим эрди боғи дилкушода.

Чун айлаб бу хабар кўнглумни ношод,  
Қасам бу иш учун қилмиш эдим ёд.

Ки гар топсам парилар мулкига даст,  
Аларни қилғамен туфроқға пайваст.

Олурман интиқоми ёр алардин,  
Ки кўрмиш ранжу ғам бисёр алардин,

Ниҳоли давлатимким топди болиш,  
Керак душманға берсам эмди молиш».

*Шоҳ Вомиқнинг малик Шаҳболга насиҳат бериб, Баҳром била Бежоданинг сиёсат била қатлга еткургони*

Сен, эй нафсим ситамкеши ситамкор,  
Нечун мунча етургунг элга озор,

Ичиргунг элга доим жавр ила қон,  
Бу ишдин бўлмағунг ҳаргиз пушаймон.

Бу савдо ҳеч санга беҳбуд қилмас,  
Санга асло насиҳат суд қилмас.

Ошиқма, бир куни бўлғунг сазогир,  
Неким қилдинг келур олингға бир-бир.

Кўрурсен ҳарна берган заҳматингни,  
Ўзинг ичкунг ичурган шарбатингни.

Киши ҳар ерда сочса тухми ханзал,  
Тамаъ қилса шакар, бил они ажҳал.

Бўлур, бас, ул нафас Вомиқ ғазабнок,  
Туруб ўз манзилидин чусту чолок.

Шаҳи Шаҳбол сори борди филҳол,  
Кўруб бу ҳолин аниңг шоҳ Шаҳбол.

Деди лутф ила: «Кей фарзона фарзанд,  
Жабинингға нединдур қаҳр пайванд.

Аниң гар боисин қилсанг изҳор,  
Менинг ҳолингдин ар қилсанг хабардор.

Неким дафъидур қилғум тадорак,  
Сўзини айлаб ўзга тожи торак».

Деди Вомиқ: «Шаҳо, олам паноҳо,  
Фариудунфар. Скандар дастгоҳо,

Бу даргоҳ икра икки шум ният—  
Ки, дурлар шоҳға аркони давлат.

Алар чун марди давлатҳоҳ эмаслар,  
Билингким лойики даргоҳ эмаслар.

Аларни шаҳ тутубдур гарчи маъфу,  
Бу иш шаҳларға лойиқ келди асрү,

Вале қилмоқ ул иккини сиёсат,  
Келибдур сизга қонуни риёсат.

Бу икки ким эрурлар шаҳға бадҳоҳ,  
Аларни ҳуштурур қатл айласа шоҳ».

Малик Шаҳбол эшитди чун бу сўзни,  
Қилиб ғарқи хижолат ул ҳам ўзни,

Деди Вомиқға: «Берсанг ҳар неким панд,  
Барисидин бўлурмиз биз баруманд,

Бурундин ҳам манга бу ишда Тайфур  
Насиҳат бирла таклиф этти мавфур.

Бу ишда мен ва лекин айлаб эҳмол,  
Хато бирла ўтургум моҳ ила сол»,

Дебон бу сўзни андок қилди фармон,  
Ки қатл эттилар ул иккени ул он,

Бас ондин сўнгра Вомиқ бирла Азро  
Ташаккур саждасини қилди баржо,

Кўнгулни айлабон шодону хуррам,  
Шароби айш ичдилар дамодам.

*Шоҳ Вомиқ ўз мансублари бирла Чин шаҳрида қолиб малик Шаҳболнинг Жобилсо кишиварига  
мурожсаат қилгони*

Чу топти тўйнинг айёми итмом,  
Доғи айш ила ўтди неча айём.

Ки Вомиқ олди ҳоқондинижозат,  
Билоди Чиндин этмакка азимат.

Деди Вомиқфа онда шоҳ Фағфур  
Ки эй кўнглум висолинг бирла масрур!

Билоди Чин ажаб дилкаш макондур,  
Жаҳондин ўзга бу ҳам бир жаҳондур.

Эрур онда ниҳоятсиз ажойиб,  
Ажойибдин доғи кўбдур ғаройиб.

Нишоти айш эрур анда фаровон,  
Жаҳон сайри эрур бир ён, бу бир ён.

Туруб қил мунда сайру ишрати базм,  
Чу бир йил ўткариб сўнг айлагил азм.

Бўлоли неча кун ҳамсухбату ёр,  
Ғаниматдур бу дам бир-бирга дийдор».

Шаҳи Вомиқ чу бу сўзни эшиитди,  
Қолурни шаҳри Чинда жазм этди.

Нечунким Чинни сайрию, ҳавоси,  
Кўнгулда эрди доим муддаоси.

Вале Шаҳбол илиа ўзга неча шоҳ,  
Ҳама қилдилар ўзни озими роҳ.

Малик Шаҳбол Жобилсоға кетди,  
Бори шаҳ ўз билодий сори етди.

Қолиб Чин узра Вомиқ шоду хуррам.,  
Чекиб базм ичра тун-кун соғари жам.

Тахайюл мујибатидин узуб қайд,  
Тузуб гаҳ базму гоҳи айлабон сайд.

Гаҳи Азро била хилватда эрди,  
Гаҳи аҳбоб илиа ишратда эрди.

Гаҳи сайр этди боғи дилкушода,  
Тузуб базм онда, ошом этди бода.

Ғараз шоҳи Наиму, шоҳ Вомиқ,  
Ҳам Осафи соний — уч ёри мувофиқ.

Харам аҳли била бир неча муддат,  
Қилиб Чин мулки сайрин икки навбат.

Неким анда эса асбобу ашё,  
Борисин қилдилар яксар тамошо.

Бу сайд ичра ажойиб күрдилар күб,  
Тилсимоту ғаройиб күрдилар күб.

Худо турлук ажойиб қилди ижод,  
Қю бирни құрубдур одамизод.

Басе сайру томошо айладилар,  
Топиб неким таманно айладилар.

Агар берсам олар бориға тафсил,  
Етар бу нусхаға иттолу татвил.

Баногаҳ бир куни мажлис эди гарм,  
Деди Вомиқға Осаф: «Бу сифат базм,

Ки эрди марди неку Саъд тожир,  
Етурди бизга турлук нафъ вофир.

Бу муддат ичраким биз комронмиз,  
Топиб мақсуди хотир шодмонмиз.

Эзур вожиб ангаким ушбу айём,  
Муруват бирла қилмоқ лутфи инъом».

Шаҳи Вомиқ бу янглиғ қилди фармон,  
Ки они қилдилар ҳозир ҳам ул он.

Анга айлаб муҳиббона мулоқот,  
Мақомин садри мажлис қилдилар бот.

Бўлуб огоҳ мундин шоҳ Фағфур,  
Анга лутфу карам кўрсатди мавфур.

Ки яъни ўз надими хоси этди,  
Вазири соҳибул ихлоси этди,

Етиб чун Саъд бозирғонға давлат,  
Мусаллам бўлди маншури вазорат.

Не хуш хислат эзур ахлоқи неку,  
Неким қилдинг келур оллингға ўтру.

Муруват пеша қилким ҳайи сонеъ,  
Етургай, қилмайин ажрингни зоеъ.

Кетур, соқий, шароби беҳжат анжом,  
Ки қилғумдур ватан сориға қуддом.

Минал имон эмиш чун ҳуббул автон,  
Бас ўлғумдур ватан сори шитобон.

*Шоҳ Вомиқ била Азро ва Осаф соний била Шакардухтларнинг шаҳри Сабога азимат қилиб, шоҳ Наим била Ҳавронинг Тојскан шаҳрига ружсуъ этканлари  
Бу ҳодисға эди улким мубашшир,  
Бўлуб турлук вақоевға муҳаррир.*

Қилиб изҳор лутф ила фасоҳат,  
Бу ерда бу сифат сурди ҳикоят.

Ки чун Осаф била султон Вомиқ,  
Қилиб бир йилғача ишрат мувофиқ.

Чун ўтди бўйла бир йил гуфтугўеи,  
Кўнгулга тушди манзил орзуси.

Хусусан шоҳ Вомиқ субҳ ила шом,  
Аносин кўрмак этди мақсади ком.

Етушди соний Осаф кўнглига ҳам, .  
Отосини қўарарнинг шавқи маҳкам.

Қилиб хоҳиш ватанға қилғали азм,  
Кетарни ўзларига қилдилар жазм.

Муни фаҳм айлагач Саъд ила Фағфур,  
Чекиб ғам йиғладилар зору ранжур.

Бўлуб охир фалак жавриға қойил,  
Сафар асбобиға не бўлса қобил.

Қумошу ганжу ажноси хазойин,  
Нафоис ҳам жавоҳир улча мумкин.

Буларни тевалар устига олиб,  
Яна неча ғулому чўри олиб.

Чу бу лаҳза етушди шоҳ Шаҳбол,  
Олиб ёнида кўб асбобу амвол.

Ғараз, бўлди хазойин андоқ афзун,  
Ки гўё эрди яксар ганжи Қорун.

Вале шоҳи Наим асбобин аввал,  
Қилиб ул ерда тайёру муқаммал.

Бурун бўлди ҳамадин ул ягона,  
Билоди Тожкан сори равона.

Маҳинбону санам ҳам ушбу муддат,  
Олиб Фағфурдин кетди ижозат.

Наиму шоҳ Вомиқ лек ул он,  
Бу янглиғ айладилар аҳду паймон:

Ки бир хат бир сори қилғайлар ирсол,  
Қилурға бир-бировдин кошифи ҳол.

Бас ондин сўнгра Вомиқ бирла Азро,  
Шакардуҳт ила Осаф руҳафзо.

Видоъ айлаб оларға шоҳ Шаҳбол,  
Доги Фағфуру Саъди Фарруҳ иқбол.

Неча фарсах бўлуб Вомиқға ҳамроҳ,  
Ружуъ эттилар ондин сўнг чекиб оҳ.

Қўтариб девлар асбоб ила ганж,  
Йўл айлаб қатъи бўлдилар қадам санж.

Чекиб гардун уза чатри зар андуд,  
Қуёш осо эдилар роҳ паймуд.

Хиромон бўлди Азро минди ҳавдаж,,  
Нафоис кийдию бўлди мутавваж.

Шакардұхт айлади манзил амори,  
Қошида неча маҳвашлар татори.

Юриб йўл суръат ила девлар тез,  
Нечукким боди сарсар қилдилар хез.

Бўлуб бори юрарда йўл сабуктоз,  
Бори пайки сабодек пўя пардоз.

Қилиб суръат олар андоқки гардун,  
Чекиб ҳар бири юз минг ганжи Қорун

Амори дар амори аҳли номус,  
Нечукким шамъи маҳмил қилди фонус.

Чаман янглиғ бари ғарқи тажаммул,  
Бўлуб бори зарафшон ўйлаким гул.

Маалқисса юруб йўл бир неча кун,  
Етушдилар Сабо наздига бир тун.

Тушуб ул ерда маскан айладилар,  
Ётиб оромни фан айладилар.

Вале шаҳр ичра мужда айлаб ирсол,  
Юбордилар бирорни онда ул ҳол.

Эшитди чун бу мужда Осафи пир,  
Йигит бўлди гар эрди пири дилгир.

Хабар етгач бўлуб хуррам, нигорин  
Топиб, беҳжат замири топди таскин.

Нигорин чун Зулайҳои құхансол,  
Ду бора зиндагонлиғ топди филҳол.

Тарабдин туз бўлуб сарви хамида,  
Гули пажмурда бўлди навдамида.

Чу навмид эрди ондин маснади ож,  
Шақойиқдек шукуфта бошида тож.

Деди, хурсанд ўлуб: тамҳиди довар,  
Биҳамдуллаҳки, бўлди баҳт ёвар.

Сабо шаҳриға боғлаб тоаа ойин,  
Етурдилар ҳама жойиға тазийин.

Бори мавзуъни қилдилар чароғон,  
Эдилар мунтазир мажмуи инсон.

Бас ондин сўнг Нигорини ягона,  
Истиқбол этгали бўлди равона.

Вазири Бархиё барча акобир,  
Доги шаҳр аҳлидин токим асогир.

Ҳама айлаб истиқбол, ўлди хурсанд,  
Бўлуб дийдор файзидин баруманд.

Кўруб чун шоҳ Вомиқ ҳам аносин,  
Ўпуб ихлос бирла хоки посин.

Кўруб Осаф атосини ҳам ул он,  
Қучуб бўлди басе масруру шодон.

Мақом ўлди ики Юсуфға Канъон,  
Етиб беморлар дардиға дармон.

Баҳор ўлди кетиб фасли хазони,  
Ўлук танларни ўлди тоза жони.

Вазири қадди ҳам, пири күхансол,  
Алиф топди қадин бор эрди чун дол.

Бас ондин сўнг қилиб таъйини соат,  
Етушди кечанинг нисфиға муддат.

Парию одамий барча ҳаводин,  
Нузул этдилар атрофу сабодин.

Намоён айлабон беҳад тажаммул,  
Солиб афлок уза овози ғулғул.

Ҳамул тун хўб соат ичра Вомиқ,  
Хилофат маснадига бўлди лойиқ.

Берид Осафға аҳкоми вазорат,  
Ўзи маскан этиб тахти жалолат.

Доғи ул дам Шакардуҳт ила Азро,  
Паридўхту малика руҳ афзо.

Ҳарам ичра кириб тутдилар ором,  
Бўлуб масрур ҳосил айлабон ком.

Ғараз борча эл ўлди шоду хуррам,  
Жавоҳирлар қилиб ийсори мақдам.

Сипоҳи инсу жин тортиб тарона  
Навозиш айладилар шодёна.

Мақом айлаб малойик хиттаи хок,  
Бўлуб шаҳри Сабо бир олами пок.

Нигорин айлабон жон бирла парво,  
Ано янглиғ Шакардуҳт ила Азро.

Қўюб хизматда хизматкор оларға,  
Қилиб жон гавҳарин ийсор оларға,

Бўлуб давлат янги бошдин мұяссар,  
Алар васли кўзин қилди мунаввар.

Кетиб кўнглидин андуҳу ғами ранж,  
Нисор этти аларға юз туман ганж.

Хуш ул соатки ҳар маҳжури бедил,  
Чекиб ғурбат қилур мулкида манзил<sup>^</sup>

Кетур, соқий, шароби роҳат афзо,  
Ки қилғумдур ватанда эмди маъво.

Керак кўнглимга қилсам шодлиғни,  
Балиятдин топиб озодлиғни.

Адолат бирла тутғил эмди бода,  
Ки адлинг келди муштоқи зиёда.

*Шоҳ Вомиқ сариди салтанати шаҳри Сабода қарор тутуғуб дооду адл бунёд қилғони*

Чу минди салтанат тахтиға Вомиқ,  
Анингдек айлади адли мувофиқ.

Улусни айлади адл ила масрур,  
Жаҳон мулкида бўлди ўйла машхур.

Ки ондин сўнграги хайли салотин,  
Дер эрдилар анга анвои таҳсин.

Анинг адлинини ёд айлар эдилар,  
Стехсонин зиёд айлар эдилар.

Қилиб Нушравон доғи они ёд,  
Билур эрди ўзига они устод.

Басе кўргузди адли ичра зоеъ,  
Қилиб изҳор қонуни бадоеъ.

Эшитса ногиҳондин оҳи мазлум,  
Берур эрди сазои золими шум.

Либосини қилиб ҳар кеча тағири,  
Қилур эрди улус ҳолиға тадбир.

Чун ул бу навъ бўлди шоҳи одил,  
Дуосиға ҳама эл эрди шоғил.

Келибдур хуш шиори адл, ори,  
Анга ворид бўлубдур амри бори.

Бил, эй соҳиб .сарири мулку давлат,  
Мадори салтанат келди адолат.

Шаҳи бемаъдалат зебо эмастур,  
Иморат беустун барпо эмастур.

Агар етмак тиларсен ҳақдин имдод,  
Раиятни карамдин айлагил шод.

Десангким қасру давлат бўлса барпой,  
Сахоу адл ила бўлғил неку рой.

Эшитдим Кисри султони довар,  
Деди Хурмузға, эй фархунда сарвар,

Раият беҳ эрур султон шажардур,  
Шажар беҳ ила доим борвардур,

Ғаразким, Бархиё бирла Нигорин,  
Қилиб шаҳлиғ учун Вомиқни таъйин.

Ва лекин ўзлари тарки ҳукумат  
Қилиб тангрига этдилар ибодат.

Нигорин топшуруб Вомиқға авранг,  
Ибодатхона сори қилди оҳанг.

Топиб ҳам Барҳиёи пири рухсат,  
Қилурға гўшада ҳолиқға тоат.

Этиб ўз мансабин сонийға таслим,  
Анга илму вазорат берди таълим.

Тутуб, соқий, қадаҳ, кўнглумни қил шод,  
Ки ҳолиқдин тиларман ўзга авлод.

Эрур ҳақ лутфи тавлиду таносул,  
Замони қилмоғил ондин тағоғул...

*Шоҳ Вомиқ салби ва Азронинг раҳмидин шаҳзодалар таваллуд топиб жсон кўнгли яна тозадин хуррам бўлгони*

Хушо улким бериб эрди халафзод,  
Кўзин равshan қилур дийдори авлод.

Эрур мақсуд авлод ила фарзанд,  
Ики дунёда қилғучи баруманд.

Улуғлардин бу сўз бордур муқаррар,  
Ки ҳар одамда фарзанд ўлмаса гар,

Анинг бўлмас замири коми ҳосил,  
Бўлур балким савоби доғи зоил.

Қачон бўлғай ул одам оти фони,  
Ки қолғуси халаф фарзанди оҳи.

Садаф оти қолур оламда, ори,  
Ки боқий бўлса дурри шоҳвори.

Чу Вомиқ маснад узра жой тутди,  
Ки бир йил муддати Азродин ўтди.

Хабар топғоч шаҳи Вомиқ ки Азро,  
Ки бўлмишдур анга ҳамл ошкоро.

Шукуфта бўлди ондин шоҳ Вомиқ,  
Нечукким тонг елидин субҳи содик.

Они бу мужда қилди шоду хурсанд,  
Ки асрү бор эди муштоқи фарзанд.

Чу Азро ҳамлидин ўтди неча моҳ,  
Анингдек бир ўғил туғди баногоҳ.

Ки эрди ул маҳи авжи нажобат,  
Юзидин барқсан нури саодат.

Нигорин айлабон ондин мубоҳот,  
Онга деб Носири соний қўюб от.

Қилиб Вомиқ кўзин ул нур равshan,  
Гули васлидин ўлди кўнгли гулшан.

Бас они дояға топшурди ул он,  
Ки қилғай парвариш беҳадду поён.

Яна Вомиқ ёрутди чашми уммид,  
Қилиб Азро неча фарзанд тавлид.

Ўғул эрди бириси, лекин они,  
Юзи эрди чу меҳри осмони.

Бўлуб дийдоридин хурсанду масрур,  
Қўюб онинг отин шаҳзода Мансур.

Бириси они духтар эди, аммо —  
Отини қўйдилар Билқиси суғро,

Шакардухт ила Осафдин ҳамул он,  
Бўлуб фарзанд тавлиди фаровон.

Алар бирла жамии шаҳзода,  
Топиб тарбият анвоин зиёда.

Ўқуб мактабда асру дарси тақдис  
Ки соний Носиру Мансуру Билқис.

Шаҳи Вомик аларға эрди устод,  
Берур эрди улуму маърифат ёд.

Алар таълимиға кўб айлади жид,  
Ки ҳар бир бўлди устоди Мўъбид.

Қилиб касби камолу фазлу дониш,  
Бўлуб ҳар бир чароғи аҳли биниш.

Қилиб, эй соқий, алтофи иноят,  
Табибийға кетургил жоми беҳжат.

Ки қилғуси насиҳатгўлик изҳор,  
Жаҳон аҳволини айлаб намудор.

*Шоҳ Вомик ўз ўғли Носир сонийга насиҳат бергонининг баёни  
Ҳамулким бор эди ҳикмат баёнлиғ,  
Бу янглиғ қилғусидур нуктадонлиғ.*

Ки чун шаҳзода майли мактаб этди,  
Доғи ўн беш йилға ёши етди.

Баси касб этди осори фазойил,  
Улуму фанну ирфону хасойил.

Мафавваз зотига бўлди балоғат,  
Ато айлаб анга тенгри шижоат.

Шаҳи Вомик онинг кўргач камолин,  
Улуму фитрату жоҳу жалолин.

Хаёлиға бу бўлди ошкоро, .  
Ки кеча панд анга қилғуси иншо.

Русуми салтанатда токи комил,  
Бўлуб қилғай талаб неку хасойил.

Эрур албатта сultonларға лозим,  
Ки авлодига берса панд доим.

Доғи лойиқ хирад огоҳларға,  
Ки ҳикмат ёд бергай шоҳларға.

Ҳамул важҳ ила бир тун шоҳ Вомик,  
Насиҳатға билиб ўғлини лойиқ.

Бўлуб хилват аро осуда хотир,  
Қошиға айлади Носирни ҳозир.

Анга дедики: «Эй фарзона фарзанд,  
Қулоқ солғил санга бергумдуур панд».

Деди шаҳзода: «Айланг амру фармон,  
Қилинг неким насиҳатдур намоён.

Неча вақт ўлдиким сиздан тилаб панд,  
Эрурман субҳ ила шом орзуманд».

Деди Вомиқ: «Ки, эй күнглум сурори  
Эшит аввал санга будур зарури.

Ки айлаб фикр асли хилқатингни,  
Кўзинг оллиға келтур тийнатингни.

Ки бир қатра сувдин халлоқи жаббор,  
Сени халқ этти, лек ул доғи мурдор.

Такаббур қилма юни ёдинга сол,  
Худонинг бирлигин бил доим улҳол.

Ҳамиша тенгрига айлаб ибодат,  
Талаб қил доимо илму фазилат.

Қачонким тузсанг ойини ҳукумат,  
Риоя тут анга роҳи шариат.

Ҳарис ўлма жаҳон молиға аспо,  
Карамни пеша қил ўзга мудомо.

Сипаҳ хайлиға қил инъому эҳсон,  
Раоёни этиб лутф йла шодон.

Чу сиз неча ини бирла ағосиз,  
Қаю бирингки гар соҳиб сахосиз.

Қилиб ҳосил менинг ул лаҳза комим,  
Бўлурсиз тахт аро қоим мақомим.

Яна бўлғил ҳамиша соҳиб инсоф,  
Замони қилмағил харжингда исроф.

Чу онинг ҳаққида бор насси қотеъ,  
Неча тадқиқ илиа бурхони сотеъ.

Ёмонлар суҳбатидин ижтиоб эт,  
Накӯлар улфатига иртиоб эт.

Улум аҳлиға қил доим муҳаббат,  
Жаҳолат аҳлидин эт асрү нафрат.

Шитоб этмакдин ўлсун эҳтиrozинг,  
Бўлуб сабру тааммул чора созинг.

Менингдек бўлма ҳаргиз моили ишқ,  
Ки дарди ғусса бўлғай ҳосили ишқ.

Тузарда доғи ойини ҳукумат,  
Санга бўлсун туну кун афв одат.

Ки бу шева эрур зеби салотин,  
Мунинг ҳаққида ҳам кўбдур бароҳин.

Низоми мамлакатда субҳ илиа шом,  
Сиёсат айламакни ўзга қил ком.

Нечунким бўлмаса расми сиёсат,  
Ёмон эл олмағуси ҳеч ибрат.

Доғи дунёға ҳартаз бўлма мойил,  
Ки ондин бўлмағай жуз ғусса ҳосил.

Анга ҳар нечаким қўйсанг кўнгилни,  
Санга бошқарғуси ҳирмонға йўлни.

Санга айлаб жаҳон аҳволини изҳор,  
Баён этгумдуур бир неча гуфтор.

*Даҳрнома*

Жаҳонким бир ажойиб гулситондур,  
Назарга зийнати беҳадду сондур.

Очилмиш гулшанида юз сифат гул,  
Эрур ҳар бир бўю рангидин мул.

Келиб ранги назарларға тарабхез,  
Бўлуб жонларға бўйи беҳжатангез.

Эрур ҳар гулшани ишратға маъдан,  
Они қилғусидур айш аҳли маскан.

Фаровон саҳнида ашжори онинг,  
Бўлуб лаззатрасон асмори онинг.

Қелиб анҳори ҳар сори равона,  
Азубатда бўлуб таъми ягона.

Қачонким нўш қилғай ондин инсон,  
Берур лаззат нечунким шарбати жон.

Ҳавоси руҳафзо борча элга,  
Дилороу таносо барча элга.

Бўлуб кўзларга зоҳир сабзазори,  
Етурмак нур бўлғуси шиори.

Чун ўлғай қушлариға зоҳир алҳон,  
Эшитканларга бергай тозадин жон.

Эрур саҳни чаманда ҳавз пайдо,  
Суи соғилиғ ичра кавсар осо.

Келиб базми басий файзу сафолиғ,  
Қилиб хосият ичра жонфизолиғ,

Майи ҳайвон суи янглиғ гуворо,  
Бўлуб жону кўнгулга роҳат афзо.

Тамоми жомии заррин мунаққаш,  
Бўлуб шакл ичра доғи асрү дилкаш.

Ҳама соқийлари маҳбубу гулчеҳр,  
Жабинидин аёндур шафқату меҳр.

Карам қилса қаю одамға бода,  
Бўлур токим абад айши зиёда.

Муғанниси гар оғоз этса нағмот,  
Эшитганга бериб бир ўзга ҳолот.

Замирин қилғусидур шоду хандон,  
Ғаму андуҳини дафъ айлаб ул он.

Бори маҳвашлари ҳусн ичра аҳсан,  
Вале бордур неча нозу адо фан.

Аён бўлса агар нозу адоси,  
Бўлур кўрган киши онинг фидоси.

Бироким бўлса ишқининг дучори,  
Фалакка чиққуси афғони зори.

Агар ошиққа васли бўлса ҳосил,  
Нишоти жовидон топғуси комил.

Вале ҳажриға ошиқ етса ногоҳ,  
Анинг ҳолиға беҳад оҳ ила воҳ.

Қусури бордурур чун қасри жаннат,  
Ҳама қасри макони аҳли ишрат.

Келиб рифъат аро гардунға ҳамсар,  
Бўлуб кўнгуллари пур зебу зевар.

Бори девори манқуши муқарнас,  
Сутуну саҳни айвони муассас.

Очилған ҳар тарафдин боби олий,  
Эмасдур файздин бир боби ҳоли.

Ғараз ушбу гулистони дилоро,  
Ки бор шоҳу гадо хайлиға маъво.

Мисоли йўқ сафоу нузҳат ичра.  
Нишоти файзу ҳаззи беҳжат ичра.

Вале афғонки, эрмат жовидоний,  
Бўлур охир ҳама ашёи фоний.

Бори гулзорида бўйи бақо йўқ,  
Гулида ҳаргиз алвони вафо йўқ.

Қаю гулшанки ҳоло келди зоҳир,  
Хазон ошубини топғуси охир.

Тараб жомидин айлаб нўш бода,  
Неча қилсанг фарах ҳосил зиёда.

Ва лекин оқибат махмур бўлғунг,  
Хумори дардидин ранжур бўлғунг.

Сурудиға келибдур навҳа мудғам,  
Сурури зимнида андуҳу мотам.

Ҳануз ўлмай висоли ёрдин хаш,  
Тушуб ҳижрониға бўлғунг мушавваш.

Бироким қилса қасри ичра маскан,  
Макони бўлғай охир тийра мадфан.

Киши йўқдурки онда кўрмамиш ниш,  
Замири бўлмаған андуҳ ила риш.

Аруси даҳрким бордур ситамгар,  
Гадоу шахға зулмидур баробар.

Ҳамага жавр қилмоқ одатидур,  
Ҳамага шомил онинг меҳнатидур.

Неким Одам Атодин токи бу дам,  
Ўтубдур даҳр аро фарзанди одам,

Бори кўрмушдурур онинг жафосин,  
Чекиб ҳар лаҳза озору аносин.

Алар ёлғуз демайким, ўзга кўб шоҳ,  
Қилиб бу даҳрни ўзга мақаргоҳ.

Туну кун зоҳир айлаб адл ила дод,  
Жаҳонни қилдилар адл ила обод .

Бўлуб ишрат била саршори шодоб,  
Йиғиб борича имкон турлук асбоб.

Неким хоҳишлари эрди жаҳонда,  
Бўлур эрди мұяссар бир замонда.

Вале сўнгра ажал жомин қилиб нўш,  
Бориси бўлдилар марг ила мадҳуш.

Алардин қолмади осор жуз от,  
Буларниг ҳолиға ҳайҳот, ҳайҳот.

Қани ул соҳиби илму амаллар,  
Ки айлаб баҳс илм ичра жадаллар.

Жаҳонда қўйдилар таснифу осор,  
Алардин қолди кўб атвори гуфтор...

Қани онларки эрдилар сухандон,  
Калом изҳор этиб борича имкон.

Қилиб бисёр назму наср таълиф,  
Кутиб анвони, асру этди тасниф.

Улуми шеърда моҳир эдилар,  
Ғазал демакда бас шоир эдилар.

Аларнинг сўзлари эрур равонбахш,  
Маъно бирла сомеъларга жон бахш.

Дедилар нуктлар борча шакаррез,  
Эшитган кимсаларга беҳжат оmez.

Вале қилди ажал борини абкам,  
Сукут ила этиб охирда мудғам.

Ғараз ҳар кимки бу оламға келди,  
Анга гардун бу янглиғ жавр қилди.

Тааммул айла, эй фарзона фарзанд.  
Жаҳондин бўлмоғинг доим баруманд.

Сенга рўзи бўлуб гар бахти давлат,  
Насибинг бўлса тун кун айшу ишрат,

Бўлуб умринг замони тули айём,  
Нечукким Нуҳ тобсанг умрдин ком,

Жалолу жоҳинг Афридуңча бўлса,  
Зару молинг доги Қорунча бўлса,

Қилиб гардун сенинг комингға даврон,  
Ҳама мушқулларингни қилса осон,

Не матлабға тамизинг бўлса мойил,  
Ҳамулдам қилса не ташвиш ҳосил,

Етушмай хотирингға занги кулфат,  
Ҳусулинг бўлса айшу кому роҳат.

Вале билгинки чун паймона тўлди,  
Бўлур сендин ҳама бегона бўлди.

Булар борин қўюб охир кетарсан,  
Бас они орзу айлаб нетарсан...

Санга ушбу сифат айлаб насиҳат,  
Бу мавзуда кетургум бир ҳикоят.

*Ҳикоят бар сабили тамсил*  
Эшитдим Хисрави Парвези худком,  
Ки эрди хукмрони даври айём.

Мақом айлаб ўзига маснади ож,  
Қўюб боши уза юз фахр ила тоҷ.

Тажаммул бирла ул кишвар худованд,  
Кийиб хилъат зарандуду зар оғанд.

Бор эрди тожи вазни тўрт юзман,  
Қуёш тожи каби масқули равшан.

Юқоридин осиб ул тож диловез,  
Қўюб маснад онинг остида парвез.

Бу тож остида шоҳи меҳр сиймо,  
Анга еткурди фарқи фарқадонсо.

Бузург Уммид ила ёнида Манзур,  
Анга дедики: эй фархунда дастур.

Бу тож узра не ёзгум, эй ҳунарвар,  
Ки мендин сўнгра бўлғай ёд овар.

Қолиб мендин бу тожи зевар обод,  
Уқуб ул лаҳза қилғайлар мени ёд.

Ки қилмай ҳеч бир соҳибқирони,  
Бу янглиғ ишки, мен қилмишмен они.

Эрурмен мен сазовори ситоиш,  
Ки Қисро насли мундоқ қилмади иш.

Менул Хисравки гар разм айласам ком,  
Ки бўйимдин кирап гўр ичра Баҳром.

Уруб майдонда тийғи тез рўин,  
Забун этдим туни Баҳроми чўбин.

Чу гулгун барши новард юрдим,  
Диловарлар бошин ерга тушурдим.

Манго майдонда чун новард бўлди,  
Насибам ганжи бодовар бўлди.

Чу ширин дилбари ғоратгаҳи хуш,  
Бажуз мен кимга бўлмиштур ҳамоғуш,

Бузург Уммид анга дедики, эй шоҳ,  
Онга бордур салотин хоки даргоҳ.

Яқин билгим эрур, эй моҳи нокост,  
Бу маъниларки дерсан, барчаси рост.

Олурсан шоҳлардин тож ила бож,  
Бу сўз зинҳор қилғил зевори тож.

Ки эй улким шаҳи олий гуҳар сен,  
Ки мендин сўнгра бўлғунг тожвор сен.

Бу тож ила сен ўлма маству мағур,  
Ки охир бош яланг жоҳ қилғасен гўр.

Чу ман эрдим сенингдек комрони,  
Ки ҳукумимда эди халқи жаҳони.

Олиб мен мулки олам қоф то қоф,  
Қўттардим қўкка чархи нахвату лоф.

Паривашлар бўлуб ёру қариним.  
Салотин эрдилар даргах нишиним.

Қўюб базм ичра бошим узра афсар,  
Бухури манқал эрди уду анбар.

Берид комимға лаззат лаъли ширина,  
Мудом эрди тараб боғида гулчин.

Асоси ҳашматим гардунча эрди,  
Манолу давлатим Қорунча эрди.

Қўюб борин бугун овора бўлдим,  
Қаро ер остида бечора бўлдим.

Қани ул шўхи ширини шакар лаб,  
Қани ул маҳлуқои сийм ғабғаб.

Қани ул тахти заррину каёни,  
Қани ул шавкати соҳибқирони.

Қани айшу нашоти базми Жамшид.,  
Қани жоҳу жалолу иззу тамжид.

Қани ул дастгоҳи тахти афсар,  
Қани ул ҳашмату худдому чокар.

Назаргоҳимдин ўлмиш барча ғойиб  
Анисим гўр аро дарди масойиб.

Чекарман тийра гўр ичра тааллум,  
Рафиқим кеча-кундуз мору каждум.

Таним сарто қадам кирм ила машҳун,  
Май гулгун мангодур бийм ила хун

Бўлуб маскан манга тийра мағоки,  
Эрур афсар манга бир тўда хоки.

Не қилғум ганжи бодовардини ёд,  
Ки бодоварда ҳам бўлғуси барбод.

Гаҳи қабрим уза бир дам гузар қил,  
Менинг бу турфа ҳолимға назар қил.

Тааммул қил, кўруб ҳоли низорим,  
Бўлур равшан маоли кору борим

Чу мендин қолди бу тожи зарандуд,  
Санга ҳам тожи зардин бўлмағай суд.

Доғи Бузург Уммид ул ҳолат ичра,  
Тил очиб асру панду ҳикмат ичра,

Скандардин нихон қилди падидор,  
Ки ул панд Арастуға қилди изхор.

Бу ҳам дунё учун бордур мадумат,  
Ки қылғым они бу ерда ҳикоят.

*Ҳикоят бар сабили тамсил*  
Эшитдим Хисрави олий Скандар,  
Арастуға бу сүз қилди муқаррап.

Ки чун бу дахрдин қылғум азимат,  
Адам даштиға сургумдур жанибат.

Қубуристон сари бошқар йўлимни.  
Чиқорғил наъшдин ул дам қўлимни.

Ки билғай зумраи мағрут сармаст,  
Ки борғум дахрдин бу дам тиҳи даст.

Олиб мағриб била машриқни яксар,  
Борурман бу нафас бетожи афсар.

Эшитгач йиглабон бу сўзни Парвез,  
Деди, ёзғил бу сўзни тож уза тез.

Яна Носирга боқиб шоҳи Вомик,  
Деди, қай панд эшитмакликка лойиқ.

Тааммул айлаким, аҳли хилофат,  
Не янглиғ қилдилар, панду насиҳат.

Бу фоний дайрким дунёдур оти,  
Анинг йўқдур қарор ила саботи.

Маоли коридур андишаи хом,  
Эрур пасмоадаи ҳар хосу ҳар ом.

Эмасдур давлати иқболи жовид,  
Кўрубдур неча Баҳром или Жамшид.

Даётин англағил, эй марди соий,  
Ғурури жаҳл нахватнинг матоний.

Баробардур ўлум шоҳу гадоға,  
Тафовут йўқ гадоу подшоға.

Кўрибмусанки, ўлгач шоҳу дарвеш,  
Олиб бормишдуурлар жуз кафан пеш.

Бирор топмишдуур умри абадни,  
Ки ул оромгоҳ этмай лаҳадни.

Борурсен, қолғуси фарзанди амлоку  
Мақом этгунгдуур охир таҳи хок.

Улумни ёд эту фикри сафар қил,  
Ғурури кибру нахватдин ҳазар қил,

Қилурдин хоби ғафлат мунфариғ бўл,  
Кетар вақтингни чоғлаб мустаид бўл»,

Шаҳи Вомик чу пандин қилди нтмом,  
Олиб шаҳзода Носир панддин ком,

Ота бирла ўғил ул икки мумтоз,  
Бу аснода қилиб кўп гиря оғоз.

Деди, кей мушфиқим фарзона фарзанд,  
Санга ҳар неки дедим бу сифат панд,

Они бир лаҳза ҳам қилма фаромуш,  
Ки эрсанг олам ичра соҳиби хуш.

Бас ул пандики, бўлмиш эрди зоҳир,  
Китобат айлабон шаҳзода Носир.

Қилиб жон бўйниға таъвид они,  
Ўқуб ҳар лаҳза пайдоу ниҳони,

Амал мазмунига қилди ҳамиша,  
Ки то бўлди жаҳонда нек пеша.

Карам қил, соқиё, тутғил манга май,  
Ки қилғумдур фано йўлин бу дам тай.

Фано йўлиға мастона этиб азм,  
Адам майхонасида тарҳ этар базм.

## Анбар Отин (1870-1906)

Чоп этилган: 17.12.2013

Анбар Отин Фармонқул қизи (1870 — Қўқон — 1906) — ўзбек шоираси. Отаси Увайсийнинг жияни. Онаси Ашурбиби оддий косиб қизи. Анбар Отин Дилшод отин мактабида таҳсил олган. Анбар Отин шеърлар ижод қилиш билан бирга маҳалласидаги ёш қизларга таълим ва тарбия бергани туфайли Отин номига эга бўлади.

Анбар Отин ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Ижодда кўпроқ Увайсийга эргашган. Навоийни биринчи устоз ҳисоблаган. Замондошлари Муқимий, Фурқат, Завқийлар билан таниш бўлган. Шеърларида уларга мурожаат қилган, улар билан баҳслашган.

Ўзбекча шеърлари (48 та)дан девон тузган. Ундан 41 ғазал, 4 мухаммас, 1 қитъа, 1 маснавий, 1 мустазод ўрин олган (1905). 70-йилларнинг бошида шоиранинг 40 га яқин шеърдан иборат яна бир қўлёзма девони, «Қаролар фалсафаси» рисоласи, 160 мисралик «якка байт»лари топилди, тожикча ғазалларида девон тузиш нияти бўлган, аммо бор-йўклиги ҳозир номаълум.

Анбар Отин шеърлари аксарият ижтимоий мавзуда. Замона адолатсизлигидан, меҳнатчи халқоғир аҳволидан сўз очади, маърифатни улуғлайди. «Қаролар фалсафаси» асарида аёлларнинг оғир қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

Анбар Отин асарлари қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади (инв. № 1647).

Бегали Қосимов.

\* \* \*

Эй гўзал Фарғона, ўзингни кел эмди, шод қил,  
Ҳар ғазални бошида, сен, ўз отингни ёд қил,  
Қайди бандни пора айлаб, ўзлугунг озод қил,  
Қайгулик кунларни куйдур, барчасин барбод қил,  
Эмди Туркистанда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

Боғларинг пажмурда бўлди зоғларнинг пойидин,

Күкрагинг садпора бўлди дайдиларнинг ёйидин,  
Катра-қатра қон томодур ўқ тешкон жойидин,  
Кип-қизил қонлар оқодур жабр кўргон сойидин,  
Ўз кўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил.

\* \* \*

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.

\* \* \*

Улгаюрсан, санда бор бўлса адаб,  
Улгаюрсан, санга ер улса адаб,  
Одам эрсанг, ташки сурата берма зеб,  
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

\* \* \*

Одами ақлу назокатда сулув,  
Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.

\* \* \*

Жаҳон равшан зиёйи илмдантур,  
Кўнгил софи сафойи илмдантур.

\* \* \*

Муродингни ҳаётинг ичра ахтар,  
Ки мавҳум илм ичинда бўлма ахгар.

\* \* \*

Дунёни билмакка идрокинг гаров,  
Зеҳн қўймоққа дили покинг гаров.  
Яхши иш қилмоқ учун йўқса ўқув,  
Санга лозимдур ўқув бирлан ўқув.

\* \* \*

Касб этар оҳиста-оҳиста киши фазлу хунар,  
Боғаро булбул боласи хушнаво кам-кам бўлур.  
Мурғи ваҳшини қилолмас ҳеч ким якбора ром,  
Донаю домини қурдинг, мубтало кам-кам бўлур.

\* \* \*

Кимки маърифатни этса эъзоз,  
Ани ирфон этар, албатта, мумтоз.

\* \* \*

Ҳар кимки ўзин уйлади, элдин хабари йўқ,  
Ул абллаҳи бедин ила савдо қила кўрма.

\* \* \*

Үз гунохингни сўраб элдин ўтин,  
Нафрат ути ичра бўлмасдин ўтин.

\* \* \*

Кимки эл ғамидадур сухансанж,  
Анинг ҳар сўзи дунёда улуг ганж.

\* \* \*

Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,  
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

\* \* \*

Хирад элиға құксин тутди қоғоз,  
Ҳам ирфон ишқида қон ютди қоғоз.

\* \* \*

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,  
Ватан эрур сенга иккинчи она.  
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,  
Ҳар бир сўздир умринг ичинда сина.

\* \* \*

Фойдасиз сўзламаса қайси тил,  
Она тил бўлғай ўша тил — она тил.

\* \* \*

Танга озукдур ҳамиша тўғри лафз,  
Миллату тилга хиёнат ўғри лафз.

\* \* \*

Яхши одамлар ишидан ибрат ол,  
Ибраторумуз хизмат айлаб, иззат ол.

\* \* \*

Чун қадам қўйдинг бу йўлга бўлма бематлаб вале,  
Фахри зиллат бўл, талашма ғурбати мансаб вале.

\* \* \*

Қошки, кулбам аро якбора ёрим келсалар,  
Йўллариға жон нисор айлай нигорим келсалар.

\* \* \*

Гаразгўй ағёрлар сўзиға бовар қилмаким,  
Дилсиёҳлик келтирур ўртада ғаммоз озгина.

\* \* \*

Зулм бўлгон ўлкада қолмайди файз,  
Тонгача кун нуридин олмайди файз.

\* \* \*

Жаҳонгир қўшинларга қўйса оташ,  
Анинг бошига бўлғуси балокаш.

\* \* \*

Кимеким мард эрур инсоф лозим,  
Билурга сўз дурин сарроф лозим.

\* \* \*

Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,  
Одамийда бўлса гар яхши тилак  
Халқ учун тебратгуси доим билак.

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Отам – Фармонкулийи Марғилоний,  
Онам – Ашурбабийи Қўқоний.  
Алар белбоқчи – бўзчи эрди касби,  
Ҳамиша маккайдин эрди нони.  
Ки, “бўзчи ёлчимас белбоққа” доим,  
Яна жуфт бўлмас эрди чопони.  
Бизоат бўлмагач уй эрди нотинч,  
Санаб бўлмас эди жанжал сони.  
Ҳайит келса ҳамиша гавго бўлгай  
Ки, йўқдур янги энгилдин нишоне,  
Арафа- ийди курбон кечасида,  
Ота-онам қўпорди галаёне.  
Намоз куни иккиси айрилишди,  
Бир уйча-ҳовлича сотдилар они.  
Ман ҳам икки укам била бизлар,  
Онам бирла бўлувдик сарсони.  
Онам бирла қолиб биз кўчаларда,  
Отам кетди ба шахри Марғилони.  
Онам бир эрга тегди Бешқовоққа,  
Уни бор эрди читгарлик дўкони.  
Яна боғИ бор эрди бир танобча,  
Икки танобча ерда дехқони.  
Мани тарбият айлаб, ҳам укамни,  
Ҳамиша берди бизга буғдой нони.  
Онам кўрди ети фарзанд андин,  
Бири кўрқори бўлди қўзи они.  
Мани уйга чиқардилар шаҳарга,  
Зоҳидхўжа деган новвой Қўқоний.  
Ул нийз қашшоқ эди аввалда ўзи,  
Қари катта оноси-моли, жони.  
Қийинрок бўлди, новвой ўзи танҳо,  
Кунимиз ўтди андак: чойи, ноний.  
Мани фарзандларим тўрт бўлди-ю бас,  
Мўминхўжам эди андак ёмони.

Бибихон – роҳати, жоним анисим,  
ғариблиқ, дардманлик дармони.  
Етиб қолдим, мураббим бўлди шу қиз,  
Анинг бирла топиб жоним омони.  
Усмонхўжам-ҳалиму қобилимдур,  
Ўкутди устод Хайруллохони.  
Мани дардимга қўшди минг аламлар,  
Вафоти эткан қизим Оминахони.  
Шу дард бирла адо бўлдим, ёронлар,  
Бу ёш боғим бўлиб тезда хазони.  
На роҳат кўрдиму, на орзуни  
Ки, ман ийғлаб ғазал ёздим ниҳоний.  
Аёллар ишқ сўзини демакдин,  
ғазал ёзмоқдин ўзи эрди фоний.  
Саҳҳофга ёлбориб неча варақни,  
Китоб ичига жойлаб қўйдим они.  
Кимеки кўрса, ёд этса зора,  
Ёруғлик бўлса ул дунёйи соний.

## ҒАЗАЛЛАР

Жаҳон-оғуга келган Анбар отинман,  
ғаму қайғуга келган Анбар отинман.

Ямон соатда келдим ман жаҳонга,  
Ини жодуға келган Анбар отинман.

Адаб аҳли оёқ остида хордур,  
Чунин ёғдуға келган Анбар отинман.

\* \* \*

Эй дўст, жаҳолат аҳлига ошно бўла кўрма,  
То келгунча бахту саодат шайдо бўла кўрма

Ҳар кимки ўзин ўйлади, элдин хабари йўқ,  
Ул абллахи бедин ила савдо қила кўрма.

Илмеки адаб, ишқу муҳаббатга йироқдур,  
Билғилки сан ул илмни алсо била кўрма.

Ҳар ким амали эл фойдасига жори эмасдур,  
Онинг юзини умрингда сан бир йўла кўрма.

Ҳар муғбача даф чолса, аё Анбари хушрўй,  
То ошиқ эмас, ишқида бағринг тила кўрма.

## АЛИФБО

Алиф  
Одам эрсанг маъни бил дона-дона,  
Ватан эрур санга иккинчи она.  
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,

Хар бир сўздор умринг ичинда сина.

Бе

Улгаюрсан санда бор ўлса адаб,  
Улгаюрсан санга ёр ўлса адаб.  
Одам эрсанг, ташки сурат берма зеб,  
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

Те

Бир иш қилки, эл ичра бўл боҳурмат,  
Икки дунё номинг бўлур боиззат.  
Ҳаёнсиз эрса минг жафо мاشаққат,  
Ул иш дейилмагай эл ичра меҳнат.

Жим

Харобат элда султонлар олур бож,  
Адолат илкида яксон ўлур тож.  
Кимки эл ғамиладур сухансанж,  
Анинг ҳар сўзи дунёда улуғ ганж.

Чим

Қаю султон адолатга қўяр синч,  
Қўл остида эли доим бўлар тинч.

Ҳ-хуттий

Бутун умримда ер эдим ғами субҳ,  
Дам охирида келди бу дами субҳ.  
Умидим субҳидамдин бошланур сулҳ,  
Диёrimға суюниб тошланур сулҳ.

Ҳ

Фалак кажравлиғидин шом эрур талх,  
ғаму қайғу чекишдин ком эрур талх.

Д-дол

Башарни тарихи қонуни аждод,  
Анингдин илм топғуси ҳар авлод.  
Бу йўқсул эл ҳаёти гарчи барбод,  
Бўлур авлодини рўзгори обод.  
Ҳаёт тарихи элда некиу бад,  
На тавсиф билдирур, на хатти абжад.

З-зол

Манга ҳалқ рўзғори бўлди устоз,  
На сифат китоби ван а таку тоз.  
Хирад элиға қўксин тутди қофоз,  
Ҳам ирфон ишқида қон ютти қофоз.

Р –ре

Киши ўз тақдириға ўзи маъмур,  
На маъмурлар яратган рўзи маъмур.  
Муродингни ҳаёting ичра ахтар,  
Ки, мавҳум илм ичинда бўлма ахгар.  
Машаққатсиз ҳунардин чиқмағай дур,  
Ҳаёнсиз илм дурридин кўб эрур дур.  
Кимики кўбни рангин этди заъфар,

Икки дунёда бўлмайди музaffer.  
Минг йил армону ҳасратда оқар Сир,  
Музaffer элга сирини очар Сир.

3-зе

Кимки маърифатни этса эъзоз,  
Ани ирфон этар албатта мумтоз.  
Ўзингни элга хизматкор эткил,  
Ишинг анжомиға етгунча еткиз.

С-син

Шаҳаншоҳи номвар афзал бўлмас,  
Ҳар адли ҳам зулмидин холи бўлмас.  
Мани сўзимни тингланг, аюҳаннос,  
Келур авлод даври ўзига хос.  
Азалдин адл ила зулм эрди ножинс,  
Зулмни паша қилди, кимки ножинс.  
Билингки, ўзига қўймас бино кас,  
Такаббурлик ўтида куйди нокас.

Ш-шин

Даригоким, ҳамиша қўнглим ғаш,  
Чароки, кўп ҳалойик қўнгли ғаш.  
Хукмрон зулм тобора қилур иш,  
Ўзин жисмига кўп яро солур ниш.  
Жаҳонгир қўшниларига қўйса оташ,  
Анинг бошига бўлгуси балокаш.

С-сад

Биз адабда қўргумиз ҳусни қасос,  
Хуш куним деб ўтадур аҳли алас.  
Ким ўзин Намрудға айлар қиёс,  
Иброҳимни қавмидин тортгай қасос.

З-зод

Зулм бўлган ўлкада қолмайди файз,  
Тонггача кун нурини олмайди файз.  
Муфти эл бошига солғай янги фарз,  
Ўлмагай то бермагунча элга қарз.

Т-итқи

Эл ғамидин ўзгароқ ўлмас бу хат,  
Шунча қилсан бир йўли бўлмас ғалат.  
Йўлларимда жару(кўх), кири қиёт,  
Шул сабаб юрганда килгум эҳтиёт.

З-изғи

Бекироат сўзламас аҳли воиз,  
Ҳар нидо қилганда тинглайман ғализ.  
Танга ўзиқдир ҳамиша тўғри лафз,  
Миллату тилга хиёнат ўғри лафз.

‘-айн

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ  
Ақл ойинасида чехрадур шамъ

#### Г-гайн

Бу вужуд бир қўлима берди яроғ,  
Бир қўлим ҳодисадин тутди чароғ.  
Ажнабий хайлига йўл бермади тоғ,  
Учса ҳам қўнгали тоб этмади зоф.

#### Ф-фе

Маърифат шоирини сўзи садаф,  
Ҳарзагўй аҳли учун мисли ҳазаф.  
Мадҳдин воизи минг айласа лоғ,  
Дину важд орасида мингта хилоғ.

#### К-коф

Меҳнату ақлу вужуд иттифоқ,  
Шайхдин бу ораға солма нифоқ.  
Гарчи бу аҳли вужуд бўйни синиқ,  
Чиркинат таъсири йўқ, қўнгли тиник.  
Шайху пир кўрсатади йўлу-йўрук,  
Оғзида зикри худо, ўнгли қуруқ.

#### К-коф

Одам эрсанг, қўнглинг этгил пок-пок,  
Сандин этмасдин ўзини улки пок.  
Ҳар нафас мазмун ила ўтса керак,  
Гар ҳаёт мазмунини бўлса юрак.  
Одамийда бўлса гар яхши тилак,  
Халқ учун тебратгуси доим билак.

#### Л-лом

Яхши одамлар ишидин ибрат ол,  
Ибраторумуз хизмат айлаб, иззат ол.  
Кимни илгидан бор эрса ҳиммати,  
Рангу рўйида кўрунгай раҳмати.  
Ҳар ғазалда янги мазмун айла ҳал,  
То қиёмат ранги ўчмас мисли ҳал.  
Фойдасиз сўзламаса қайси тил.  
Она тил бўлғай ўшал тил, она тил.

#### М-мим

Бош эгиб турғай ҳамиша ҳарфи мим,  
Ўйламанг таъзимда бор де зарбу бим.  
Одамийлик хислатидур ҳам салом,  
Ҳам баҳойим этмас одамдек қалом.

#### Н-нун

Она ер шаклидаги бу ҳарфи нун,  
Кўксига равнақ топодур ҳар фунун.  
Вақти келгунча такаббур осмон,  
Сирни бермай тек туурмиш олумон.  
Зуфунунлик ҳулласи била кийин,  
Элға ҳикмат сирини айтғил кейин.  
Ўз гуноҳингни сўраб элдин ўтин,  
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

#### В-вов

Одами аҳли назокатда сулув,

Бўлса ахлоқи садоқатда сулув.  
Дунёни билмакка идрокинг гаров,  
Зехн қўймоқға дили покинг гаров,  
Яхши иш қилмоқ учун йўқса уқув,  
Санга лозимдур уқув бирлан ўқув.  
Боқ ҳаётинг лавҳасига, бўлма қув,  
Гар нишони яхшилик топилса қув.

### Х-ҳавваз

Қачон еткургуси ул кунни Оллоҳ,  
Хотунлар хуррам ўлса чекмайин ох.  
Қачон баҳт ўлғуси бизлара ҳамроҳ,  
Ки, токай банд ўлурмиз ҳамчу гумроҳ.  
Нечун иқбол биздин мунча саркӯҳ,  
Анинг куйида ермиз шунча андуҳ.

### И-ёй

Агар ирфонға вусъат берса бори,  
Фунун заҳматға бергай эрди ёри.  
Худо хотунни баҳтин очса эрди,  
Ки ховар ўз нурини сочса эрди.  
Бу Анбар оҳини тингла Илоҳи,  
Замона аҳли аҳволим гувоҳи.  
Чуқур мазмунда бу сўзлар тамоми,  
Келур давронга қолди итмолми.

## Сайд Аҳмад Васлий (1870-1925)

Чоп этилган: 21.11.2015

Васлий (таяхаллуси; асл исми Сайд Аҳмад уста Азим ўғли) (1870 — Самарқанд — 1925.29.10) — ўзбек ва тожик шоири, маърифатпарвари. Тошкент (1883-91) ва Бухородаги (1893-1902) Кўкалдош мадрасаларида ўқиган.

Бухорода (1903—09), Самарқанддаги Орифжонбой ва Қусам ибн Аббос мадрасаларида мударрислик қилган (1909—17). Улугбек мадрасасида янгича усул мактаблари учун муаллимлар тайёрлаш курсида дарс берган, адабий тўгарак очиб, унга ҳомийлик қилган (1918—22).

Васлий миллий матбуотнинг шаклланишида фаол қатнашган. Мақола ва шеърлари маорифни ислоҳ қилиш, миллат равнақи каби масалаларга бағишлиланган. Васлий ижодий меросидан 12000 мисра шеър ва «Армуғони дўстон» (1909), «Асос ул-ислом» (1904), «Тухфат ул-аҳбоб» (1912), «Таълим ва билдурмакнинг фойдалув ўлмоқи» (1914) каби 25 рисоласи етиб келган.

## Ҳожи Муин (1883-1942)

Чоп этилган: 17.12.2013

Ҳожи Муин Шукрулло ўғли (1883.15.3, Самарқанд - 1942.27.7, Россия, Перм вилояти Соликамск шаҳри) — маърифатпарвар, шоир. 1901 йилда ҳаж сафаридан қайтгач, мактаб очиб, болаларни ўқитган. Аввал эски усулда, 1903—16 йиллар янги усулда муаллимлик қилган. Илгор жадид муалими сифатида танилган. «Рахнамои савод» алифбе дарслигини ёзган (1908). «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналида ишлаган (1913—15). Россияда мардикорликда бўлган (1916—17). Самарқандга қайтгач, «Хуррият» (1917—18), «Мехнаткашлар ўқи», «Мехнаткашлар товуши» (1918—22), «Зарафшон» (1922—26), «Овози тожик» (1926-29) газеталари, «Таёқ» (1919), «Машраб» (1922—26), «Мушфиқий» (1926—29) журналларида ишлаган. 1929 йилнинг 29 сентябридан 3 йил Сибирда сургундан бўлган. Сургундан қайтгач, Ўзбекистон давлат нашириётининг тожик бўлимида адабий ходим (1932—34), «Қизил Юлдуз» газетаси мухбири (1934-37). 1938 йил 24 январда ноҳақ ҳибсга олиниб, НКВД кошидаги учлик ҳукми билан 10 йилга қамалган. Ҳукмни ўташ ҷоғида ҳалок бўлган. Ҳожи Муиннинг ижоди 1900 йиллардан шеърлар ёзиш билан бошланган. «Наҳиф» (Ожиз), «Мехрий» таяхаллуслари билан анъанавий мавзуларда шеърлар ёзган. 1908 йилда ижодий қарашларида кескин бурилиш бўлиб, М.Беҳбудий таъсирида маърифатпарварлик руҳида шеърлар ва публицистик мақолалар ёза бошлаган. «Гудастаи адабиёт» (1914), «Янги адабиёт» (1915) шеърий тўпламларини

чоп эттирган. Фитратнинг «Мунозара» асарини ўзбек тилига таржима қилган (1913). Туркистон матбуотида публисистик мақолалари билан фаол қатнашган. 1914 йилда Нусратулло Қудратулло ўғли билан «Тўй» песасини ёзган ва чоп эттирган. «Тўй» М.Беҳбудийнинг «Падаркуш»идан кейин саҳналаштирилган 2-ўзбек песасидир. «Эски мактаб — янги мактаб», «Кўкнори», «Мазлума хотин» песаларини ёзиб, уларни алоҳида китоб ҳолида чоп эттирган (1915).

*Рустам Тожибоев*

## Ҳажвий шеърлари

### РАҲМАТЛИК УЕЗД - САМАРҚАНД РАЙҚЎМИНИНГ ҲУРМАТЛИК САДРЛАРИ ТИЛИДАН

Тангрига минг карра қуллуқ бўлсин,  
Куллуқ айтмак биза қутлуғ бўлсин.

Тангрининг марҳаматидан биза ҳам  
Бўлдилар баҳт ила давлат маҳрам.

Садр бўлдиқ неча кун райқўмга,  
Нафимиз тегди ҳавасу илмга.

Неча кун халққа хизмат қилдиқ,  
Ишчи-дехқон каби меҳнат қилдиқ.

Халқаро хизматимиз кўб бўлди,  
Иzzат ва ҳурматимиз кўб бўлди.

Истифода қилибон фурсатдан,  
Иzzату обрўю ҳурматдан.

Олдиқ энг бойларидан кунда закот,  
Тангри берди пулимизға баракот.

Пора олмоққа биз одат қилмадиқ,  
Ишчи-дехқонға хиёнат қилмадиқ.

Оқчани сарфи шарорат қилдиқ,  
Озгина дафъи қасорат қилдиқ.

Халқни кечава кундуз таладиқ,  
Гъаюрнинг косасини ҳам яладиқ.

Отланиб шаҳар ва уездни кездиқ,  
Кучимиз борича халқни эздик.

Оҳ! Беҳуда сафоҳат қилдиқ,  
Юртимиз ичра шафоват қилдиқ.

Зулмимиз ўз бошимизга етди,  
Охири баҳт ила давлат кетди.

Оҳким, вақти раёсат ўтди,  
Хайфким, даври сиёсат ўтди.

«Таёқ»:  
Қилмағон бўлсанг эди элга чатоқ,

Бошга етмас эди шунча таёк.

«Зарафцион» газетаси, 1922 йил, 3 декабр

## НИМА ЭДИК, НИМА БҮЛДИК, НИМА ҚИЛАЙЛИК?

«Нима эдик, нима бүлдик?» сүрөги  
Эсимиизга келади ҳар чоғи.

«Нима қымыз керак эди?» дерлар,  
Биздаги камбағал ишчи-эрлар.

Илгари бизларга матлаб бор эди,  
Яңги мактаб бор эди.

Чиқар эди бир-икки рўзнома,  
Ўқир эди уни хосу омма.

Ёшларда дард ила ғайрат бор эди,  
Халқда озгина ҳиммат бор эди.

Нима бўлди - ишимиз ўзгарди,  
Соғлиги кетдию қолди дарди.

Яъни на мактабу пактаб қолди,  
Эски ва янгилари тарқадди.

Яңги мактабда мушук ўйнайдир,  
Эски мактабда кучук ухлайдир.

Болалар кўчада ҳайрон-сарсон,  
Оналар уйчада нолон-гирён.

Оталарнинг иши нон топмоқдир,  
Нон учун салла-чопон сотмоқдир.

Элимизда ғами мактаб йўқолди,  
Лоақал мактаб учун гап йўқолди.

Газета бўлса-да бизнинг элда,  
Чиқодир бир карра ойда, йилда.

Ёшлар бунда туташ овладилар,  
Карилар бунда ош овладилар.

Халқимизнинг бор-йўғи тўйға,  
Сарф ўлур, бир пули қолмас уйға.

Тўғриси, бойлара ҳиммат йўқдир,  
Хайру эҳсон ва ҳамият йўқдур.

Қолмади синфи тараққийпарвар,  
Барчаси бўлди гирифтору зар.

Баъзиси соч ва соқол фикридадир,

Кечаси мохижамол фикридадир.

Бу орада фақат ишчи-дөхқон  
Қолди нодонлик ила саргардон.

Үкүмай мулла бўлурми ишчи?  
Үкүмай ҳақни билурми ишчи?

Ёвимиз бор оти «мустамлакачи»,  
Юзи оппок кўринур, қора ичи.

Ушбу ёв бирла қураш лозимдур,  
Балки они кувлаш лозимдур.

Яна бир ёв бор - оти нодонлик,  
Қиласидир биза ҳамон хоқонлик.

Бунга қарши уруш очмоқ лозим,  
Тезрак они йўқотмоқ лозим.

Буни йўқ этмак учун илм керак,  
Холбуки, бизда билимдир сийрак.

Илм учун мактаб очиш лозимдур,  
Эру хотинга ўқиши лозимдур.

Илмсиз ҳур яшамоқ мумкин эмас,  
Ўқуғон элга чатоқ мумкин эмас.

Сўзламоқ чоги ўтиб иш битди,  
Иш билан бирга совуқ қиши битди.

Энди ким ишламаса ўлғусидир,  
Яъни армони гули сўлғусидир.

«Зарафцион» газетаси, 1922 йил, 1 декабр

## АЙ ҚАЛАМ!

Ай қалам, ҳақ ўйлида бўл тўғри,  
Эгрилик айлама, бўлма ўғри.

Ай қалам, тўғрини эгри ёзма,  
Алданиб оқчаға йўлдан озма.

Тўғри юр, тўғри гапир, тўғри ёз,  
Эгрилик қилғувчининг қабрин қаз.

Тўғриликни ўзингга маслак тут,  
Тўғри келганда бу йўлда қон ют.

Сени дер бунда бирор «тескаричи»,  
Бириси дер: «Бу киши миллатчи».

Бири дер «динчи», бири «рухиячи»,

Бири «нодон», бири «сапсатачи».

Ким на дер, деяберсин сўзини,  
Сўзила кўрсатсин юзини.

Илтифот этма аларга, ёза бер,  
Сен ҳақиқат чечагин доим тер.

Ай қалам, ҳақни ёзарда ўлғил,  
Маслакинг йўлида қурбон бўлғил.

Бу замонда ким эрур ҳақконий,  
Шубҳасиз тўкилур онинг қони.

«Зарафцион» газетаси, 1923 йил, 25 январ

## «ТАЁҚ»НИНГ НАСИҲАТИ

«Жарчи» болам, эрка қўзим, ҳар ишингни билиб қил,  
Эркаликни менга қилғин- матбуотга қилмағил!  
Сен ёш ҳали, тажрибанг оз, ёзғонингни тузатдур,  
Нуқсонингни айтганларга ҳақсиз ўпка этмагил!

«Жарчи» ўғлим, «чўғул» бўлиб ҳақ йўлидан айрилма,  
Гарчи отинг «Жўғул» бўлса, ўзинг тўғрилағул бўл!  
Тўсиқликлар кўрарсанг-да, ўз йўлингдан бурилма,  
Отанг ўлур ҳақ йўлида, сен ҳам унинг каби ўл!

Гапнинг тубин билмай нега доду фарёд қиласан?  
Аслин билсанг, отанг санинг бошфинангни силайдир.  
Аччиғланиб чол отангнинг ўлмагини сўрайсан,  
Қайси бола отасининг ўлимини тилайдир!

«Зарафцион» газетаси, 1923 йил, 1 март

## ИЖОБАТ БЎЛГОН ДУО

(Амир Олимхон ҳақида)

Ай Худои дийргири саҳт гир!  
Тезтар гар жонаки нодон амир.  
Он амири, ки надорад файри зулм,  
Фикру зикри дигари андар замир.  
Кору бораш фисқу айшу-ишратаст,  
Гўё аз модар ўзода шарир\*.  
Ул амириким касофат коншшр,  
Эзмалик авжидадир деб «алкабир».  
Одамият кўчасидан ўтмаган,  
Садқаи одам бўлсун мундай амир.  
Камбағалга раҳми йўқдир, зулми кўб,  
Бойларга лутф ила меҳри касир.  
Буржуазларга берар ёғлиқ палов,  
Камбағал ишчига бермайдир хамир.  
Муллаларни адтсабон «даҳяқ» билан,  
Вақфларни ушр бирлан ўзи ер.

Бою муллалар анга сотлиқ чимор,  
Беваю бечорадир соғлиқ сигир.  
Пешкаш айлар амирга зулм ила,  
Үз боласин бою муллаю фақир.  
Баччабозлиқда анга йўқдир мисол,  
Майпарамстликда анга йўқдир назир.  
Эрсиз қиз қолмади қўл остида,  
Чунки бўлди барча қизға ўзи эр.  
Шул жиҳатдан ҳақлидир ҳар ким деса:  
«Биз Бухоро халқи авлоди амир».  
Гарчи бўлса оти Олимхон тўра,  
Ўзи илму фазлдан йўқдир хабар.  
Шул сабабдан олимға душман эрур,  
Чин илм аҳлини зиндонға солур.  
«Истараз»чиларни ҳўқиздек бокур,  
Хурриятчиларни қўйдек бошин кесур.  
Хурриятдан сўзлассанг - жони чиқар,  
Зулмдан сўз бошлисанг, бўлғай далер.  
Бундайин золим, илоҳи, тезроқ  
Болшевиклар қўлига тушгай асир.  
Барча молу мулку тахту баҳтини  
Болшевиклар айлагай йибир-эсир.  
Кўркмайин тўғри ёзар ботур «Гаёк»,  
Гарчи бўлса қатл, ё борса Сибир.

Ботурбек

(Бу манзума «Мехнаткашлар товуши» газетасининг 1918нчи йил, 13нчи декабрдаги 45-сонидан кўчирилди.)

«Машраб», 1924 йил, 7-сон

Мазмуни: Эй Оллоҳ (эр юзида) фикру зикри зулмян бошқа бўлмаган, нодон амир жонин кеч бўлса ҳам тезроқ ва азоблироқ ол, ул зотнинг қиласи амали фақат фисқу фасод, айшу ишратдир, гўе онадан ёмонлик фарзанди бўлиб туғилгандек.

## ХИЗМАТЛАРИМ (Ўхшатма)

Эй ёронлар, тўғри йўлдан қочдим мано,  
Эгриликнинг уруғларин сочдим мано.  
Чўнтаккинам оқча билан тўлсин дебон,  
Макру фириб дўконини очдим мано.

Халқ ичида буғзу нифоқ қўпайсун деб,  
Қайдা юрсам чақимчилик қилдим мано.  
Билимсизлар азоб тортиб ўқуйдилар,  
Ман ўқумай барча фанни билдим мано.

Кимдан фойда кўрган бўлсам қўлин ўпдим,  
Нафи тегмай юрганларни сўқдим мано.  
Бой кишига пули учун сажда қилдим,  
Камбағалнинг обрўйини тўқдим мано.

Нафсигинамнинг буйруғидан қилча чиқмай,  
Ёғлиқ жойға ҳар хил тузоқ қўйдим мано.

Узун чопон, катта салла киймак билан,  
Нодонлардан күб хурматлар күрдим мано.

Амаддорга пора бериб иш битирдим,  
Бунинг учун хизмат ҳақи олдим мано.  
Ҳай аттангким, охир ўзим қўлға тушдим,  
Ёмонлиқдан кўб балоға қолдим мано.

Машраб:  
«Эл хизматин» қилғон киши шундай бўлур,  
Шул ишга минг офарин дедим мано.  
Сандек ўсал кишилардан ким-қанчасин,  
Уриб, сўкиб бошларини едим мано.

*Мулла Жұнбул «Машраб», 1924 йил, 15-сон*

## ПОРА БЕР

(Бир пораҳурнинг илтимоси билан ёзилди)

Иш битказиб кетай десанг, пора бер!  
Муродингга етай десанг, пора бер!  
Ўзим оқман, қораларни оқлайман,  
Мени рози этай десанг, пора бер!

Пулсиз ғавғо асло ўрин тутмайдир,  
Ёғлиқ жанжал сира навбат кутмайдир,  
Бўш даъволар бу дунёда бутмайдур,  
Майсиз кабоб томоғимдан ўтмайдур.  
Ўғрилиқ қил, одам ўлдур, пора бер!  
Элни йиглат, мени кулдир, пора бер!

Пулсиз бўлсанг, ҳеч ким сенга боқмайдир,  
Душманингни чаён каби чақмайдир,  
«Мулла жиринг» ҳамёнингга оқмайдир,  
Қуруқ сўзлар қулоғингга ёқмайдир,  
Кўб гапирма, чўнтакни оч, пора бер!  
Оlamни буз, кел оқча соч, пора бер!

Оқча бўлса, пора чангалда шўрбо,  
Оқча билан кучсиз бўлғон тавонो,  
Пуллик нодон кўзга кўрингай доно,  
Пули борнинг тили бўлғуси гўё,  
Кечкурун кел, енг ичидан пора бер!  
Ёки кундуз пакет билан пора бер!

Қишлокларда махфий ишлаб пора бер!  
Эшонлардек мурид овлаб, пора бер!  
Бўри бўлиб элни талаб, пора бер!  
Катта тўй қил, жувон асраб пора бер!

*Мулла Жұнбул «Машраб», 1925 йил, 16-сон*

## Сидқий Хондайлиқий (1884-1934)

Чоп этилган: 04.04.2013

Сидқий Хондайлиқий (тажаллуси; асл исм-шарифи Сирожиддин Махдум Мирзоҳидохунд ўғли) (1884 — ҳозмрги Бўстонлик тумани Хондайлиқ қишлоғи — 1934) — шоир, хаттот,

таржимон. Араб, форс тилларини ўрганган. Хаттотликка қизиқан, замонасининг машхур қилқалами Мұхаммад Шоҳмурод котиб (1850—1922)га шогирд тушган. Сидқий тош йўниб, унга ишлов бериш, турли безаклар тушириш, суратлар ишлаш, муҳр ясаш билан ҳам шуғулланган. Айни пайтда шеър машқ қилган. Шоир сифатида шаклланишида Камийнинг хизмати катта бўлган. У бошлиқ адабий давраларда фаол иштирок этган. Илк шеърларини «Шуҳрат», «Шеван» (нола, фифон) тахаллуслари билан ёзган («Тухфай Шавкат», 1913; «Савғоти Шавкат», 1914 — тўпламлар). Кейинроқ барча асарларини Сидқий тахаллуси билан чоп эттирган. Лирик шеърларида мумтоз адабиётимиздаги ҳаётий, инсоний муҳаббат, одамийлик сингари яхши анъаналарни давом эттирган. Поэтик меросининг салмоқли қисмини ҳажвиёт ва ижтимоий шеърлар ташкил қиласди. Ижтимоий-сиёсий шеърлари эса даврнинг муҳим воқеаларига бағишинланган («Муҳораба», «Яшасун ёшлар», «Тоза ҳуррият» ва б.). Мардкорлик воқеалари ҳақида асарлар ёзган [«Рабо(т)чилар намойиши», «Рабо(т)чилар келиши», 1917].

Сидқийнинг «Русия инқилоби» достони (1917, март) Русия инқилоби воқеаларини кенг эпик планда тасвир этувчи дастлабки асар. Достоннинг ҳажми 1502 мисра. Шундан 72 мисраси форс-тожик тилида, қолгани ўзбекчада ёзилган. Воқеалар 23 февраль — инқилобнинг биринчи куни тасвиридан бошланади, сўнг кунмакун берилади. Сидқий Февраль инқилобини қучоқ очиб қарши олсада, унинг натижаларидан қаноатланмаган. Достон инқилобдан кейинги шароитни жиддий ва атрофлича таҳпил этиш, барчани бирликка, ҳамжиҳатликка чорлаш билан якун топган. Бу ғоя «Умиди иттифоқ» (1918) таржиъандида давом этади. Сидқий «Тазкираи имоми Аъзам», «Сад иршоди мулла Сидқий Хондайлиқий» («Мулла Сидқий Хондайлиқийнинг юз насиҳати»), «Мезони шариат» (1915, 1917, 1992), «Зарбулмасали Сидқий», «Холоти Сидқий» каби насрый асарлар ҳам ёзган. Уларнинг кўпчилиги динийахлоқий мавзуда. «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва маликаи Гуландом», «Ажойиб улмахлуқот», «Ўғри ва қози», «Бўстон» (Саъдий) каби асарларни таржима қиласди. Сидқий кўчириган девон, баёз ва рисолалар, ясаган муҳрлари нусхалари, тошлавҳалар ҳамда чизган Тўйчи Ҳофиз ва Тавалло суратлари хусусий ва давлат кутубхоналарида, шунингдек, 20 дан ортиқ босма ва қўлёзма асарлари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

Бегали Қосимов.

## ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Оҳқим, кўз тўқди қон эски ҳукумат дастидин,  
Бўлди танлар нотавон эски ҳукумат дастидин.

Молимизни, жонимизни зулм ила босиб олиб,  
Бўлди эл муҳтожи нон эски ҳукумат дастидин.

Беваю бечоралар очу ялангоч йиғлашур,  
Бас, бузулди хонумон эски ҳукумат дастидин.

Эҳтиёт этмас эсанг пул деб чўнтакка қўл урап,  
Тўзди, йиртилди чопон эски ҳукумат дастидин.

Бир белат олмоққа беш сўм баски, мендин олдилар  
Айламайму юз фифон эски ҳукумат дастидин.

Зулм ўти бирла жигарлар куйдию бўлди кабоб,  
Чунки ўртанди жаҳон эски ҳукумат дастидин.

Гар бозорға бир нимарса тушса олди зўр ила,  
Кўрди кўп одам зиён эски ҳукумат дастидин.

Хоину золим, қароқчи кисабурлар эрдилар,  
Улдилар күп корвон эски ҳукumat дастидин.

Мөхру шафқат битди, йүқ бўлди элнинг кўнглидан  
Ким, топилмас парча нон эски ҳукumat дастидин.

Тўқчилик кетди, келиб ўрниға бу қимматчилик,  
Бу каби бўлди замон эски ҳукumat дастидин.

Шод эмас ёшу қари, ҳеч ер аро бу жазм эрур,  
Ким, бўлибтур нотавон эски ҳукumat дастидин.

Мардикор олмоқ хусусида қирилдук кўп киши,  
Бўлди бас ўқфа нишон эски ҳукumat дастидин.

Солди қирғизларни бошиға, билурсиз қатли ом,  
Оқти сув ўрниға қон эски ҳукumat дастидин.

Сотдигу бердик ҳама уйда йўқу бор нарсани,  
Қолмади синган қозон эски ҳукumat дастидин.

Шукрким, янги ҳукumat, Сидқиё, шод айлади,  
Йўқса, чиқфай эрди жон эски ҳукumat дастидин.

\* \* \*

Фалакдин на етгай фароғат менга,  
Берур роҳат ўрниға меҳнат менга.

Шарофатдадурлар разолат эли,  
Дариғоки, йўқтур шафоат менга.

Фурумоялар бўлсалар аржуманд,  
Кўруб они етмасму ҳасрат менга.

Вафо кўрмадим дўстлардин даме,  
На бўлди алардин ҳамият менга.

Бошимға бало бўлди фазлим мени  
Ки, йўқ заррача қадру қиммат менга.

Даме кўрмадим шодлиқнинг юзин,  
Магар рўзи эрканму риққат менга.

Чу ойина йўқтур сафойи дилим  
Ки, билмам нечукдур бу иллат менга.

Суханварлик иқлимида сўрсангиз —  
Эрур Сидқий бир янги шуҳрат менга.

\* \* \*

Ул шакарлаб айласа ноз ила ширин наво,  
Тўтийи табъим тузар ул вақт аро қандин наво.

Беасар ёлғон фиғоним қайда етгай ул сори,  
Сўзи дилдин чекмас эрсам, йиғлабон гар чин наво.

Тинмағур кўнглим тиниб бир лаҳза ором олмагай,  
То аниг қўйиға бориб чекмаса чиндин наво.

Уйлаким чанг айлабон қаддим дуто, гар айласам,  
Шоми ғамда ўлтуруб бўлғай (нетай) ойин наво.

Йиғлашур аҳволима раҳм айлашуб ваҳшу.туюр,  
Дашти ҳажр ичра чу қилсан ингриб гар мен наво.

Қайда Сидқий етқосен гулгун қаболар васлиға,  
Чекмас эрсанг сидқ ила ҳар лаҳза сад рангин наво.

\* \* \*

Ёраб, на янглиғ эрди бу баҳти қаро менга,  
Ким бўлди ошно бори ноошно менга.

Ғам гулшанида ғунча киби ^хуни дил насиб —  
Бўлди-ю, найлай, ўлмаса ўзга ғизо менга.

Бўлғай ғам ила меҳнату кулфатни жавҳари,  
Ҳар ерда бўлса ҳар неча нашъу намо менга.

Ақпиздин ўлдиму ҳошоки, сад дариф,  
Ушбу замонда бўлди ҳунар бир бало менга.

Ҳар қайда қадри қиймати йўқ бўлса фазл элин,  
Бозори даҳр ичида на бўлғай баҳо менга.

Ғам кишварининг ўлдум ажаб додпешаси,  
Хайлу ҳашам нечунким эрур оҳу во менга.

Сидқий, ёшимнинг сели билан чарх айладим,  
Бош узра бўлди шому саҳар осиё менга.

\* \* \*

Васл умидин ул пари қатъ этқоч истиғно қилиб,  
Оқсадим ҳажри тунида ғам тошиға қоқилиб.

Бекасу беҳамдаму, беёрлиғдин, дўстлар,  
Йиғламайму ҳолима, кўз ёшими дарё қилиб.

Юзлабон бебоклик бозориға Мажнун киби,  
Олдим ул Лайливашим савдосини савдо қилиб,

Нотавон кўнглум сари кўйидин онинг ҳар куни,  
Тинмади то ўтмагунча юз туман ғавғо қилиб.

Боқмайин кетди ўтуб, мен нақши пойидек аниг,  
Йўлида қолдим мазаллат хокида маъво қилиб.

Сидқиё, сен ул сабодин айла ирсоли салом

То десун ҳолингни анга субҳ аро ихфо қилиб.

\* \* \*

Мазҳари файзи жовидон қофоз,  
Маъдани маънии ниҳон қофоз.

Ёки маъно арусиға бўлмиш  
Жумлаосо на хуш макон қофоз.

Нома ёзмоқ чоғимда ёр сори,  
Кўз ёшим бирла бўлди қон қофоз

Шаҳбоз табиатимға не тонг  
Бўлса андоқки, ошиён қофоз.

Йиғлагай хома шарҳи хол учун,  
Олсам илкимга ҳар қачон қофоз.

Менга ноаҳл элидин, албатта,  
Яхши, зероки безиён қофоз.

Мену ёр ўртамиизда, эй Сидқий,  
Безабт, турфа таржимон қофоз.

\* \* \*

Қилди яксар хотирим ғамгин, дилим қон эҳтиёж,  
Тушмасун ҳеч кимга ёраб, менга тушгон эҳтиёж,

Танглиғда хаста кўнглум ғунча янглиғ айлабон,  
Ҳар сориға охири этти паришон эҳтиёж.

Бўлса гар, донои даҳру фозили аср ул киши,  
Бахт ёвар бўлмаса қилғуси хўбон эҳтиёж.

Лашкари ғамдин ўзимни эмди қандоғ қутқарай  
Ким, мени илкида онлар қўйди гирён эҳтиёж.

Нега туzmай навҳалар ҳар дам чекиб, юз оҳқим,  
Эл аро қилди мени бебаргу сомон эҳтиёж.

Кулбаи йўқлуқда эрдум ҳамчу анқо, дўстлар,  
Охирида айлади машҳури даврон эҳтиёж.

Айла Шавкат сабр этиб ҳар дамда юз минг шукрлар  
Ким, эрур бошингға тушгон лутфи яздон эҳтиёж.

## МУРАББАЬ

Қатъи назар қилдинг, жоно, на бўлди,  
Келур эрдинг сўраб гоҳо, на бўлди.  
Маҳзунингга боқмай асло, на бўлди,  
Бир демадинг ҳолинг манго, на бўлди.

Гул юзингсиз ишим доим фиғонлар,

Лаълинг хаёлида дил бўлди қонлар,  
Дилда қолди кўрмай юзинг армонлар,  
Ҳосил қилсанг бир муддао, на бўлди.

Эй латофат гулзорининг гулнори,  
В-эй, маҳлиқоларнинг кўзи хуммори,  
Ҳеч сўрмадинг аҳволимни бир бори,  
Эй султони мулки вафо, на бўлди.

Бир кулиб боқишда девона қилдинг,  
Юзингга нарғисдек ҳайрона қилдинг,  
Охирда мени сен бегона қилдинг,  
Шундоғмуди аҳду вафо, на бўлди.

Ошуфтаҳол ўлдум кўрмай жамолинг,  
Хаёлимдин нари кетмас хаёлинг,  
Асло эшитмадим ширин мақолинг,  
Ёндошмадинг қилиб парво, на бўлди.

Чексам ногаҳ қўкка етар фифоним,  
Ҳажринг тортиб қолди рамакда жоним,  
Айтай десам сенго сирри нигоҳим,  
Дуч келмадинг менга танҳо, на бўлди.

Эй Шавкатнинг кўзин оқу қароси,  
Бедаво дардининг сенсан давоси,  
Аё нозик адоларнинг сароси,  
Беморингга боқсанг қиё, на бўлди.

\* \* \*

Қаро зулфинг тўлун ойдек юзингга ҳола то бўлди,  
Мени ул дамда ёруқ рўзгорим ҳам қаро бўлди.

Парисан ё малаксан, йўқса мислинг йўқ башар ичра,  
Нечунким кўрган эл хулқингни сенга мубтало бўлди.

Қилур эрди чаманда сарв нозикликни даъвосин,  
Қадинг кўргач хиёбон ичра хижлатдин дуто бўлди.

Менинг қатлима, жоно, ёдин ўқ чекмак эмас ҳожат,  
Нечун мужгондин ўқ отмоққа қошинг турфа ё бўлди.

Қуруқ жисмим менинг рашк ўтиға ёнмасму ҳар дамким,  
Сенингдек маҳвашиб ағёр ила айши бажо бўлди.

Ҳарими қурбингга мендек гадони етмаги мушкил  
Ки, султонлар сенинг олдингда бир камтар гадо бўлди,

Ниёз аҳли қаторида сенга, эй шўхлар шоҳи,  
Агар бирла мени ҳам кору борим илтижо бўлди.

Сипеҳрининг саодат ахтари тобандасидурсан,  
Шараф буржи анинг-чун сенга турмоқлиқға жо бўлди.

Сенинг Шавкатдин ўзга йўқ эрур васлинг харидори

Қим, анга ҳусн бозорида нақди жон баҳо бўлди.

\* \* \*

Нуқта эрмас хатдаги, кўздин тўкулган ёш эрур.  
Билғуси бу сўзни улким гар менга сирдош эрур.

Эмди ёру ёварим ҳажриға тоқат қилғали,  
Ўзгалардек кўнглум ичра қайда бир бардош эрур.

Жумла аҳбобим билан тушгач диёримдин йирок,  
Захр эрур ичганларим, зоҳирда аммо ош эрур.

Молу жоҳи даҳр менга дўстларсиз, дўстлар,  
Химматим олдида гўё донаи хашхоз эрур.

Андижонда турғоли зарра қарорим қолмади  
Ким, мени ҳар лаҳза ёдимда диёри Шош эрур.

Кечалар кўқдин тўкулғон он қадар кавкаб эмас,  
Ғурбат ичра бошима ёқған балолиғ тош эрур.

Тошкенданда меҳр юзликларни қадрин билмайин,  
Андижонда кори Шавкат ҳажр ила мушлош эрур.

\* \* \*

Абнои вақт сўzlари бағримни қилди қон,  
Онларни жаври илкидин айлай кима фифон?

Юрсанг, юрур дегайлар, алар шиквалар қилиб,  
Ўлтурсанг ўлтурур, дейишур таъна айлабон.

Мажлисда сўз самандига маҳмиз бермасанг,  
Қўйғайлар «Индамас» лақабингни ўшал замон.

Важҳи маъюша жаҳд ила урсанг агар қўлунг,  
Дерлар ҳасад юзи-ла, «Керакмасму сенга жон?»

Гар соврулуб алар киби йўқ бўлса бир ишинг,  
Нисбат берурлар анда ҳамоқатқа, эй жавон.

Кош эрди келса ўзларини илкидин бир иш,  
То анда арзифай эди деса нечук ёмон.

Шарманда шаҳар эгосию гулшанда зоғлар,  
Булбул канора олди ўзин очмайин забон.

Ҳеч важ ила агар қўлидин йўқ қутулғулук,  
Ераб, магар алардин ўзинг бермасанг амон.

Шавкат сўзингни бас қилу қоч ҳақ паноҳига,  
Не суд алар сўзядину на сенга бир зиён.

\* \* \*

То фазлу ҳунар ойинапардоз бўлмади,  
Иқбол эшиги кимса юзига очулмади.

Бўлса кишини бахти қаро гирядин на суд,  
Зероки, қора оқ бўлур деб ювулмади.

Сўзлар чоғингда сўзға ҳамоно бўл эҳтиёт,  
Отилган ўқни ёнғони ҳаргиз кўрулмади.

Ҳар кимни гар кўрур эсанг аиго тавозе эт,  
Кўз устида жой олмади то қуш эгулмади.

Мақсадни соҳилиға киши қўймади аёғ,  
Адҳам сифат алоиқидин то узулмади.

Шавкат ҳамиша маърифат аҳлин дуосин ол,  
Кўринг гурухлариким анинг сезишулмади.

\* \* \*

Вақти иш етди, дило, эмди қачон уйғонасан?  
Ётибон ғафлат аро, эмди қачон уйғонасан?

Кетди ғафлат, етди ҳуррият замони огаҳ ўл,  
Ётасанму уйқуда эмди, қачон уйғонасан?

Зулмати жаҳл этди кўнглингни, дориғо. билмадинг,  
Тошкўмурдин ҳам қаро, эмди қачон уйғонасан?

Бодаи ишрат билан бадмасттурсен, оҳқим,  
Ақлу хушунг йўқ бажо, эмди қачон уйғонасан?

Одам ўлдинг сен, бале, илму фунун ўрганмайин,  
Янчилиб жаҳл остидо, эмди қачон уйғонасан?

Эмди тур, тезроқ югар, илму маорифа қўл ур,  
Ётма парқу кўрпадо, эмди қачон уйғонасан?

Жаҳл бир ўтдурки, теккан кимса кўймай қолмағай,  
Етди бул ўт ёнинго, эмди қачон уйғонасан?

Ҳушу дониш доманин тутким, ҳама уйғондилар,  
Қилдилар ҳожат раво, эмди қачон уйғонасан?

Тур, тириш, илм иста, ётма, ўзгалардек тобакай  
Қўл очиб, айлаб дуо, эмди қачон уйғонасан?

Бесаноат, беҳунар, бекасблиқ бирлан ўзинг,  
Шуҳрат этдинг Сидқиё, эмди қачон уйғонасан?

\* \* \*

Фалакнинг жавридин синган ўшал болу парим келди,  
Вужудим боғи нахли, равшани чашми тарим келди.

Туганмас шукрни қайси забон бирлан адо айлай,

Карам дарёси жүш урди, дурахшон гавҳарим келди.

Фироқида дамодам, эй күзум, қонлар түкар эрдинг,  
Бас эмди қон ёшингни түкмагил күп дилбарим келди.

Мусофирлиғда ранги қаҳрабо янглуғ сариф бўлған,  
Қизил гулдек юзи сўлған менинг боғу барим келди.

Ғариблиқда жафо чеккан, ситам тортган, алам кўрган,  
Қади ғамдин дуто бўлган, машаққатпарварим келди,

Ғариблиқ юртида ҳайрону сарсон ўлмасун ҳеч ким,  
Ғарибу нотавон ўлган ситамкаш раҳбарим келди.

Ғариблиқ юртида очин-тўқин ишлаб совуқларда,  
Қади ҳамлик, кўзи намлик, юзи чун заъфарим келди,

Замона гардишидин кўп жафолар чекмаган ким бор,  
(Шукрлиллаҳ) кўзимни нури янглиғ сарварим келди.

Жафо бирла әзилган дил шифо топди бу кун Сидқий  
Ки, ул ҳозиқ табиби ғамзудо нек ахтарим келди.

1917

## МУХАММАСЛАР

### ДАР ҲАЖВИ ТОЙ АЗ ШАВКАТ ИСКАНДАРИЙ

Урганда қимиirlар минг бир тозиёна тойим,  
Ҳар бир қадамда кишнаб қилғай тарона тойим,  
Тавлаб тепиб дамодам айлар баҳона тойим,  
Юрмай кетиға, боқар ул охтахона тойим,  
Иқлимида чаманлик, сўрсанг, ягона тойим.

Иккиға кирган эрди гар сўрсанг они ёши,  
Кор этмағайди қамчин аъзоси ёки тоши,  
Ҳақдин умид қилдим кесилмагайму боши,  
Гар ўлса бўлғай эрди гўшти улуснинг оши,  
Йиғлар эдим бошида айтиб фасона, тойим.

Боғлаб борурға белни бозориға Сикандар,  
Мингашган эрдук анга икки киши баробар,  
Жон хавфидин йиқилмоқ ҳар дам баданда титрап,  
Судралғай эрди пойим ернинг юзида аксар  
Ки, юрмайин бўлтурди гоҳи равона, тойим.

Ул баччағарнинг эрди ранги совуқ, ўзи оқ,  
Йўқ эрди тора ёли, қуйруғи доғи чўлтоқ,  
Хуркар эди кўрунса йўл узра тўда янтоқ,  
Андоқки тоғ кўрунгай кўзига оз ботқоқ,  
Қилган ишини сўрсанг сиғмас баёна, тойим.

Қийнаб йўл узра асло жонимни кўймади, ҳеч,  
Бир ерга етказолмай ул кунни айлади кеч,  
Кўнгулға бул сабабдин ҳар дамда тушди юз деч,

Улдурғуси ғам ила чиқсанг бу баҳри тафреч,  
Ғусса билан аламдин бўлган нишона, тойим.

Икки қўлум яқода, деб тавба йўлда ҳар дам,  
Икки қўзум тўкуб ёш ҳолима тутти мотам,  
Хуррам кўнгулни мулкин якбора қоплади ғам,  
Охирда кетди ташлаб, ким бўлса бизга ҳамдам,  
Умрингда тўймағайсан асло самона, тойим.

На тортқуси ароба, на қўш ила жувозинг,  
На бўлғуси бир ишда бу сенга чорасозинг,  
На йўлда ўзга отдек бўлғуси дилнавозинг,  
Мингил ишонмас эрсанг бир имтиҳона, тойим.

Эйвой, қилди диққат, йўлларда бениҳоят,  
Юзланди ҳар қадамда менга ҳазор ҳасрат,  
Юз шукр уйга келдим охир дами саломат,  
Гар бўлса ушбу хил от, албатта, минма Шавкат,  
Минбаъд тавба қилдим минмоққа ёна, тойим.

## МУХАММАСИ ШАВКАТ ИСКАНДАРИИ БАР ҒАЗАЛИ ХИСЛАТ

Ҳар дамда минг балоға бўлған дучор кафшим,  
Юз жойидан ямалған чоруқвор кафшим,  
Қиймоққа тавба қилдим эмди ду бор кафшим  
Эрди оёқларимға кўп тангу тор кафшим,  
Сиқтию қилди охир юрмоққа зор кафшим.

Эскиб охир узулди чармини тору пуди,  
Эмди етар зиёни бўлғуси қайдади суди.  
Кўзумға яхшироқдур кўрунмаса вужуди,  
Устодин олғанимда эрди ажаб намуди,  
Босмоққа айлар эрдим тупроққа ор кафшим.

Кафшимдин эрди бўлсам ҳар ерда қилу қолим,,  
Қатик босарға ерға келғай эди вуболим,  
Боқиб юзиға ҳар дам хушнуд ўлурди ҳолим,  
Йўл узра юрганимда илкимда рўймолим,  
Артар эрдим дамодам бўлса ғубор кафшим.

Чармиси эрди қаттиқ сарпанчаси мулойим,  
Яъни эди аввалда киймоққа бопу қойим.  
Топқай эди ҳаловат кийган чоғида пойим.  
Янги эканлигига иззатда эрди дойим,  
Эскибди, кетди қадри, кўп бўлди хор кафшим.

Ёққанда бўлғай эрди ёмғур сувига жиқ-жиқ,  
Ташлар эди ўзини кўрунса қайдада балчиқ,  
Ҳар дам ушбу сабабдин кўнглум бўлур эди диқ,  
Дастлаклари босилди, бир ёнга бўлди қийшиқ,  
Катта-кичик бу ҳолда кўрса кулор кафшим.

Кафшимни кўрса ҳар ким ҳаргиз сўрашмас эрди,  
Ҳар дўйстлар тағофил айлаб қараашмас эрди,  
Бир ўзга кафшлардек иззат талашмас эрди,  
Кўп кафш ичида қолса асло адашмас эрди,

Киймай агарчи құйсам минг йил турор кафшим.

Қасди билан тамошо бүлган чоғида ер лой,  
Құймай оёғин аспло кийфай әдим йилу ой,  
Құп қадрдон әдилар менга бу икки фаттой,  
Фаттойи үғрисидин ешган еримда құрқмой,  
Тушганда такяларга танҳо ётор кафшим.

Эй вой таънангизнинг ўлдум аччик сўзидин,  
Хар ерда токи кўрдум қочтим аниңг кўзидин,  
Тунда уёлтур эрдим гардунни юлдузидин,  
Масҳимни гулчинини то илгари ўзидин,  
Ҳам қилди тилка-тилка бу нобакор кафшим.

Йўқлуқни йўқ иложи дардига менда Шавкат,  
Ушбу сабабдин ортар ҳардамда юз маломат,  
Бул кунда турфа бўлдум бекадру кетди қиймат,  
Қийсам агар бирор ой мен они боз Хислат,  
Эл ичра килғай эрди мажнуншиор кафшим.

## ИҚТИСОБ

(Достондан парча)

### «ТАМАЬ ЙУЛБАРСНИ ЧИБИН ҚИЛУР»

Деҳқон ўғли соғ ўл, мудом яша,  
Шодлиқ бирла субху шом яша.  
Яшасанг барча эл топар роҳат,  
Иzzат авжида неку ном яша.  
Остонангда баҳт ёстансанун,  
Толеъинг бирла бўл тамом яша.  
Неча давр ўткариб жаҳон ичра,  
Золи Рустамча хушхиром яша.  
Ой или кун каби бўлиб порлоқ,  
Хизмат эт элға, вассалом яша...

Меҳнат айлаб жаҳонни қил обод,  
Битти қуллик, ҳама бўлуб озод.  
Никалай даврида эдук чун қул,  
Оҳимиз ани айлади барбод.  
Тушти турли бало ҳалойиқға,  
Гоҳ-гоҳи ул балони ҳам қил ёд.  
Етти йил бўлди юртимизда қаҳат,  
Шод кўнгуллар ўлди, йиллар ношод,  
Эй кўзим нури, меҳнат этган чоғ,  
Чарчабон, ҳорибон дема ҳеч дод.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Меҳнат айланг ҳамиша, эй ўртоқ,  
Кетмон ушлаб, қобортуринг бармоқ.  
Хор қилғай кишини ялқовлик,  
Ярашмас уйда ялпайиб ётмоқ.  
Ош еганларни луқмасига қараб  
Тиш кирини сўруб, томоқ қоқмоқ.

Яхшидур бу каби фано ишдан,  
Мард ўлуб тоғу чүлда қўй боқмоқ.  
Бойга бўйин эгиг өма қазисин,  
Қора нон есанг ишлаб, ул хушроқ.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Эртадан кечгача ишласанг бир нон,  
Бойни миннатларидан ул осон.  
Безакотларга қад эгиг токи  
Бўлосан, эй фақир, мисли камон.  
Ҳар иш этмоққа бўл чақин янглиғ,  
Судралиб юрмагин гангиб, эй нодон.  
Бир масал бор: «Қимирлаган қир ошар»,  
Уйқудан тур, бўл эмди йўлға равон.  
Ушла мақсад этогини маҳкам.  
Ишчиларни сафида қил жавлон.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, бўлма хомтамаъ.

Судралиб юрма, ўлмағил бекор,  
Оре, «Бекордин худо ҳам безор».  
Иш қилиб, нон топиб есанг яхши,  
Хоҳ йўлға сув сепу, қиш кура қор.  
Келса қўлдан раҳм қил ожизға,  
Бўлсун ул хоҳ дўст, хоҳ ағёр.  
Негаким бандасан баногоҳи,  
Сенда ҳам улча ожиз ўлмоқ бор.  
Сотма нонга баҳоли номусинг,  
Бўлма дангаса-ю, өма мурдор.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Ишламай юрсанг ўласан банди,  
Кўкнори, қароқчи, найранги.  
Кир босиб, бит босиб либосингни,  
Хор ўлурсан, кетар юзинг ранги.  
Эрта-кеч елканг узра йиртиқ тўн,  
Бўладурсан гадони ҳамранги.  
Пора нонға сотилдинг, эй бежон,  
Йўқ экан сенда одамий нанги.  
Уйғон энди, қачонгача ётасан,  
Ишла, кетсун юзинг қора чанги.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Сидкиё, муждаи баҳор келур,  
Гўйиё бўйи лопазор келур.  
Мен киби меҳнат аҳлининг ииди —  
Бўлғусидур, баҳору ёр келур.  
Ҳар тараф сабза, тифл ўйнашибон,  
Тоғ бағрида найсувор келур.  
Ишлагил жону тан билан тиришиб,  
Демағилким яна баҳор келур.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,-  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Барча эл қаҳрамони меҳнаткаш,  
Балки, онларни жони меҳнаткаш.  
Мени олдимда шоҳдин яхши,  
Бўлса ҳам эл ёмони, меҳнаткаш.  
Арслондек ўз устиға олғай  
Барча жавру жафони меҳнаткаш.  
Бева-бечораларға қилса мадад,  
Сен дегайсан чин они меҳнаткаш.  
Уялиб ташласин гадолигни,  
Айла, ёраб, гадони меҳнаткаш.  
Мени олдимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Меҳнат этмас эрсанг бўлурсан танг,  
Айларсан бола-чақанг била жанг.  
Анча ташвиш аро қолиб бошинг,  
Бўласан иш қилолмай анда гаранг.  
Таъбинг ойинаси ғуборлашиб,  
Хира бўлғуси олиб, яъни занг.  
Мисли тоғ бошингга тушуб ташвиш,  
Ожиз ўлғунг эсанг, агарчи паланг,  
Ишла арслон каби бўлиб, ҳайқириб,  
Ишламас эсанг ушбу қаттиғ нанг.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Яхши бўлди замона, эй Сидқий,  
Тўйдимиз барча нона, эй Сидқий.  
Ул каби ҳодиса улус бошига,  
Келмасун ёна-ёна, эй Сидқий.  
Қанча ёзғон билан туганмайдур,  
Яъни, сиғмас баёна, эй Сидқий.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

1917—24